

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

27-сон
(1099)
2023 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

272. «Рақобат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлдаги ЎРҚ-850-сон Қонуни
273. ««Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 7 июлдаги ЎРҚ-853-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

274. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва ис-теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 июлдаги ПФ-108-сон Фармони
275. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар

соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июндаги ПҚ-200-сон қарори

Бешинчи бўлим

276. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 16 июндаги 07/05-05/01-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 13 июндаги 25-сон «Биржা аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легисташтиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 4 июлда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqami 2038-7*)
277. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 4-iyuldagagi 9-mh-son “Yuridik xizmat xodimini lavozimiga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3444*)
278. Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш вазирининг 2023 йил 27 июндаги 22-сон «Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатининг I бўлими 2-бобига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 6 июлда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqami 3348-2*)
279. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2023 йил 6 июндаги 486-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпиқ ҳарбий шахарчалар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 6 июлда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqami 1869-4*)
280. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 8 июндаги 29-сон «Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги ўриқноманинг З-иловасига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 июлда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqami 2868-3*)

281. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 2 июнданги 25-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 июлда рўйхатдан ўtkазилди, rўйхат рақами 3343-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

272

Рақобат тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
14 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 марта
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади товар ёки молия бозорларида рақобатнинг чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни назорат қилишини амалга ошириш ҳамда уларга чек қўйиш билан боғлик бўлган, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик

Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг рақобат тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан давлат органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва (ёки) ундан ташқарида содир этиладиган, Ўзбекистон Республикасидаги товар ёки молия бозорида рақобатнинг чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун интеллектуал мулк обьектларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар билан боғлик муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 июлда эълон қилинган.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат иштирокидаги корхона — хўжалик фаолиятини амалга оширадиган, устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори 25 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахс, шунингдек давлат унитар корхонаси ёки ўзига хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуки берилган давлат муассасаси;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг аффилланган шахслари — устав фондининг (устав капиталининг) 20 фоизи ва ундан ортиғи бевосита ёхуд билвосита давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар;

инсофсиз рақобат — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонунчиликка, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган харакатлари;

истеъмолчи — хўжалик юритувчи субъектдан товарни олевучи, товарга буюртма берувчи ёхуд товарни олиш ёки унга буюртма бериш ниятида бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

иқтисодий концентрация — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозорида рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа харакатларни бажариш;

камситувчи шарт-шароитлар — товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш ёки ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шарт-шароитлари бўлиб, улар бошқа тенг шарт-шароитларда битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъектга (рақобатчига) нисбатан тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди;

молия бозори — банклар, кредит, суғурта ва бошқа молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомаласи доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурӣ-ҳудудий тузилишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматларни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади;

мувофиқлаштирилган ҳаракатлар — икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг улардан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган, бирининг ҳаракатлари бошқасига маълум бўлган ёки улардан ҳар бирининг ҳаракатларидан келиб чиқсан ҳолда бажариладиган, рақобатни чеклайдиган ёхуд чеклашга ва (ёки) рақобат шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига олиб келиши мумкин бўлган ўзаро келишилмаган ҳаракатлари;

рақобат — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) му-

собақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;

рақамли платформа — рақамли маҳсулотлардан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳақ эвазига ёки бепул фойдаланишини таъминловчи ахборот тизими;

табиий монополия — товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик ўзига хос хусусиятлар туфайли товарларнинг муайян турига бўлган талабни қаноатлантиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайди;

табиий монополия субъекти — табиий монополия шароитларида товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гурухи;

товар — фаолиятнинг олиш ва реализация қилиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан ишлар ва хизматлар;

товар бозори — товарнинг, шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг (ўзининг белгиланган мақсади, қўлланиши, сифати ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа кўрсаткичлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган, истеъмолчи алмаштиришга тайёр бўлган товарнинг) Ўзбекистон Республикаси худудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомаласи доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурӣ-худудий тузилишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади;

хўжалик юритувчи субъект — товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш бўйича фаолият билан шуфулланувчи юридик шахс, шу жумладан давлат иштирокидаги корхона ва хўжалик фаолияти билан шуфулланувчи муассаса, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс.

5-модда. Рақобат соҳасидаги асосий принциплар

Рақобат соҳасидаги асосий принциплар қўйидагилардан иборат:

инсофли рақобат;

қонунийлик;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

шаффофлик;

тенглик.

6-модда. Рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини инобатга олган ҳолда рақобатни ҳимоя қилиш, рақобатга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиши;

жамиятда рақобатга қарши ҳар қандай хатти-харакатларга нисбатан мурасасизликни шакллантириш;

рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда товар ва молия бозорларининг самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш;

товар ва молия бозорлари иштирокчиларининг иқтисодий фаолияти эркинлигини ҳамда товарларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш;

табиий монополиялар субъектлари фаолиятни амалга оширадиган соҳаларда рақобат муҳитини шакллантириш;

товар ва молия бозорларининг иштирокчилари учун тенг шарт-шароитларни белгилаш ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартиш;

рақобат муҳитини яхшилаш ва ривожлантириш учун республика ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш.

7-модда. Рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органи ва унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органи (монополияга қарши орган) ҳисобланади (бундан бўён матнда ваколатли давлат органи деб ўритилади).

Ваколатли давлат органи ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобдор бўлиб, у ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади.

Ваколатли давлат органининг марказий аппарати ва ҳудудий органлари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш

Ваколатли давлат органи норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолайди, шунингдек товар ёки молия бозорида рақобатни бевосита ёхуд билвосита чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган нормаларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Рақобатга таъсирини баҳолаш учун ваколатли давлат органига қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари киритилади:

хўжалик юритувчи субъектлар учун янги чекловлар, лицензияларининг, рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турлари жорий этилишини ёки амалдаги чекловлар, рухсат бериш тартиб-таомиллари, фаолиятнинг лицензияланадиган турлари бозор иштирокчиларининг янада кенгроқ доирасига нисбатан татбиқ этилишини;

лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартлар жорий этилишини;

юридик шахслар устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдорига доир талаблар оширилишини;

хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган хукуqlари чекланишини (камайтирилишини) ёки улар учун қўшимча мажбуриятлар ёхуд қўшимча харажатлар жорий этилишини;

хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳар қандай турдаги имтиёзлар, кафолатлар, преференциялар белгиланишини, шунингдек уларга янги хукуклар, шу жумладан эксклюзив хукуклар берилишини.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган норматив-хукукий хужжатлар лойиҳалари факт ваколатли давлат органининг уларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича хулосалари мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда қабул қилинади.

Ваколатли давлат органи норматив-хукукий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича ишлаб чиқилган ҳисботларни кўриб чиқади.

Ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий органлари амалдаги қонунчилик хужжатларини ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан қабул қилинган хужжатларни уларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ўрганишдан ўтказади.

Ўрганиш ваколатли давлат органининг ташаббусига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига, жамоатчилик назорати субъектларнинг таклифлари ва тавсияларига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларни ўрганиш натижаларига асосан ўтказилади.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлган қонунчилик хужжатлари аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи:

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритади;

бошқа давлат органлари (бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мустасно) томонидан қабул қилинган қонунчилик хужжатлари юзасидан — рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини белгиланган муддатларда бартараф этиш тўғрисида уларга тақдимнома киритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ва рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлган қонунчилик хужжатлари аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини белгиланган муддатларда бартараф этиш тўғрисида уларга тақдимнома киритади.

Норматив-хукукий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

9-модда. Монополияга қарши комплаенс

Монополияга қарши комплаенс фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши ха-

тарларини аниқлаш ва мазкур хатарларнинг олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизимидан иборатdir.

Монополияга қарши комплаенснинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шу жумладан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни, рұксат этиш хусусиятига эга хужжатлар беришни амалга оширувчи, маҳсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қилувчи, рўйхатдан ўтказиш ёки аккредитация қилиш ваколатлари берилган давлат унитар корхоналари ёки муассасалари, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари (бундан бўён матнда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар деб юритилади), хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши хатарларини бошқариш;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

инсофли рақобатни шакллантириш ва тартибга солиш.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда, хўжалик юритувчи субъектларда ва юридик шахслар бирлашмаларида монополияга қарши комплаенсни жорий этиш, унинг ишларини таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш мақсадида масъул шахс тайинланади.

Монополияга қарши комплаенс мажбурий тартибда:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда;

товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда;

охирги уч йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг ўртача йиллик миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ошадиган ҳамда устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлатга тегишли бўлган юридик шахсларда;

охирги уч йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг ўртача йиллик миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ошадиган ҳамда устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши 50 фоизни ва ундан ортиқни ташкил этадиган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларда;

юридик шахсларнинг бирлашмаларида жорий этилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилмаган хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенсни жорий этиш тавсиявий хусусиятга эга.

Монополияга қарши комплаенсни ташкил қилиш ва жорий этиш тартиби қонунчилика белгиланади.

10-модда. Шахслар гурухи

Кўйидаги шартлардан бирига ёки бир нечтасига мувофиқ бўлган, ягона (умумий) иқтисодий манфаатга эга бўлган шахслар йиғиндиси шахслар гурухи деб эътироф этилади:

Икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бири бевосита ёки билвосита, шунингдек бошқа шахслардан олинган ваколатларга мувофиқ бошқа хўжалик юритувчи субъект устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизидан ортиғига эгалик қиласди;

Икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектда айни бир жисмоний шахс, шунингдек унинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчилари), болалари (фарзандликка олинган болалари), туғишган ва ўгай ака-укалари ҳамда опа-сингиллари (бундан буён матнда яқин қариндошлари деб юритилади) ушбу хўжалик юритувчи субъектлардаги ўз иштироки туфайли бевосита ва (ёки) билвосита ёхуд бошқа шахслардан олинган ваколатларга мувофиқ мазкур хўжалик юритувчи субъектлардан ҳар бирининг устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизидан ортиғига эгалик қиласди (эга бўлади);

Икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектда айни бир юридик шахс ушбу хўжалик юритувчи субъектлардаги ўз иштироки туфайли бевосита ва (ёки) билвосита ёхуд бошқа шахслардан олинган ваколатларга мувофиқ мазкур хўжалик юритувчи субъектлардан ҳар бирининг устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизидан ортиғига эгалик қиласди (эга бўлади);

Икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг ижро этувчи органи таркибида айни бир жисмоний шахс ҳамда унинг яқин қариндошлари киради;

Икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг коллегиал ижро этувчи органи ва (ёки) кузатув кенгаши сон таркибининг 50 фоизидан ортиғини айни бир жисмоний шахс ва унинг яқин қариндошлари ташкил этади;

Икки ва ундан ортиқ юридик шахслардан бири қонунчиликка ёки ушбу юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ёхуд улар билан тузилган шартномаларга асосан ушбу юридик шахсларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлади;

Икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектда айни бир жисмоний шахс ёки айни бир юридик шахс қонунчиликка ва (ёки) ушбу юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ёхуд улар билан тузилган шартномаларга асосан уларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлади.

Ушбу Қонунда шахслар гурухига товар ёки молия бозорининг ягона субъекти сифатида қаралади.

11-модда. Товарнинг монопол юқори нархи

Агар товарни реализация қилиш нархи ҳамда уни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш учун зарур бўлган харажатлар ўртасидаги тафовут жуда юқори бўлса ёки товарнинг сифатини пасайтириш ҳисобидан қўшимча фойда олишга қаратилган бўлса, товарнинг товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланадиган нархи товарнинг монопол юқори нархидир.

Товарнинг нархи товар-хомашё биржа савдолари якунларига кўра шаклланган тақдирда, у монопол юқори нарх деб эътироф этилмайди, бундан устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирокидаги хийла-найранглардан иборат ҳаракатлар натижасида шаклланган нарх мустасно.

Мазкур модданинг талаблари экспорт нархларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Товарнинг монопол юқори нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

12-модда. Товарнинг монопол паст нархи

Товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъект томонидан товарнинг таннархидан паст даражада ва мазкур товарни сотишдан зарар келтирадиган даражада белгиланадиган, натижада рақобат чекланишига олиб келадиган нарх товарнинг монопол паст нархидир.

Мазкур модданинг талаблари экспорт нархларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Товарнинг монопол паст нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

13-модда. Устун мавқе

Товар ёки молия бозоридаги хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гурухининг унга ўз фаолиятини рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд ушбу бошқа субъектларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолати устун мавқедир.

Товар ёки молия бозорида қўйидагилар устун мавқе деб эътироф этилади:

агар хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг рақобатчилари мавжуд бўлmasa;

агар хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гурухининг бозордаги улуши 40 фоизни ва ундан ортиқни ташкил этса;

агар хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гурухи табиий монополия субъекти деб эътироф этилса;

агар хўжалик юритувчи субъектга ёки шахслар гурухига муайян товарларни ишлаб чиқариш ёки реализация қилиш ёхуд олиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда мутлақ ва (ёки) эксклюзив хуқуқ берилган бўлса.

Охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз минг бараваридан камроқни ташкил этувчи хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг (бундан табиий монополия субъектлари, маҳсулотларининг нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик юритувчи субъектлар мустасно) товар ёки молия бозоридаги ҳолати устун мавқе деб эътироф этилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг товар ёки м-

лия бозоридаги устун мавқеи эътироф этилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ваколатли давлат органи бу ҳақда уларга хабарнома юборади, мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг товарлари-га нисбатан нархлар давлат томонидан тартибга солинган тақдирда эса бу ҳақда нархни тартибга солувчи органга ҳам хабар беради.

Товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гурухининг, рақамли платформа операторининг устун мавқеини аниқлаш ва эътироф этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-модда. Устун музокара кучи

Устун мавқега эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гурухи томонидан битим шартларини, товарлар реализация қилинадиган ху-дудни ва нархни белгилашга бир томонлама таъсир кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги устун музокара кучи деб эътироф этилади.

15-модда. Товарнинг монопол турига нисбатан қўлланиладиган нархларни (тарифларни) эълон қилиш

Хўжалик юритувчи субъект ва шахслар гурухи устун мавқега эга деб эътироф этилган пайтдан эътиборан товарнинг монопол турига нисбатан қўлланиладиган янги нархларни (тарифларни) жорий нархлар (тарифлар) ўзгартирилишидан камида ўн беш кун олдин эълон қилиши шарт.

2-боб. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш

16-модда. Табиий монополия субъектлари товарларининг нархларини (тарифларини) тартибга солиш

Табиий монополия субъектлари товарларининг нархларини (тарифларини) тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

Табиий монополия субъектлари товарларининг нархларини (тарифларини) белгилаш учун табиий монополия субъектлари ўз товарлари нархларининг (тарифларининг) лойиҳаларини ҳамда улар бўйича хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органга тақдим этади.

Табиий монополия субъектлари товарлари нархларининг (тарифларининг) лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган томонидан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органнинг табиий монополия субъектлари товарларининг нархлари (тарифлари) бўйича қарори табиий монополия субъектлари томонидан мазкур қарор кучга киргунига қадар ўн беш кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситаларида ҳамда ўз расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Ваколатли давлат органи табиий монополия субъектлари товарларининг нархларини (тарифларини) тартибга солишда иштирок этмайди.

17-модда. Табиий монополия субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Табиий монополия субъектлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

реализация қилинган товарлар учун ҳақ тўланишини таъминламаётган истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни қонунчиликда белгиланган тартибда рад этиш;

табиий монополия шароитларида реализация қилинадиган товарларнинг нархларини (тарифларини) ваколатли давлат органини хабардор қилган ҳолда барча истеъмолчилар учун бир вақтда пасайтириш.

Табиий монополия субъектлари:

ўз товарларининг сотиб олинишида истеъмолчилар учун тенг шартшароитлар яратиб бериши, барча истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун қувватлар етарли бўлмаган тақдирда, товарлар истеъмолчилар ўртасида адодатли тақсимланишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ тартибга солиши;

ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этиши;

товарларнинг нархларини (тарифларини) белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органга ишончли ахборотни тақдим этиши;

табиий монополия шароитларида амалга ошириладиган товарлар ишлаб чиқаришга (реализация қилишга) доир тўғридан-тўғри харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

Табиий монополия субъектлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

3-боб. Рақобатга қарши ҳаракатларни тақиқлаш

18-модда. Устун мавқени ва устун музокара кучини суиистемол қилишни тақиқлаш

Устун мавқега ёки устун музокара қучига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бир гурух шахсларнинг пировард натижада рақобатни чеклашга ва (ёки) истеъмолчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситишга олиб келадиган ҳаракатлари, шу жумладан қўйидаги ҳаракатлари устун мавқени ёки устун музокара кучини суиистемол қилиш деб эътироф этилади ҳамда тақиқланади:

товарларнинг муомаласи ҳажмини товар ёки молия бозорида тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида нархларнинг ошишига ва (ёки) истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилишига олиб келадиган тарзда қисқартириш;

истеъмолчиларнинг зарур ҳажмдаги товарни ва лозим даражадаги сифатли товарни олишга бўлган хуқуқлари камситилишига йўл қўйиш;

товарнинг монопол юқори ёки монопол паст нархларини белгилаш;

шартнома предметига тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкий хуқуқларни ўзга шахсга ўтказишига доир асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш;

товарни реализация қилишда ёки олишда камситувчи шарт-шароитларни белгилаш, шу жумладан товардан фойдаланиш шартларини мажбуран қабул қилдириш;

шартнома тузишга фақат контрагент томонидан бошқа товарни олиш ёки реализация қилиш ёхуд контрагентнинг товарни ўзга хўжалик юритувчи субъектлардан олишдан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга реализация қилишдан ўзини тийиши шарти билан розилик бериш;

тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки реализация қилиш имконияти бўла туриб, шартнома тузишни асоссиз равишда рад этиш;

товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг кириши учун тўсиқлар яратиш;

нархларни давлат томонидан тартибга солиш қўлланиладиган товарлар учун белгиланган нархдан ортиқ ҳақ олиш ёки нархларни давлат томонидан тартибга солиш тартибини бузиш, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар ёки бепул кўрсатилиши керак бўлган хизматлар учун ҳақ олиш;

бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (рақобатчилар) томонидан ишлаб чиқарилган товарларни олишни ёки реализация қилишни тақиқлаш ёхуд чеклаш.

Устун мавқега эга бўлган деб эътироф этилган рақамли платформа операторига маълумотлар, технологиялар ва рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳақидаги талабларни белгилаш орқали рақобатни чеклайдиган ҳаракатларни бажариш тақиқланади.

Устун мавқега эга бўлган деб эътироф этилган рақамли платформа операторининг рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ҳаракатларини аниqlаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19-модда. Рақобатга қарши келишувларни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни тақиқлаш

Товар ёки молия бозорида икки ва ундан ортиқ тарафнинг рақобатни чеклашга ёки истеъмолчиларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилишига олиб келадиган ёхуд олиб келиши мумкин бўлган, битта ёки бир нечта ҳужжатда акс эттирилган ёзма шаклдаги шартлашуви, шунингдек оғзаки шаклдаги шартлашуви рақобатга қарши келишувдир.

Рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан потенциал рақобатчилар ўртасидаги рақобатни чеклашга ва (ёки) истеъмолчиларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилишига олиб келадиган ҳамда қўйидагиларга қаратилган рақобатга қарши келишувлар ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар тақиқланади ҳамда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади:

нархларни (тарифларни), чегирмаларни, устамаларни, қўшимча тўловларни ёки устама нархларни сунъий равища белгилаш ёки сақлаб туриш, эркин бозор нархларининг қарор топишига тўсқинлик қилиш;

таклиф ҳажмини сунъий равища ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олиш, товарларни ишлаб чиқаришни иқтисодий ёки технологик жиҳатдан асоссиз равища камайтириш ва (ёки) тугатиш ёхуд технологиялар ва инвестицияларни чеклашни келишиб олиш;

энг яхши таклифларни танлашда, тендерларда, аукционларда, биржаларда ва бошқа савдоларда (бундан буён матнда савдолар деб юритилади) нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туриш;

товар ёки молия бозорини ҳудудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олиш ёхуд маҳсулот сотиладиган бозорлар устидан назорат ўрнатиш;

бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, буюртмачилар сифатида товар ёки молия бозорига киришини чеклаш ёки уларни бозордан четлаштириш ёхуд хўжалик юритувчи субъектларни муайян бозорга киритмаслик;

айрим сотувчилар ёки сотиб олувчилар билан шартномалар тузишда шартнома предметига тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкий ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш йўли билан шартномалар тузиш.

Рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик шахслар бирлашмаси, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан рақобатга қарши келишувларига ҳамда мувофиқлаштирилган ҳаракатларига, агар бундай келишувлар ва ҳаракатлар пировард натижада ушбу модданинг иккинчи қисмida кўрсатилган оқибатларга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, йўл қўйилмайди, шу жумладан қўйидаги келишувлари ва ҳаракатларига йўл қўйилмайди:

сотувчининг ёки сотиб олувчининг ҳудудни ёки сотиб олувчилар доирасини товарни кейинчалик қайта сотиш мақсадида мустақил равища белгилишини чеклайдиган келишувлари ва ҳаракатларига;

товарларни қайта сотиш учун нархларга чекловлар белгилайдиган келишувлари ва ҳаракатларига;

бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан реализация қилишни тақиқлайдиган келишувлари ва ҳаракатларига.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини ушбу хўжалик юритувчи субъектларга алоқадор бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташқи мувофиқлаштириш, агар бундай мувофиқлаштириш ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган оқибатлардан бирига олиб келса, тақиқланади.

Агар рақобатга қарши келишувлар ва ҳаракатлар ишлаб чиқаришни та-

комиллаштиришга, техника тараққиётини юксалтиришга, инновацияларни жорий этишни рағбатлантиришга, ишлаб чиқариш ва товарларни реализация қилиш хажмларини кўпайтиришга ёки иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга ёхуд товарларнинг жаҳон товар ёки молия бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлса, ушбу моддада назарда тутилган тақиқлар мазкур келишувлар ва ҳаракатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Рақобатга қарши келишувларни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

20-модда. Рақобатга қарши келишувлар ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар учун жавобгарликдан озод қилиш

Рақобатга қарши келишув ёки мувофиқлаштирилган ҳаракат иштирокчиси бўлган, мазкур келишув ёки ҳаракат содир этилганлиги ҳақида ваколатли давлат органига биринчи бўлиб ихтиёрий равишда ариза билан мурожаат қилган жисмоний шахс, хўжалик юритувчи субъект, юридик шахслар бирлашмаси тегишинча маъмурий ва молиявий жавобгарликдан озод қилинади.

21-модда. Инсофсиз рақобатни тақиқлаш

Хўжалик юритувчи субъектлар ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа шахслар томонидан рақобатчиларга нисбатан инсофсиз рақобатни амалга ошириш, шу жумладан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади:

рақобатчини обрўсизлантириш, яъни рақобатчи хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган, у сотувга таклиф қилаётган товарнинг сифати ва истеъмол хоссалари тўғрисида, мазкур товарни тайёрлаш ҳамда ундан фойдаланиш усуллари ва шароитлари ҳақида, ундан фойдаланишдан кутилаётган натижалар тўғрисида, товарнинг муайян мақсадларга яроқлилиги ҳақида, товарни сотувга таклиф этиш шартлари, шу жумладан унинг нархи тўғрисида ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш;

нотўғри таққослаш, яъни рақобатчи хўжалик юритувчи субъектни ёки унинг товарини товарнинг устунлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи сўзлардан ёки рамзлардан товарнинг холисона тасдиққа эга бўлган тавсифини ёки таққослаш параметрларини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиб таққослаш;

товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи ва сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш;

тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни, шу жумладан фан-техникага, ишлаб чиқаришга ёки савдога оид ахборотни эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этиш;

товар ёки молия бозорига рақобатчи хўжалик юритувчи субъектнинг киришига тўсқинлик қилишга ёки уни бозордан четлаштиришга олиб келувчи ҳаракатларни содир этиш.

22-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, юридик шахсларнинг бирлашмалари томонидан рақобатни чеклайдиган ҳужжатлар қабул қилинишини ҳамда ҳаракатлар амалга оширилишини (ҳаракатсизликни) тақиқлаш

Республика ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга, юридик шахсларнинг бирлашмаларига товар ёки молия бозорида рақобатни чеклашга ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситишга олиб келувчи ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда ҳаракатларни амалга ошириш (ҳаракатсизлик), шу жумладан қўйидагилар тақиқланади:

фаолиятнинг бирон-бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга, фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга ёки муайян товарларни ишлаб чиқаришга нисбатан тақиқ белгилаш ёки чекловлар жорий этиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ёки молия бозорига киришини чеклаш ёки уларни ундан чиқариб юбориш;

шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз равища тўскинлик қилиш, шу жумладан товарларга ёки хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилмаган талабларни белгилаш йўли билан тўскинлик қилиш;

товарларнинг эркин ҳаракатланиши ва реализация қилинишини қонунга хилоф равища чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг товарларни ёки бошқа фуқаролик ҳуқуқлари обьектларини тасарруф этиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқларига нисбатан тақиқлар ёки чекловлар белгилаш;

хўжалик юритувчи субъектларга товарларни сотиб олиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ёки товарларни сотиб олувчиларга бундай товарларни реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларни тиқишириш ёхуд ушбу субъектларни танлашда чекловлар белгилаш;

хўжалик юритувчи субъектларга ахборотдан ўз рақобатчиларининг товар ёки молия бозорида камситилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда устувор фойдаланиш имкониятини бериш;

айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар, енгилликлар ва эксклюзив ҳуқуқларни асоссиз равища бериш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, бундан қонунчиликда назарда тутилган холлар мустасно;

хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралashiш;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилот-

ларнинг, юридик шахслар бирлашмаларининг вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шарт-шароитлар яратиш.

Алоҳида ҳолларда, табиий оғатлар, ҳалокатларнинг оқибатларини тугашиб ва эпидемияларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда фавқулодда вазиятлар даврида республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиши ва ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорида нархларни сунъий равишда оширишга, пасайтиришга, сақлаб туришга олиб келадиган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

4-боб. Давлат ёрдами берилишига ва тадбиркорлик фаолиятида давлатнинг иштирок этишига нисбатан рақобатни чеклашга қарши талаблар

23-модда. Давлат ёрдамининг рақобатга таъсирини баҳолаш

Давлат хўжалик юритувчи субъектларга солиқ ва божхона имтиёzlари, субсидиялар, грантлар, давлат кафолатлари, имтиёзли кредитлар, эксклюзив хукуқлар, давлат мулкини имтиёзли нархларда сотиш ва ижарага бериш, ер ресурсларидан ва еости бойликларидан фойдаланиш хукуқларини имтиёзли шартлар асосида бериш ҳамда бошқа преференциялар ва афзалликлар тарзида давлат ёрдамини бериши мумкин.

Айрим хўжалик юритувчи субъектларга соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган тарзда якка тартибда давлат ёрдами берилишига йўл қўйилмайди.

Давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари уларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш учун ваколатли давлат органига мажбурий тартибда киритилади.

Рақобатга таъсирни баҳолаш натижалари юзасидан ваколатли давлат органининг хulosаси давлат ёрдами кўрсатилишини назарда тутувчи норматив-хукуқий ҳужжатларни қабул қилиш чоғида мажбурий тартибда кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

24-модда. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобатга таъсирини чеклаш

Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (устав капиталида) бевосита ёки билвосита иштирок этиш орқали,

шунингдек давлат-хусусий шериклик лойихасида давлат шериги сифатида иштирок этиш орқали амалга оширилади.

Куйидагиларга йўл қўйилмайди:

беш ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъекти товар ёки молия бозорида фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхонани ва унинг аффилланган шахсларини ташкил этишга;

республика ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни амалга ошириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, маҳсус электрон тизим воситасида ха-барномаларни қабул қилиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш ёки аккредита-ция қилиш ваколатлари берилган соҳаларда ушбу органлар ва бошқа ташки-лотлар томонидан улар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишга;

ягона етказиб берувчи бўлган ёки ўзига мазкур хуқуқ берилган ёхуд устун мавқега эга бўлган давлат иштирокидаги корхона томонидан фаолия-ти муассиснинг товарларидан (ресурсларидан) ёки тармоқ инфратузилмаси-дан фойдаланишга боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланадиган, ушбу корхонага аффилланган шахсларни ташкил этишга, бундан мазкур аффилланган шахс-ларнинг уларни рақобатчилар билан тенг фаолият шарт-шароитлари билан таъминлаган ҳолда бўлиб юбориш натижасида ташкил этилиши ҳоллари мус-тасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат ривожланган соҳаларда ўз асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган қўшимча фаолият билан шуғуллани-шига;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат ривожланган соҳаларда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (устав капиталида) ишти-рок этишига ёки ундаги улушни олишига.

Ушбу модда иккинчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Давлат иштирокидаги корхоналарни ва уларнинг аффилланган шахслари-ни ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ваколатли давлат органининг олдиндан розилиги олинганидан кейин амалга оширилади.

Ваколатли давлат органининг олдиндан розилигини олиш қўйидаги ҳол-ларда талаб этилади:

давлат иштирокидаги корхоналарни ёки уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этиш чоғида;

давлат иштирокидаги корхоналарни ёки уларнинг аффилланган шахсларини қайта ташкил этиш чоғида (қўшиб юбориш ва қўшиб олиш шаклида);

хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фонидаги (устав капиталида-ги) акциялар (улушлар) республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан олинганда;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг, шунингдек ушбу корхоналар аф-филланган шахсларининг фаолият тури ўзгарганда.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган талаблар Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда давлат иштирокидаги корхоналарни ва уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этишга (қайта ташкил этишга), уларнинг фаолият турини ўзгартиришга, шунингдек акциялар (улушлар) олишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар давлат иштирокидаги корхоналар ёки уларнинг аффилланган шахслари ушбу модданинг талабларини бузган ҳолда ташкил этилган (қайта ташкил этилган) бўлса ёки фаолият турини ўзгартирган бўлса, шунингдек акциялар (улушлар) олган бўлса, бундай ҳолда давлат иштирокидаги мазкур корхоналар ёки уларнинг аффилланган шахслари ваколатли давлат организнинг кўрсатмасига биноан ёхуд суд тартибда тегишинча тугатилади ёки уларнинг фаолият тури ўзининг аввалги фаолият турига ўзгартирилади ёхуд акцияларни (улушларни) олишга доир битимлар ҳақиқий эмас деб топилади.

25-модда. Давлат иштирокидаги корхоналарни ва уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш), уларнинг фаолият турини ўзгартириш, шунингдек улар томонидан акциялар (улушлар) олиниши учун олдиндан розилик олиш тартиби

Давлат иштирокидаги корхоналарни ёки уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этишга (қайта ташкил этишга) ва (ёки) уларнинг фаолият турини ўзгартиришга, шунингдек улар томонидан акциялар (улушлар) олинишига олдиндан розилик олиш учун тегишинча республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, давлат иштирокидаги корхоналар ёки уларнинг аффилланган шахслари ваколатли давлат органига ариза билан мурожаат қиласди.

Ваколатли давлат органи давлат иштирокидаги корхоналарни ёки уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ва (ёки) уларнинг фаолият турини ўзгартириш, шунингдек улар томонидан акциялар (улушлар) олиш масаласи юзасидан ариза келиб тушган кундан эътиборан икки ой муддатда қарор қабул қиласди.

Агар ваколатли давлат органи томонидан товар ёки молия бозорида хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд эмаслигининг объектив сабаблари аниқланмаган бўлса, давлат иштирокидаги корхоналарга, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларига уч йил муддат мазкур товар ёки молия бозорида фаолият юритишга руҳсат берилади.

Ваколатли давлат органи давлат иштирокидаги корхоналарни ва (ёки) уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этишни (қайта ташкил этишни) ва (ёки) уларнинг фаолият турини ўзгартиришни, шунингдек улар томонидан акциялар (улушлар) олинишини ушбу Қонун 24-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда рад этади.

Давлат иштирокидаги корхоналарни ёки уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ва (ёки) уларнинг фаолият турини ўзгартириш, шунингдек улар томонидан акциялар (улушлар) олиниши бўйи-

ча харакатлар товар ёки молия бозорида рақобат мұхитига салбай таъсир күрсатмаслигини исботловчи далиллар ва (ёки) хужжатлар тақдим этилган тақдирда, ваколатли давлат органи ушбу аризани қаноатлантириши мүмкін.

Ваколатли давлат органи давлат иштирокидаги корхоналарни ёки уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ва (ёки) уларнинг фаолият турини ўзгартыриш, шунингдек улар томонидан акциялар (улушлар) олиниши учун олдиндан розилик бериш тұғрисида қарорлар қабул қилиш чөрида рақобатни таъминлашга қаратылған талабларни белгиләши мүмкін.

Ваколатли давлат органининг давлат иштирокидаги корхоналарни ёки уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ва (ёки) уларнинг фаолият турини ўзгартыриш, шунингдек улар томонидан акциялар (улушлар) олиниши учун олдиндан розилик бериш тұғрисидеги қарори, агар қарор бир йил ичиде ижро этилмаса, ўз кучини йўқотади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат иштирокидаги корхоналарни ва уларнинг аффилланган шахсларини, шунингдек таъсис хужжатларига киритилаётган ўзгартышларни ҳамда улар томонидан акциялар олинишини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) чөрида ваколатли давлат органининг олдиндан розилиги мавжудлигини қонунчиликда белгиланган тартибда текшириши ва ваколатли давлат органининг олдиндан розилик бериш тұғрисидеги қарори аризачи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказишни рад этиши шарт, бундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилған ҳолларда ташкил этилған хўжалик юритувчи субъектлар мустасно.

5-боб. Рақобатни чеклашга йўл қўймаслик мақсадида иқтисодий концентрацияни ва савдоларни тартибга солиш

26-модда. Иқтисодий концентрация устидан давлат назорати

Иқтисодий концентрация устидан давлат назорати иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш орқали ваколатли давлат органи томонидан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

хўжалик юритувчи субъектни қўшиб олиш ёки қўшиб юбориш орқали қайта ташкил этишда;

шахс ёки шахслар гурӯҳи Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган акциядорлик жамияти овоз берувчи акцияларининг 25 фойзидан ортиғини тасарруф этиш ёхуд масъулияти чекланган жамиятнинг ёки қўшимча масъулияти жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларнинг учдан бир қисмидан ортиғини тасарруф этиш хуқуқини олганда.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилған битимларда иштирок этаётган хўжалик юритувчи субъектлардан бири активларининг баланс қиймати ёки охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик минг баравари миқдоридан ортиқ ёхуд уларнинг активларининг жами баланс қиймати ёки охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами

тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса, иқтисодий концентрация устидан давлат назорати амалга оширилади.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик иқтисодий концентрацияга ваколатли давлат органининг олдиндан розилигини олиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу модданинг талаблари қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг қўшиб юборилишига ёки қўшиб олинишига ёхуд уларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг (улушларнинг) олинишига доир битимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилган ҳолларга;

хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш чоғида унинг муассисларига;

хўжалик юритувчи субъект томонидан устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз акцияларини (улушларини) олишга доир битимларга;

акциядорлик жамияти (масъулияти чекланган жамият ёки қўшимча масъулиятли жамият) ўз устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини сақлаб қолган ҳолда бошқа ташкилий-хуқуқий шаклга ўзгартирилишига;

акциялар (улушлар) кейинчалик қайта сотиш мақсадида инвестиция воситачилари томонидан олинишига;

хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) жисмоний шахс томонидан олишга доир битимларга, агар ариза билан мурожаат этилган пайтда бундай жисмоний шахс бирон-бир хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг (улушларнинг) 25 фоизидан кўпроғини тасарруф этмаган бўлса.

27-модда. Иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик олиш

Олдиндан розилик олиш талаб этиладиган иқтисодий концентрацияни амалга ошириш чоғида шахслар ёки шахслар грухи бу ҳаракатлар бажарилгунига (битимлар тузилгунига) қадар ваколатли давлат органига қўйидагиларни қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этади:

иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризани;

норезидент бўлган жисмоний шахс учун — паспортнинг кўчирма нусхасини;

норезидент бўлган юридик шахс учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатнинг кўчирма нусхасини ёки унинг ўрнини босувчи хужжатни;

битим тарафларининг ариза берилган кундан аввалги икки йил давомидаги ёхуд агар фаолият икки йилдан кам муддатни ташкил этса, фаолият амалга оширилган муддат давомидаги фаолияти турлари, ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган товар турларининг номлари ҳамда уларнинг ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни;

ўтган икки календарь йилга доир молиявий ва статистика ҳисботларини;

шахслар гурухининг таркиби тўғрисидаги маълумотларни, бундай шахсларнинг ушбу шахслар гурухига кириш асослари кўрсатилган ҳолда;

шахслар ёки бир гурух шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларининг (улушларининг) 25 фоиздан кўпрофига бевосита ёки билвосита эгалик қилиш орқали ҳақиқатда назорат қиладиган жисмоний шахслар — асосий бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларни.

Иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиққанлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда йиғим ундирилади.

Иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги ариза қўйидаги тарзда қўриб чиқилади:

агар ҳаракат (битим) рақобатга таъсир қилмаса, ариза ва унга илова қилинган хужжатлар рўйхатга олинган пайтдан эътиборан ўттиз календарь кундан кечиктирмай аризачи қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилинади;

агар ҳаракат (битим) рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлса, қўшимча ўрганиш ўтказиш учун аризани қўриб чиқиш муддати икки ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Иқтисодий концентрациянинг рақобатга таъсирини баҳолаш учун эксперталар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиши натижалари бўйича ваколатли давлат органи қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисида;

иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик беришни рад этиш ҳақида.

Ваколатли давлат органи аризачига олдиндан розилик беришни қўйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, агар:

иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризанинг қаноатлантирилиши товар ёки молия бозорида тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устун мавқеи юзага келишига ёхуд кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлса;

тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Ваколатли давлат органи ҳатто товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устун мавқеи юзага келишига ёхуд кучайишига ва рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлган тақдирда ҳам, агар иқтисодий концентрация тўғрисида қарор қабул қилувчи юридик ва (ёки) жисмоний шахслар ўз ҳаракатлари (битимлари) истеъмолчиларга сезиларли тарзда наф келтиришини исботлаб берса, иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш ҳақидаги аризани қаноатлантиради.

Ваколатли давлат органи иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик беришга ва буни рақобатни таъминлашга қаратилган талабларни бажариш билан боғлиқ қилиб қўйишга ҳақли. Бунда мазкур талаблар, шунингдек уларни бажариш муддатлари ваколатли давлат органининг иқтисодий концентрацияга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилиши керак.

Товар ёки молия бозорида тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлган харакатларни бажариш (битимлар тузиш) тўғрисида қарор қабул қилган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар ваколатли давлат органининг талабига кўра рақобатнинг зарур шарт-шароитларини тиклаш бўйича чоралар кўриши шарт.

Ваколатли давлат органининг олдиндан берилган розилигисиз тузилган, товар ёки молия бозорида рақобатнинг чекланишига олиб келадиган иқтисодий концентрацияга доир битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Иқтисодий концентрацияни амалга ошириш учун ваколатли давлат органидан олдиндан розилик олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

28-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш

Товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини бартараф этиш юзасидан илгари қўлланилган чоралар самарасиз бўлган тақдирда, ваколатли давлат органи хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қиласди, бўлиш ёки ажратиб чиқариш мазкур хўжалик юритувчи субъект негизида икки ёхуд бир нечта алоҳида хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш қўйидаги шартларнинг барчаси жам бўлганда амалга оширилиши мумкин:

бўлинаётган ёки ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлинмаларнинг ташкилий ва худудий жиҳатдан алоҳида ажралиб чиқиш имконияти мавжуд бўлганда;

унинг таркибий бўлинмалари ўртасида узвий технологик боғланиш мавжуд бўлмаганда;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш натижасидаги таркибий бўлинмаларнинг товар ёки молия бозорида мустақил равишда фаолият кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда.

29-модда. Савдоларда рақобатни чеклашга қарши талаблар

Савдолар бошланғич нархни пасайтириш ёки ошириш йўли билан ташкил этилиши мумкин.

Савдоларда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган харакатлар, шу жумладан қўйидагилар тақиқланади:

савдоларни ўтказишнинг қонунчиликда белгилangan тартибини бузиш;

савдолар иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда иштирок

этиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ахборотдан фойдаланиш орқали имтиёзли шарт-шароитлар яратиш;

савдоларга оид хужжатларга ва қоидаларга, шу жумладан эълоннинг матнига иштироқчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган талабларни киритиш;

савдоларнинг ўтказилиш жараёнига ва натижаларига таъсир кўрсатиш;

савдоларда талабнинг ўзгаришига, нархларнинг сунъий равища оширилишига олиб келиши мумкин бўлган ёлғон, асоссиз маълумотларни тарқатиш;

савдоларнинг операторлари ва (ёки) ташкилотчилари ва (ёки) буюртмачилари ва (ёки) савдолар иштироқчилари томонидан рақобатга қарши келишувларни ҳамда мувофиқлаштирилган харакатларни амалга ошириш;

электрон тарзда ўтказиладиган савдоларда нархларнинг сунъий равища шакллантирилишига олиб келадиган нарх алгоритмидан, яъни товарлар нархини олдиндан белгиланган параметрларга асосан мониторинг қилиш, хисоб-китоб қилиш, белгилаш ва назорат қилиш имкониятини берувчи дастурний таъминотдан фойдаланиш;

савдоларда савдо шартларини бир неча марта бажармаслик натижасида товарнинг нархларини рақобат мавжуд бўлганда шаклланган нархлардан (талаб, таклиф ёки ишлар ҳажмидан) анча ошириш;

буюртмачининг ёки сотувчининг савдолар натижаларига кўра шартнома тузишдан асоссиз равища бўйин товлаши.

Биржа савдоларини ўтказиш чоифида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган харакатлар, шу жумладан қўйидагилар тақиқланади:

биржа савдоларини ўтказиш жараёнига таъсир кўрсатадиган, шу жумладан хийла-найранг хисобланадиган харакатлар, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

биржа савдолари иштироқчиларининг мувофиқлаштирилган харакатлари натижасида жорий биржа нархларининг кескин ошишига ёки қатъий белгиланишига олиб келадиган харакатлар;

биржа шартномаси бўйича барча харидорларга савдоларда тенг иштирок этиш имкониятини чеклайдиган лотларни белгилаш;

тўловнинг ва етказиб беришнинг асосланмаган муддатларини, шунингдек ўхшаш маҳсулотни сотувчилар томонидан белгиланган шартлардан жиддий фарқ қилувчи алоҳида шартларни жорий этиш;

биржа шартномаларида иштироқчилар сонини чеклайдиган алоҳида шартларни кўрсатиш;

товарларни савдога қўйиш жадвалларини биржанинг расмий веб-сайтига жойлаштирмаслик;

юқори ликвидли ва (ёки) монопол маҳсулотни жадвалларда назарда тутилган муддатларда биржага қўймаслик ёки уни кам ҳажмда ёхуд мувофиқ бўлмаган ҳажмда қўйиш;

биржа савдолари давомида биржанинг муайян иштироқчиси томонидан бошқа иштироқчиларнинг буюртмаларига нисбатан нархи ноодатий тарзда катта фарқ қилувчи буюртмалар бериш, кейинчалик мазкур буюртмаларни

савдолар тугагунига қадар олиб ташлаш ёки тузилган битимни жарима тўла-
масдан асоссиз равища бекор қилиш;

нархи қонунчилик билан тартибга солинадиган маҳсулотнинг бошланғич
нархини шакллантиришнинг белгиланган тартибига риоя этмаслик;

биржа шартномаси бўйича муайян харидор иштирокида бекор қилинган
битимнинг баҳоси айни шу харидор билан мазкур биржа шартномаси бўйича
кейинги икки савдода амалга оширилган битимнинг энг паст баҳосидан паст
бўлишига олиб келувчи ҳаракатларни бажариш;

фақат биржа савдоларига қўйиш йўли билан сотилиши лозим бўлган
юқори ликвидли ва (ёки) монопол маҳсулотлар ҳажмларини биржа савдола-
рига қўймасдан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш;

биржа савдоларида реализация қилинмаган юқори ликвидли ва (ёки) мо-
нопол маҳсулотларнинг бир қисмини такроран савдоларга қўймаслик;

маҳсулотни транспортнинг муқобил тури билан жўнатиш имкони бўлга-
ни ҳолда, уни транспортнинг муайян тури билан асоссиз равища жўнатиш-
ни назарда тутувчи шартномалар бўйича савдоларга қўйиш;

биржада тузилган битимлар ва шартномаларни жарима санкцияларисиз
acosсиз равища ёки мунтазам асосда бекор қилиш, бундан бир тарафнинг
енгиб бўлмас куч ҳолатлари муносабати билан мажбуриятларини бажариш
имконияти йўқлиги исботланган ҳоллар, яъни фавқулодда ва олдини олиб
бўлмайдиган (форс-мажор) ҳолатлар мустасно;

товарни юклаб жўнатиш навбатининг изчиллигига риоя этмаслик;

биржа шартномаларида товарларнинг сифат кўрсаткичлари (тури, нави,
маркаси ва бошқалар) тўғрисидаги етарлича ахборотни кўрсатмаслик ёки
уларнинг кўрсаткичлари тўғрисидаги чалғитувчи ахборотни киритиш;

савдолар ташкилотчилари томонидан биржа савдоларининг иштирокчи-
лари учун teng бўлмаган шароитлар яратиш;

савдолар ташкилотчилари томонидан биржа савдоларининг натижалари-
ни асоссиз равища бекор қилиш;

сотувчи ва харидор ўртасида айни бир шахсий ҳисобварага битим ту-
зиш;

товарнинг нархи хусусида чалғитиши мақсадида баҳоси рақобат муҳитида
таркиб топган даражадан жиддий фарқ қиласиган бир неча битимни бир кунда
бир иштирокчи томонидан ёки бир иштирокчининг манфаати учун тузиш.

Энг яхши таклифларнинг танловларида, тендерларда, аукционларда ва
бошқа савдоларда рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мум-
кин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан қўйидагилар тақиқланади:

савдоларда иштирок этиш учун хўжалик юритувчи субъектлардан ҳуж-
жатлар қабул қилишни асоссиз равища рад этиш ёки савдоларда иштирок
етиш учун ҳужжатларни тақдим этишга тўсқинлик қилиш;

савдолар иштирокчиларини асоссиз равища четлаштириш ёки уларнинг
сонини асоссиз равища чеклаш;

савдолар предметига технологик ва функционал жиҳатдан алоқадор бўл-
маган қўшимча товарларни лотлар таркибига киритиш;

товарнинг аниқ ишлаб чиқарувчисини кўрсатиш, бундан товарларнинг

бир-бирига тўғри келмаслиги ҳоллари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно;

бошқа иштирокчи ғолибга айланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида савдоларда таклифлар билан иштирок этиш;

савдолар иштирокчиларига асоссиз талаблар қўйиш, шу жумладан уларнинг малакасига нисбатан рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган талаблар қўйиш;

савдолар предметининг нархларини таклифлар киритиш йўли билан, савдолар тугагунига қадар ушбу таклифларни олиб ташлаган ҳолда ошириш ёки пасайтириш;

савдоларда айни бир лотда фақат аффилланган шахсларнинг ёки ўзаро манфаатдор шахсларнинг иштирок этиши;

савдоларнинг операторлари ва (ёки) буюртмачилари ва (ёки) ташкилотчилари ва (ёки) комиссия аъзолари билан ўзаро манфаатдор бўлган ёхуд улар билан аффилланган шахсларнинг савдоларда иштирок этиши.

Савдоларни ўтказиш чоғида рақобатга зид бўлган манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳоллар, шу жумладан қўйидаги ҳоллар ўзаро манфаатдорлик деб эътироф этилади:

савдоларнинг икки ва ундан ортиқ ўзаро аффилланмаган ёки бошқача тарзда ўзаро боғлик бўлмаган иштирокчиларининг таклифлари айни бир қонуний вакил томонидан берилганда;

савдолар иштирокчиларининг бир-биридан бевосита субсидия ва бошқа молиявий ёрдам олиш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлганда ёхуд шундай ёрдам олинганда;

айни бир лотда иштирок этаётган савдолар иштирокчиларининг таъсисчилари ўртасида ёки буюртмачининг вакили ёки ташкилотчи ёхуд оператор ўртасида ёхуд савдолар комиссиясининг аъзоси ўртасида ва мазкур савдолар иштирокчисининг вакили ёки муассиси ўртасида яқин қариндошлик алоқалари мавжуд бўлганда;

шахса (савдолар иштирокчисида, буюртмачисида, ташкилотчисида, операторида, комиссияси аъзосида) таклифлар тўғрисидаги ахборотни олиш ёки таклифларга ва (ёки) бошқа шахс билан (савдолар иштирокчиси, буюртмачи-си, ташкилотчиси, оператори, комиссия аъзоси билан) ўзаро муносабатларга эга бўлган учинчи тараф орқали қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтка-зиш имконияти мавжуд бўлганда.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган рақобатни чеклашга қарши талабларнинг бузилиши савдолар натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни ва тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

6-боб. Ваколатли давлат органи

30-модда. Ваколатли давлат органининг ваколатлари

Ваколатли давлат органи:

1) рақобатни химоя қилиш ва ривожлантиришга қаратилган норма-

тив-хукуқий хужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ҳамда қабул қиласи;

2) товар ёки молия бозоридаги рақобат ва иқтисодий концентрациянинг ҳолатини, устун мавқенинг, шу жумладан табиий монополия субъектлари-нинг, шунингдек устун музокара кучининг мавжудлигини аниқлайди;

3) хўжалик юритувчи субъектларнинг, юридик шахслар бирлашмалари-нинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этишини текширув-дан ўтказиб, бу ҳақда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлашти-риш бўйича маҳсус ваколатли органни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳабардор қиласи;

4) рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини аниқлайди, улар бўйича ишлар қўзғатади ва ишларни кўриб чиқади, уларнинг натижалари-га кўра рақобатни тиклаш, рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бу-зилишларини бартараф этиш, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) ихтиёрий равиша-да қайтариш ҳақида қарор қабул қиласи;

5) республика ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга хўжалик юритувчи субъектларга, юридик шахсларнинг бирлашмалари-га, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига ва жисмоний шахсларга рақобатни тиклаш, рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳақида ижро этиш учун мажбурий бўлган кўрсатмалар ва кўриб чиқилиши лозим бўлган тақдимномалар беради;

6) хўжалик юритувчи субъектларни, республика ижро этувчи ҳокимият органларини ва бошқа ташкилотларни, юридик шахсларнинг бирлашмаларини, уларнинг мансабдор шахсларини ва бошқа жисмоний шахсларни рақобат тўғри-сидаги қонунчиликни бузганлиги учун тегишли жавобгарликка тортади;

7) рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ жиноят-лар аломатлари бўйича жиноят ишини қўзратиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни тегишли органларга юборади;

8) рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланилиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судда кўриб чиқилишида иштирок этади;

9) судга рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини тугатиш, уларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш тўғрисидаги мурожаатларни, шу жумладан:

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, юридик шахслар бирлашмаларининг рақобат тўғрисидаги қонунчиликка тўлиқ ёки қисман мувофиқ бўлмаган хужжатларини ҳақиқий эмас ва харакатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги;

рақобат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлмаган битимларни (шартномаларни) ўзгариши, уларни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги;

рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши оқибатида олинган даромадни (фойдани) ундириш, шунингдек жарима солиш ва уни ундириш ҳақидаги;

савдоларнинг натижаларини ва мазкур савдоларнинг натижалари бўйича тузилган битимларни (шартномаларни) ушбу Конуннинг 29-моддасида назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;

хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тўғрисидаги;

рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан хуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш ҳақидаги мурожаатларни юборади;

10) нархлари давлат томонидан тартибга солиниши лозим бўлган товарлар учун нархларнинг (тарифларнинг) қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади;

11) озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларига, шунингдек товарларнинг юқори ликвидли ва (ёки) монопол турларига бўлган нархларнинг кескин тебранишлари даврида республика ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга, хўжалик юритувчи субъектларга, юридик шахсларнинг бирлашмаларига омборхоналарни инвентаризация қилиш чорида аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмларини реализация қилиш ва (ёки) улар рақобатни чеклайдиган ҳаракатлар содир этганлиги натижасида асоссиз равишда оширилган нархларни пасайтириш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ва кўриб чиқилиши лозим бўлган тақдимномалар беради;

12) республика ижро этувчи ҳокимият органлариغا ва бошқа ташкилотларга, хўжалик юритувчи субъектларга, юридик шахсларнинг бирлашмаларига ва жисмоний шахсларга рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига олиб келадиган ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) йўл қўймаслик тўғрисида огохлантиришлар беради;

13) амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият турларининг ҳамда амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни олиш талаб қилинадиган фаолият (ҳаракатлар) турлари сонини зарур хужжатлар рўйхатини камайтириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг муддатларини ва қийматини мақбуллаштириш, уларнинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил этиш йўли билан кисқартириш бўйича таклифлар киритади;

14) норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш натижаларига кўра хулоса беради;

15) имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксплюзив хуқуқлар тарзида кўрсатилаётган давлат ёрдамининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга оширади ҳамда улар рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатган тақдирда, уларни бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритади;

16) халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг монополияга қарши органлари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади, шунингдек халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, Ўзбекистон Республикасининг рақобатни ҳимоя қилиш масалаларига доир халқаро дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича халқаро ҳамкорлик-

ни мувофиқлаштирувчи хукуматлараро ёки идоралараро комиссиялар ишида иштирок этади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

31-модда. Ваколатли давлат органининг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги

Ваколатли давлат органининг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишига қаратилган ўзаро ёрдам тўғрисида, рақобатни чеклайдиган ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ҳақида, рақобат соҳасида ахборот алмашибни амалга ошириш тўғрисида меморандумлар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг монополияга қарши органлари га хабарномалар, ахборот олиш учун сўровлар юборади, улар билан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказади, ахборот алмашибни амалга оширади.

32-модда. Ваколатли давлат органининг ахборот олишга доир ҳуқуқи

Ваколатли давлат органининг мансабдор шахслари рақобат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги аризалар ва ишларни кўриб чиқиш, шунингдек рақобатнинг ҳолатини аниқлаш учун республика ижро этувчи ҳокимият органларидан ва бошқа ташкилотлардан, хўжалик юритувчи субъектлардан, юридик шахсларнинг бирлашмаларидан ҳамда жисмоний шахслардан қонунчиликда белгиланган тартибда уларнинг хужжатларини ва ахборотини олиш ҳамда уларнинг худудига кириш ҳуқуқига эга. Бунда талаб қилиб олинган хужжат, ахборот ва маълумотлар ваколатли давлат органига бепул тақдим этилади.

Ваколатли давлат органи ахборотни савдолар ўтказиш ваколатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ва юридик шахслар бирлашмаларининг электрон маълумотлар базаларига интеграциялашиш орқали реал вақт режимида олишга ҳақли.

Ваколатли давлат органи ушбу Қонунга мувофиқ ўзига берилган ваколатларни амалга ошириши муносабати билан маълум бўлиб қолган тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ва шахсга доир маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

7-боб. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

33-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик шахсларнинг бирлашмалари ва улар-

нинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа жисмоний шахслар рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузган тақдирда:

ваколатли давлат органининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмасини белгиланган муддатда ба-жариши ёки тақдимномасини кўриб чиқиши;

етказилган заарнинг ўрнини қоплаши;
асоссиз равишда олинган даромадни қайтариши;
жарималарни тўлаши шарт.

Рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги натижасида хукуклари ва қонуний манфаатлари бузилган шахслар даъво аризаси билан судга муро-жаат этиш хукуқига эга.

34-модда. Етказилган заарнинг ўрнини қоплаш

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи хужжат қабул қилинганлиги натижасида хўжалик юритувчи субъектга ёхуд бошқа шахсга етказилган заарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

Агар республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузадиган харакати (харакатсизлиги) туфайли хўжалик юритувчи субъектга ёхуд бошқа шахсга зарар етказилган бўлса, мазкур заарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

8-боб. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш, шунингдек ваколатли давлат органининг қарорлари ва кўрсатмаларини ижро этиш ҳамда улар юзасидан шикоят қилиш

35-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Ваколатли давлат органи томонидан ўтказиладиган текширувлар ва ўрганишлар натижалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлари, тегишли органларнинг тақдимномалари рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда юридик шахслар бирлашмаларининг мансабдор шахслари ва жисмоний шахслар томонидан со-дир этилган рақобат соҳасидаги маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тегишли судларда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавоб-гарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ кўриб чиқилади.

36-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар қўйидагилардан иборатdir:

ваколатли давлат органи;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақида ўзига нисбатан иш юритилаётган шахс;

рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги иш кўриб чиқилиши муносабати билан хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилинётган манфаатдор шахслар.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишда гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа кўмаклашувчи шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далиллар тақдим этишга, илтимосномалар киритишга, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа хуқуқлардан фойдаланишга ҳақли.

37-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиш кейинга қолдирилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин. Ваколатли давлат органи ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш, тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида тегишли ажрим чиқаради, мазкур ажримнинг қўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишларни кўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

38-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги иш юзасидан ваколатли давлат органининг қарори

Ваколатли давлат органи рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш натижалари бўйича қўйидагилар ҳақида қарор қабул қиласди:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги факти аниқланганлиги ва тегишли хукуқий таъсир чоралари кўрилиши ҳақида;

иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Ваколатли давлат органи:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги факtlари тасдиқланмаган;

ўзига нисбатан иш юритилаётган юридик шахс тугатилган ёки жисмоний шахс вафот этган;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ўзига нисбатан иш қўзғатилган хўжалик юритувчи субъект, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, юридик шахсларнинг бирлашмалари томонидан ихтиёрий равишда бартараф этилган;

ваколатли давлат органи кўриб чиқаётган рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги иш юзасидан суд томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги ишни юритишни тугатади.

Ваколатли давлат органининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги иш юзасидан қарори дарҳол эълон қилиниши керак.

Ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсга ваколатли давлат органининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги иш юзасидан қарорига асосан кўрсатма берилади.

39-модда. Ваколатли давлат органининг кўрсатмасини ижро этиш

Ваколатли давлат органининг кўрсатмаси унда белгиланган муддатда ижро этилиши лозим. Кўрсатмани муддатида ижро этмаганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ваколатли давлат органининг кўрсатмасини ижро этмаганлик деганда кўрсатмани ижро этишдан бўйин товлаш ёки кўрсатмани қисман ижро этиш ёхуд ўз вақтида ижро этмаслик тушунилади.

Ваколатли давлат органи томонидан ўзига кўрсатма берилган шахслар кўрсатмани ижро этиш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома бериши мумкин. Илтимосномада кўрсатилган холат узрли деб топилган тақдирда, ваколатли давлат органи кўрсатмани ижро этиш муддатини кўпи билан уч ойга узайтиришга ҳақли.

Ваколатли давлат органи ўз кўрсатмаларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

40-модда. Ваколатли давлат органининг қарори (кўрсатмаси) устидан шикоят қилиш

Рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар ваколатли давлат органининг қарори (кўрсатмаси) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилишга ҳақли.

Ваколатли давлат органининг қарорлари (кўрсатмалари) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилиниши судга шикоят қилиш хукуқини истисно этмайди.

Ваколатли давлат органининг қарорлари (кўрсатмалари) устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши уларнинг ижро этилишини тегишинча суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига, юқори турувчи органнинг ёхуд мансабдор шахснинг қарори қабул қилингунига қадар тўхтатиб туради, бундан фавқулодда вазиятларнинг, эпидемияларнинг ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлифи учун

бошқа хақиқий хавф-хатарнинг олдини олиш билан боғлик бўлган қарорлар (кўрсатмалар) мустасно.

41-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати

Ўз уставларига мувофиқ рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини рақобатга қарши харакатлардан ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлган жамоат бирлашмалари рақобат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

9-боб. Якунловчи қоидалар

42-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун молиявий санкциялар

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун молиявий санкциялар пул ундириш (жарималар) тарзида қўлланилади ва қонунчиликнинг бундай бузилишлари қўйидаги миқдорларда жарималар солишга сабаб бўлади:

1) товар ёки молия бозорида рақобатни чеклашга олиб келувчи рақобатга қарши келишувлар тузганлик, мувофиқлаштирилган харакатларни содир этганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини ушбу шахслар томонидан четдан мувофиқлаштирганлик учун — товар ёки молия бозорида рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилган даврда, бироқ охирги уч йилдан ортиқ бўлмаган даврда:

хўжалик юритувчи субъектларга — рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг товарни реализация қилишдан олинган тушуми суммасининг 5 фоизи миқдорида;

юридик шахсларнинг бирлашмаларига — келиб тушган аъзолик бадаллари суммасининг 5 фоизи миқдорида;

2) товар ёки молия бозоридаги устун мавқени ҳамда устун музокара кучини суиистеъмол қилганлик, ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар нархларини асоссиз равишда оширганлик учун — хўжалик юритувчи субъектларга товар ёки молия бозорида рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилган даврда, бироқ охирги уч йилдан ортиқ бўлмаган даврда товарни реализация қилишдан олинган тушум суммасининг 5 фоизи миқдорида;

3) хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларни (харакатларни) ваколатли давлат органининг олдиндан розилигини олмасдан туриб тузганлик (содир этганлик) учун, хўжалик юритувчи субъектларга бундай розилик олиш талаб этиладиган ҳолларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдорида;

4) инсофсиз рақобатни содир этганлик учун — хўжалик юритувчи субъектларга товар ёки молия бозорида рақобат тўғрисидаги қонунчилик

бузилган даврда, бироқ охирги уч йилдан ортиқ бўлмаган даврда, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилган товар ёки молия бозорида товарни реализация қилишдан олинган тушум суммасининг 2 фоизи миқдорида;

5) рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг савдоларга оид қисмини бузганлик учун — савдоларнинг хўжалик юритувчи субъект бўлган иштирокчиларига, давлат харидлари доирасидаги корпоратив буюртмачиларга, электрон савдолар операторларига, ташкилотчиларга — савдолар предмети бошланғич нархининг 3 фоизи миқдорида;

6) ваколатли давлат органининг олдиндан розилигини олмасдан туриб давлат иштирокидаги корхоналарни ва уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этганлик (қайта ташкил этганлик, фаолиятини ўзгартирганлик) учун — уларни ташкил этиш (қайта ташкил этиш, фаолиятини ўзгартириш) ташаббускори бўлган хўжалик юритувчи субъектга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида;

7) ваколатли давлат органига ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик учун — хўжалик юритувчи субъектларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жарима тарзидаги молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, бундан ҳуқуқбузар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равища тўллаган ҳоллар мустасно.

Жаримани тўлаш рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган шахсни ваколатли давлат органининг қарорини (тақдимномасини, кўрсатмасини) бажариш ёки рақобат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

43-модда. Низоларни ҳал этиш

Рақобат соҳасидаги низолар қонунчилиқда белгиланган тартибда ҳал этилади.

44-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

45-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Табиий монополиялар тўғрисида**»ги 398-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 106-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрел-

да қабул қилинган «**Табиий монополиялар тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 399—I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 107-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 729—I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **XVI бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида**»ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 815—I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 212-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «**Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги** ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ—59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **17-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 7 декабря қабул қилинган «**Табиий монополиялар тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ—120-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 591-модда);

7) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 декабря қабул қилинган «**Табиий монополиялар тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ—266-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 466-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ—319-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда);

9) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ—352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **19-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ—355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **13 ва 30-моддалари**;

- 11) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-365-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **25-моддаси**;
- 12) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-381-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **11-моддаси**;
- 13) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишини янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-391-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **38-моддаси**;
- 14) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-405-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда) **11-моддаси**;
- 15) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-429-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **16-моддаси**;
- 16) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-448-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 10, 605-модда) **7-моддаси**;
- 17) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган «Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-456-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **32-моддаси**;
- 18) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-459-сонли Қонунинг

нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4-модда) **23-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июля қабул қилинган «**Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **29-моддаси**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 январда қабул қилинган «**Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирили-ши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-512-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 1-модда) **18-моддаси**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорлари-ни аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **44-моддаси**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **74 ва 211-моддалари**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 марта қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-759-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 3, 216-модда) **17-моддаси**.

46-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республика-сининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил,

№ 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **178-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«178-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни ва истеъмолчилярнинг хуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Истеъмолчилярнинг хуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд уларга била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органининг қоидабузарликларни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги, истеъмолчилярнинг хуқуқлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги кўр-

сатмаларини бажаришдан бўйин товлаш, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тайёрловчининг товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаши, уларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслиги, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ҳамда акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузиш чофида рақобатни чеклашга қарши талабларни бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Рақобатга қарши келишувлар тузиш ва мувофиқлаштирилган харакатларни содир этиш, шунингдек товар ёки молия бозоридаги устун мавқени суиистеъмол қилиш, худди шунингдек савдоларга доир рақобатни чеклашга қарши талабларни бузиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказиш, шунингдек истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шу жумладан истеъмолчиларни товарнинг истеъмолга оид хусусиятлари ёки сифати хусусида ҷалғитиш, товарни унга ўхшаш бошқа маҳсулотлар билан алмаштириб қўйиш, маҳсулотнинг хусусиятлари ва сифатини қасддан ўзгаришиш, худди шунингдек қалбакилаштирилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва реализация қилиш, —

хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яроқлилик муддати ўтган товарларни, шунингдек ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги қонунчиликда назарда тутилган товарларни уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддатини кўрсатмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганлик, —

хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органига ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд унга била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахси томонидан хомашё, товарлар эркин харакатланишини ва реализация қилинишини ҳамда хизматлар кўрсатилишини қонунга хилоф равишда чеклаш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни амалга ошириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки маҳсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қилиш ваколатлари ёки рўйхатга олиш ёхуд аккредитациядан ўtkазиш ваколатлари берилган давлат унитар корхоналари ёки муассасалари ёхуд юридик шахсларнинг бирлашмалари томонидан рақобатни чеклайдиган қарорлар қабул қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи — еттинчи қисмларида назарда тутилган ҳукуқбузарликларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичидан тақроран содир этиш, —

ҳукуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган ҳукуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичидан тақроран содир этиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг тўққизинчи ва ўнинчи қисмларида назарда тутилган ҳукуқбузарликларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичидан тақроран содир этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **271-модданинг 11-бандидаги «биринчи, учинчи — саккизинчи»** деган сўзлар «биринчи — саккизинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган **«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»**ги ЎРҚ-537-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 262-модда; 2021 йил, № 1, 16-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) **24-моддасининг иккинчи қисмидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитасининг»** деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 461-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **2-илованинг 98 ва 99-позициялари** чиқариб ташлансин;
- 2) **4-илова II бўлимининг 89 ва 90-позициялари** чиқариб ташлансин.

47-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиликага етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

48-модда. Конунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

49-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 июль,
ЎРҚ-850-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОнуни

273 «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 23 июнда
маъқулланган

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ошиб бораётгандигини, айниқса, маданият, спорт ва илм-фан соҳаларида катта ғалабаларга эришилиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи жаҳон узра баланд кўтарилаётгандигини инобатга олиб,

шу муносабат билан фуқароларнинг ўз ватанпарварлик туйғуларини ифода этиш ҳамда Ватанимиз эришаётган ютуқларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат рамзларидан, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кенг фойдаланишга бўлган талаб ошиб бораётгандигини анлаган ҳолда,

шунга кўра, ҳозирги замон воқеиликларини, фуқароларнинг таклифлари ва талаб-истакларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан фойдаланиш билан боғлиқ нормаларни янада такомиллаштириш зарурияти юзага келаётгандигини эътиборга олиб,

жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан зарур ҳурматни таъминлаган ҳолда фойдаланилиши ҳолларини кенгайтириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири билан устки кийим-бошни безатиш ёки Ўзбекистонга тегишлиликни белгилаш учун тушириш имкониятини яратиш мақсадида,

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиннишига йўл қўйилмайдиган аниқ ҳоллар белгиланишини назарда тутиб,

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кенг фойдаланилиши ҳамда Ватанга нисбатан фаҳр-ифтихор ва меҳр-муҳаббат туйғулари янада кучайтирилишини таъминлаш мақсадида ушбу Қонун қабул қилинмоқда.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»-ги 407–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 июнда эълон қилинган.

1) 5-модда:

биринчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) доимий равища:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;
 Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг;
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
 республика ижро этувчи ҳокимият органларининг;
 Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;
 Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;
 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг;
 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;
 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;
 Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
 Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши-
 нинг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;

судларнинг;

прокуратура органларининг биноларида;

2) доимий равища:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг;
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
 Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Респуб-
 ликаси Олий судининг;
 республика ижро этувчи ҳокимият органларининг;
 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;
 Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;
 Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;
 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг;
 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;
 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;
 Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
 Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши-
 нинг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажлислар залларида;

3) доимий равища:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг;
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спике-
 рининг;
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;
 Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;
 Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республи-
 каси Олий суди раисларининг;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг;
 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;
 Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг;
 Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг;
 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг;
 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;
 Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг;
 Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши
 раисларининг;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик
 муассасалари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари
 бошлиқларининг хизмат хоналарида»;

иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни
 таъминлаган ҳолда, ундан ушбу модданинг биринчи қисмида қўрсатилмаган
 обьектларда, шунингдек умуммиллий байрамларда, спорт мусобақаларида, ом-
 мавий жисмоний тарбия тадбирларида, маданий ва ўзга оммавий тадбирларда,
 расмий ҳалқаро тадбирларда, тантанали тадбирларда, оиласвий байрамларда,
 хотира саналарини нишонлашда, жамият ва давлат арбобларининг, ҳарбий
 хизматчиларнинг дағн маросимларида ҳамда бошқа ҳолларда, шу жумладан
 ёғоч дастани (байроқ дастасини) ишлатмасдан фойдаланилиши мумкин»;

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни
 таъминлаган ҳолда, ундан жамоат жойларида, бинолар ва бошқа обьектлар-
 да, яшаш ёки иш жойларида, шунингдек уларга туташ бўлган ҳудудларда,
 транспорт воситаларининг салонида фойдаланилиши мумкин»;

2) 5¹-модда:

иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида давлат
 органларининг рамзий белгиларида (байроқ, эмблема — геральдик белги,
 вимпел ва бошқа рамзлар) ва уларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғи-
 даги расмий веб-сайтларида, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари-
 нинг асоси ёки элементи сифатида, шунингдек Ўзбекистон Республикасига
 тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида
 Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белги-
 лардан фойдаланилиши мумкин»;

қўйидаги мазмундаги **учинчи — олтинчи қисмлар** билан тўлдирил-
 син:

«Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида расмий
 ҳалқаро тадбирларда Ўзбекистон Республикаси вакили бўлган жисмоний ва
 юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг
 тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда унинг тасвири туширилган белгилардан жамоат жойларида, бинолар ва бошқа обьектларда, яшаш ёки иш жойларида, шунингдек уларга туташ бўлган ҳудудларда, транспорт воситаларининг салонида фойдаланилиши мумкин.

Ҳарбий ёки бошқа давлат хизматида бўлган шахсларнинг кийим-бошида ва фарқловчи нишонларида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин.

Халқаро спорт мусобақалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари учун спорт кийим-бошини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин»;

3) 5²-модда:

иккинчи ва учинчи қисмлари қўйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиши учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда унинг тасвири туширилган белгилардан устки кийим-бошни безатиш ёки Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида фойдаланиш мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлишга, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан йиртилган, ифлосланган, тешилган, ранги ўчган ҳолда ва бошқа номаъқул тарзда фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан бирор-бир нарса учун устки ёпинич сифатида фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини столларга, ўриндиқларга, стулларга тўшашга ёки унинг тасвирини туширишга ва ундан қоплама сифатида фойдаланишга, шунингдек уни ўтириладиган бошқа жойларга ёки оёқ остига тўшашга ёки унинг тасвирини туширишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кийим-бош, дастрўмол ёки кўрпа-тўшак сифатида, шунингдек буюмларни сақлаш ва ташиш учун фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгиларни пойабзалга, дастрўмолга, кўрпа-тўшакка, ички кийимга, сочиқларга, қутиларга (ўровларга), бир марта фойдаланиш ва ташлаб юбориш учун мўлжалланган буюмларга босиб чиқаришга ёки унинг тасвирини бошқача тарзда туширишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан одоб-ахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда ёхуд уларни таҳқирлаш ҳисобланадиган бошқача тарзда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзий белгилари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байрофига ўхшаш бўлиши мумкин эмас»;

4) **11-модда** қуидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байрофидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан бутун (йиртилмаган, тешилмаган), тоза (ифлосланмаган), ранги ўчмаган ҳолда ва маъқул тарзда фойдаланиш учун масъулият ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байрофидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан давлат органларининг зиммасига юклатилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсан;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини тъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини тъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 7 июль,
ЎРҚ-853-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

274 Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага** мувофиқ;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг хусусий секторга бериладиган функциялари рўйхати 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилансинки, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Рақобат қўмитаси):

монополияга қарши республика органи бўлиб, ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлис Сенатига ҳисобдор ҳисобланади, ҳар йили иқтисодиётда рақобат муҳити ва истеъмолчилар хуқуқларининг ҳимоя қилиниши ҳолати тўғрисида ҳисобот бериб боради;

ўз ваколатларини давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил рашида амалга оширади.

Рақобат қўмитаси ходимларига нисбатан қайта ташкил этилган Монополияга қарши курашиб қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақланиб қолади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

эксклюзив хуқуқлар берилган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестри (рўйхати) жорий этилади ва ушбу реестрни юритиш ҳамда хўжалик

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 июляда эълон қилинган.

** 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юритувчи субъектлар томонидан камситмаслик шартларига риоя этилиши устидан назорат Рақобат қўмитасига юклатилади;

Рақобат қўмитаси битим шартларини, товарлар реализация қилинадиган ҳудудни ва нархни белгилашга бир томонлама таъсири кўрсатиш имкониятига (устун музокара кучига) эга бўлган субъектларни аниқлайди ва улар томонидан устун музокара кучини суиистеъмол қилишни тақиқлайди;

рақобатга қарши келишувни тузган ёки ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатни содир этган юридик ёки жисмоний шахс бу ҳақда Рақобат қўмитасига биринчи бўлиб ихтиёрий равиша хабар қилса, у рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилади;

давлат органлари давлат ёрдамини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини рақобат мұхитига уларнинг таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун Рақобат қўмитасига мажбурий тартибда кирилади;

товар, молия ва рақамли бозорда устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг расмий веб-сайтларида сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг монопол турлари бўйича намунавий шартномаларни (оферталарни) жойлаштиради. Бунда, Рақобат қўмитаси ушбу шартномаларни доимий равиша рақобатни чеклашга ва (ёки) истеъмолчиларнинг, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳукуқлари ва манфаатларини камситишга олиб келадиган шартлар киритилганлиги ҳолатлари юзасидан ўрганиб боради;

асосий фаолияти табиий монополия шароитида товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар табиий монополиялар соҳасида фаолият олиб борганда улар табиий монополия субъектлари ҳисобланмайди. Бунда, ушбу ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархлар (тарифлар) асосиз оширилиши ёки нотўғри қўлланилиши, тадбиркорлар ва истеъмолчилар ҳукуқлари ва манфаатларининг камситилишига нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари қўлланилади;

б) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Рақобат қўмитасининг ходимлари давлат харидлари, шу жумладан халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, давлат-хусусий шериклик ҳамда ишончли бошқарувга бериш соҳаларидаги танлов (тендер) комиссиялари таркибига киритилмайди;

в) рақобатга қарши ҳаракатларга чек қўйишида иқтисодий таъсири паст ҳолатлар бўйича биринчи марта ҳукуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўлламаган ҳолда, профилактик тушунириш тадбирларини амалга ошириш тартиби жорий этилади;

г) Рақобат қўмитаси томонидан «Биз сизни эшитамиз» лойиҳаси жорий қилинади ва ушбу лойиҳа доирасида хар чоракда камида битта тармоқдаги тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар билан учрашув ўтказиш, рақобатга тўсик бўлаётган омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш тизими йўлга қўйилади;

д) рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ташаббусларни рағбатлантириш, нодавлат нотижорат ташки-

лотлари фаолиятига кўмаклашиш, уларни методологик қўллаб-қувватлаш, техник кўмак тақдим этиш, ходимлар малакасини ҳамда ҳуқуқий билимларни ошириш орқали жамоатчилик назоратини қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинади.

4. Рақобат қўмитаси (Ш. Шараҳметов):

а) бир ой муддатда қўйидагиларни амалга ошириш бўйича тизимни жорий этсин:

рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фундаментал илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, рақобат соҳасидаги хорижий тажриба жорий этилишини ва миллий тизим билан уйғуллаштирилишини таъминлаш;

табиий монополия соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ва дастурлар тайёрлаш, иқтисодий таҳлил қилиш ҳамда монополияни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқиш;

кадрлар малакаси ва салоҳиятини мунтазам ошириб бориш, шу жумладан хорижий эксперталар ва республиканинг олий таълим ташкилотлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда Рақобат қўмитаси, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида малакасини ошириш;

б) 2023 йил 1 сентябрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга салбий таъсирини камайтиришнинг таъсиричан механизмларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин. Бунда:

эксклюзив ҳуқуқлар берилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини камситмаслик қоидаларини жорий этиш;

рақобатга қарши ҳаракатларга чек қўйишида иқтисодий таъсири паст ҳолатлар бўйича огохлантириш ва тушунтириш бериш тартибини белгилаш;

тармоқларни тартибга солиша юридик шахслар бирлашмаларининг бозордаги рақобатга салбий таъсирини чеклашга қаратилган қоидаларни жорий этиш инобатга олинсин;

в) 2023 йил 1 октябрга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда Рақобат қўмитаси тизимида коррупция ҳолатларига ўйл қўймаслик, уларга олдиндан «ташхис қўйиши» ва коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таъсиричан механизмларни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

г) 2023 йил 20 декабрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

амалга оширилаётган лойиҳаларни таҳлил қилган ҳолда табиий монополияларнинг фаолияти мустақил регуляторлар орқали тартибга солинишини ўйлга қўйиши, шунингдек, табиий монополияларнинг тарифларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини ялпи хатловдан ўтказган ҳолда мақбул-

лаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

истеъмолчиларга мамлакат истеъмол бозорида муомалада бўлган товарлар (ишлар ва хизматлар) тўғрисида маълумотларни онлайн тарзда олиш имкониятини берувчи «Товар тўғрисида маълумот» ахборот тизими ва мобил иловасини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич давлат органлари ва электрон ҳукумат ахборот тизимлари билан интеграция қилиш чораларини кўрсинг;

д) Рақобат қўмитаси ва унинг тизим ташкилотлари мутахассислари ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларини монополияга қарши қурашиб ва рақобатни ривожлантириш соҳаси бўйича илфор хорижий давлатларда қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларида ўқиш ва тажриба алмашиш учун юборишин таъминласин.

5. Рақобат қўмитаси ҳамда Иктисадиёт ва молия вазирлигининг тармоқ инфратузилмаси билан боғлиқ ва табиий монополия, жумладан электр энергияси, табиий газ, темир йўллар, фуқаро авиацияси, аэропорт хизматлари, автомобиль йўллари ва телекоммуникация соҳаларида мустақил бозор регуляторлари институти босқичма-босқич жорий қилиш бўйича таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, 2025 йил 1 январга қадар Рақобат қўмитасининг табиий монополия субъектларининг тарифларини тартибга солиш ва назорат қилиш функциялари босқичма-босқич ташкил этиладиган мустақил бозор регуляторларига ўтказилади.

6. Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланишининг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари жамғарма сифатида фаолият юритиши белгилаб қўйилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-илювага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

8. Рақобат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш қўмитаси раиси Ш.Ш. Шараҳметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаковга юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 июль,
ПФ-108-сон

* 5-илюва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 6 июлдаги
ПФ-108-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини
химоя қилиш қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари**

Куйидагилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

- а) рақобатни таъминлаш, товар-хом ашё биржалари фаолиятини тартибга солиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур соҳаларда қонунчиликка риоя этиш устидан назоратни амалга ошириш;
- б) товар, молия ва рақамли бозорларда рақобат муҳитини таъминлаш, «картель» келишувлари ва тил бириктириш ҳолатлари, инсофсиз рақобат амалиётларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш;
- в) монополияларга қарши курашиш, устун мавқега эга хўжалик субъектларининг, шу жумладан табиий монополия субъектларининг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши ва рақобатга қарши ҳаракатларига чек қўйиш;
- г) норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ҳамда улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўй-маслик;
- д) танлов (тендер) савдолари, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагиди монополияга қарши тартибга солиш;
- е) товар-хом ашё биржалари ва уларнинг аъзолари фаолиятини, шунингдек, товар деривативлари савдоларини тартибга солиш;
- ж) асосий истеъмол, монопол ва юқори ликвидли товарлар нархларининг асоссиз оширилишига қарши чоралар кўриш;
- з) соҳага оид комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама йўналишида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятигининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш;
- и) рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама соҳаларида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар тақдим этиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

275 *Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятининг устувор ўйналишлари 1-иловага мувофиқ;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидағи ташкилотларни қайта ташкил қилиш дастури 2-иловага** мувофиқ;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

Инновацион ривожланиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ;

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага** мувофиқ;

Олий таълим, фан ва инновациялар соҳасини трансформация қилиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим тизимини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш мақсадида:

бакалаврият таълим ўйналишлари ва магистратура мутахассисликлари илфор хорижий тажриба ҳамда иқтисодиёт соҳа ва тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжи асосида қайта кўриб чиқилади;

олий таълим дастурлари етакчи олий таълим муассасалари базасида халқаро ташкилотларнинг таълим соҳалари рейтингида юқори 200 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг дастури асосида қайта ишлаб чиқилади;

олий таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базасига қўйилган талаблар таълим дастурларига, илмий лабораториялар иқтисодиёт соҳа ва тармоқларидаги технологик жараёнларга мослаштирилади;

профессор-ўқитувчилар юкламаси ўқув ва илмий фаолиятга, ўқув жараёнлари эса талабаларда мустақил таълим олиш кўнимасини ривожлантиришга йўналтирилади.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ўрта маҳсус, профессионал, олий ва олий таълимдан кейинги таълимни, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширувчи давлат ва

* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 июлда эълон килинган.

** 2 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари) ташқи баҳолашнинг қўйидаги янги тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан, унга мувофиқ:

а) таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби бекор қилиниб, комплекс ва маҳсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тизими жорий этилади. Бунда:

комплекс давлат аккредитацияси ҳар 4 йилда таълим ташкилотларини ташқи баҳолаш натижалари асосида ўтказилади;

комплекс давлат аккредитациясидан ўтмаган таълим ташкилотига аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 6 ойгача муддат берилади;

аниқланган камчиликларни бартараф этмаган таълим ташкилоти фаолиятини тугатиш (лицензиясини бекор қилиш) ёки таълим дастурини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

лицензияси бекор қилинган таълим ташкилоти ёки ёпилган таълим дастурида таҳсил олаётган талабаларга ўқишини давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг мос ва турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликларига белгиланган тартибда кўчириш хуқуқи берилади;

маҳсус давлат аккредитацияси кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилаётган таълим дастурлари бўйича ўқув жараёни бошланишидан олдин ўтказилади;

маҳсус давлат аккредитациясидан ўтмаган таълим дастурлари бўйича талаба ва ўқувчиларни ўқитишга йўл қўйилмайди;

б) таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш амалиёти жорий этилади. Бунда:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги республикада тан олинидиган халқаро аккредитация ташкилотларига қўйиладиган талабларни белгилайди ва уларнинг реестрини юритади;

мазкур реестрга киритилган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан аккредитациядан ўтказилган таълим дастурлари навбатдаги комплекс давлат аккредитациясида текширувдан ўтказилмайди;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тан олинган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг амалдаги рўйхатида биринчи 1 000 таликка кирган олий таълим ташкилотлари навбатдаги комплекс давлат аккредитациясидан озод қилинади;

г) таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси тўлов асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказилади ҳамда тўлов, жумладан аккредитацияни ўтказишга жалб қилинган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш учун йўналтирилади.

4. Республикада фаолият юритувчи олий таълим ташкилотларининг рейтингини юритиш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) рейтинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан таълим ташкилотининг фаолияти ва таълим жараёнига аралашмаган ҳолда маълумотларни ахборот тизими орқали олиш йўли билан юритилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

рейтинг давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари бўйича умумий аниқланади;

сўнгти беш йил давомида рейтингда биринчи 10 талик ўринни эгаллаган олий таълим ташкилотлари навбатдаги комплекс давлат аккредитациясидан озод қилинади;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш бўйича квота уларнинг рейтингдаги ўрнига мувофиқ ажратилади;

олий таълим ташкилотларининг таълим соҳалари кесимидағи рейтингини юритиш йўлга қўйилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

академик лицейларга ўкувчиларни қабул қилишда ёзма имтиҳон асосида дастлабки саралаш босқичи бекор қилинади;

коллеж ва техникумларнинг таълим дастурларига давлат гранти асосида-ги қабул кўрсаткичлари икки бараварга оширилади;

олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишда абитуриентларга «давлат гранти» ёки «таълим ўналиши» устуворликларидан бирини танлаш ва танлаган устуворлиги бўйича бакалаврият таълим ўналишлари кетма-кетлигида танловда иштирок этиш ҳукуқи берилади;

талабанинг таълим ўналишига мос стартап лойиҳасини ҳамда рационализаторлик фоясини битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилиш амалиёти жорий этилади;

олий таълим муассасалари талабаларининг иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ҳақ тўланадиган қисқа муддатли мақсадли ишлаб чиқариш амалиётлари ташкил этилади ҳамда Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш «аввал тест, сўнг танлов» тамоили асосида ташкил этилади ҳамда абитуриентларга тест синови натижасида тўплаган балидан келиб чиқиб, олий таълим муассаси, таълим ўналиши ва шаклини танлаш имконияти яратилади;

умумтаълим фанлари бўйича халқаро имтиҳон натижалари бўйича сертификатлар давлат олий таълим муассасаларига қабул қилишда инобатга олинади. Бунда, тан олинган халқаро сертификатлар рўйхати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қарори билан тасдиқланади;

юқори салоҳиятли академик лицейлар ўқув дастурлари халқаро дастурлар («International Advanced Levels», «International Baccalaureate») асосида ишлаб чиқилади;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ваколати доирасида нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини давлат аккредитациясидан ўтказиш ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади.

6. Белгилансинки, давлат илмий дастурларини шакллантиришда қўйида-ги тартиб жорий этилади:

а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг мавжуд муаммолари

илемий ечимига қаратилган илемий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси (тематик илемий мавзулар рўйхати) тасдиқланади;

фан йўналишлари бўйича тегишли илемий-техник кенгашлар томонидан лойиҳаларнинг илемий экспертизаси ташкил этилади;

давлат илемий дастурларига киритиладиган лойиҳаларнинг якуний рўйхати тасдиқланади;

б) Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан:

тасдиқланган тематик илемий мавзулар бўйича илемий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ танловлар ўtkазилади, шунингдек, илемий лойиҳаларнинг техник ва молиявий-иктисодий экспертизаси ташкил этилади;

тасдиқланган лойиҳалар бўйича шартномалар расмийлаштирилади;

илемий лойиҳаларнинг оралиқ ва якуний мониторинги юритилади;

в) давлат илемий дастурларига киритилган лойиҳалар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Илм-фан ва инновациялар кенгаши қарорига асосан Илм-фанны молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштирилади;

г) илемий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасига мувофиқ бажариладиган илемий лойиҳалар бўйича танловлар ўtkазиш, лойиҳаларни техник, илемий ва молиявий-иктисодий экспертизадан ўtkазиш ҳамда танлаб олиш жараёнлари Давлат илемий дастурларининг ягона интеллектуал электрон платформаси орқали амалга оширилади.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги тегишли фан йўналишлари бўйича илемий-техник кенгашлар фаолияти қўйидаги тартибда ташкил этилсин:

илемий-техник кенгашлар «Scopus» ва «Web of Science» халқаро илемий маълумотлар базаларида «Хирш» индексига эга (бундан маданият, санъат, ўзбек тили, тарих соҳалари мустасно) ҳамда янги илемий йўналишларда халқаро даражада илемий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган олимлар орасидан 21 нафар таркибда шакллантирилади;

илемий-техник кенгашлар аъзоларининг ярми ҳар 6 ойда алмаштирилади ва илемий-техник кенгашлар таркиби бир йилда тўлиқ янгиланади;

давлат буюртмаси доирасида шакллантирилган лойиҳаларнинг илемий-техник кенгашлардаги муҳокамасига хорижлик (ватандош) олимларни эксперт сифатида жалб этиш ҳамда муҳокамаларни онлайн тарзда ўtkазиш амалиёти жорий этилади.

8. Давлат илемий дастурлари натижадорлигини ошириш бўйича 2023 йил 1 августдан бошлаб қўйидаги тартиб жорий этилсин:

а) фундаментал лойиҳалар бўйича — хорижий олий таълим ва илемий-тадқиқот ташкилотларида фаолият қўрсатаётган ва лойиҳа мавзуси йўналишида муҳим натижаларга эришган, «Scopus» ва «Web of Science» халқаро илемий маълумотлар базаларида «Хирш» индекси 5 ва ундан юкори бўлган етакчи олимлар ҳамраҳбар сифатида жалб қилинади;

б) янги ишланмалар асосида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича:

Инновацион ривожланиш агентлиги тармоқ ташкилотларининг иннова-

цияларга (янги ишланма ва технологияларга) бўлган эҳтиёжлари асосида тижоратлаштириш лойиҳаларини ва инновацион «спин-офф» корхонаси лойиҳасини танлов асосида аниқлайди;

танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган тижоратлаштириш лойиҳалари ва инновацион «спин-офф» корхонаси лойиҳаси Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштирилади;

инновацион маҳсулотларни келгусида сериялаб саноатда ишлаб чиқаришини ташкил этиш мақсадида танлов натижаларига кўра молиялаштирилган ҳар бир тижоратлаштириш лойиҳаси ва инновацион «спин-офф» корхонаси лойиҳаси ҳамда якунланган илмий лойиҳалар тегишли тармоқ корхонасига бириктирилади;

в) тезкор илмий ечимни таъминлаш талаб этиладиган йўналишлар (юқумли касалликлар, техноген ҳолатлар, иқлим ўзгариши ва табиат ҳодисаларига оид, микроэлектроника технологиялари) бўйича 1 йилгача бўлган қисқа муддатли мақсадли амалий ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тартиби жорий этилади.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирига қўйидаги ваколатлар берилсин:

бакалавриат таълим йўналишларига мос тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, тест топшириқлари сони ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

республика олий таълим ташкилотларига қабул жараёнида касбий (ижодий) имтиҳонларга қўйиладиган умумий талабларни белгилаш;

талабалар ўқишини кўчириш ва магистратурага киришда рухсат этиладиган турдош таълим йўналишлари рўйхати ҳамда ўрта маҳсус, профессионал, олий ва олий таълимдан кейинги таълимга киришда тан олинадиган хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро сертификатлар рўйхатини тасдиқлаш;

ҳар йили халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режаларини тасдиқлаш.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю. Абдураҳмонов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдураҳманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 июль,
ПҚ-200-сон

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2023 й.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 3 июлдаги
ПҚ-200-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
фаолиятининг устувор йўналишлари**

Куйидагилар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

- а) олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, илм-фан ва инновацион фаолият, ўрта маҳсус, профессионал таълим соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, соҳаларни стратегик ривожлантириш йўналишларини белгилаш;
- б) ўрта маҳсус, профессионал, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолиятини тартибга солиш;
- в) халқаро мезонлар асосида ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш меъёrlарини белгилаш ҳамда таълим ташкилотларининг бошқарув ва педагог кадрларининг касбий кўникмаларини ривожлантириш;
- г) ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик фояларига садоқат, миллий қадриятларга хурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий фоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- д) илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, давлат илмий ва инновацион дастурлари ижросини мувофиқлаштириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш;
- е) ўрта маҳсус, профессионал, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, фан ва инновациялар соҳасида қўшма таълим ва илмий дастурларни амалга ошириш бўйича халқаро алоқаларни ривожлантириш;
- ж) илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида давлат илмий дастурларини шакллантириш, илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш;
- з) таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, янги ишланмаларни тижоратлаштириш, рационализаторлик фаолияти ва стартап экотизимини ривожлантириш.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 РАҶОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
 ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
 ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

276 *Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
4 июлда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2038-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурӣ ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самараали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сон қарори (рўйхат рақами 2038, 2009 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 46-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси ва Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 6 июлда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси**

Ш. ШАРАХМЕТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 июнь,
07/05-05/01-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиб департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 13 июнь,
25-сон

Келишилди:

*Товар-хом ашё биржаси
бошқаруви раиси*

З. БАДРИДДИНОВ

2023 йил 5 июнь

*Республика кўп тармоқли
агросаноат биржаси
бош директори*

Т. ВАЛИТОВ

2023 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси
 Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
 хукуқларини химоя қилиш қўмитасининг
 2023 йил 16 июндаги 07/05-05/01-сон ва
 Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий
 жиноятларга қарши курашиш департаменти-
 нинг 2023 йил 13 июндаги 25-сон қарорига
 ИЛОВА

**Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган
 даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга
 ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга
 қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
 киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«биржа — олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошкора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шарт-шароит яратадиган, Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш қўмитаси (бундан бўён матнда Рақобат қўмитаси деб юритилади) томонидан берилган биржа фаолиятини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияга эга бўлган, юридик шахсларга биржа битимларида иштирок этиш хукуқини тақдим этадиган ва биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиш, тугатиш, биржа аъзоларининг мажбуриятлари ва мулкий жавобгарлигини белгилайдиган юридик шахс;».

2. 8¹-банднинг иккинчи хатбошиси, 10-банд, 15-банднинг иккинчи хатбошиси ва 25-банднинг учинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитасига» деган сўзлар «Рақобат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 11-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» деган сўзлар «Рақобат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 14-банднинг биринчи хатбошиси, 25¹, 30¹, 36¹-бандлар ва 40-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» деган сўзлар «Рақобат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

277 Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
5-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3444*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-apreldagi PF-6218-son "Milliy qonunchilik bazasini kompleks tizimlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"-gi Farmoni va 2017-yil 19-yanvardagi PQ-2733-son "Yuridik xizmat faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
3. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi bilan kelishilgan.
4. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2023-yil 4-iyul,
9-mh-son

Kelishildi:

*Kambag'allikni
qisqartirish va bandlik vaziri*

A. TASHKULOV

B. MUSAYEV

2023-yil 15-iyun

*O'zbekiston Kasaba
uyushmalari Federatsiyasi raisi*

K. RAFIKOV

2023-yil 16-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 6-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2023-yil 4-iyuldag'i
9-mh-son buyrug'iga
1-ILOVA

**Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish
masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta
yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya
organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmatlari xodimlarini lavozimga tayinlash va lavozimdan ozod etish masalalarini majburiy tartibda tegishlicha O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalari (bundan buyon matnda adliya organlari deb yuritiladi) bilan kelishish hamda yuridik xizmati xodimi lavozimiga birinchi marta tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tishi tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizom maqsadlari uchun davlat organlari va tashkilotlari deganda, davlat organlari, xo'jalik boshqaruvi organlari, davlat korxonalar, muassasalari va tashkilotlari (bundan buyon matnda davlat organlari va tashkilotlari deb yuritiladi) tushuniladi.

2. Davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmati xodimi lavozimiga tayinlash va undan ozod etishga taqdim etilgan nomzodlarni (bundan buyon matnda nomzod deb yuritiladi) adliya organlari bilan kelishish ularning tavsiya etilgan lavozimga layoqatini va kasbiga munosibligini aniqlash, shuningdek yuridik xizmat xodimlarini noqonuniy ta'sir ko'rsatishdan himoyalash maqsadida amalga oshiriladi.

Stajirovka stajorning kasbiy bilimlari, o'quv va amaliy ko'nikmalarini mustahkamlash va shakllantirish, shuningdek ishning o'ziga xosligi, tayinlanayotgan lavozimi bo'yicha funksional vazifalarini sifatli bajarishi uchun ilg'or tajribani egallab olishini ta'minlash maqsadida o'taladi.

3. Davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmatiga nomzodlar hamda yuridik xizmat xodimi lavozimiga birinchi marta tayinlangan shaxslar mazkur Nizomga asosan adliya organlari bilan kelishilgan holda lavozimga tayinlanadi va undan ozod qilinadi hamda stajirovkadan o'tadi.

Bunda, kelishish va stajirovka jarayonlari:

respublika darajasidagi davlat organlari va tashkilotlari, shuningdek Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari yuridik xizmati xodimlari uchun — O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligida;

hududiy darajadagi davlat organlari va tashkilotlari, shuningdek tumanlar va shaharlar hokimliklari yuridik xizmati xodimlari uchun — tegishlicha

Qoraqalpog'iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalarida amalga oshiriladi.

Davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmati xodimi lavozimiga adliya organlari bilan kelishilib lavozimga tayinlangan xodimlar kelgusida ushbu tashkilotning yuridik xizmatidagi lavozimi o'zgarganda, shu jumladan ushbu xodimlar davlat organlari va tashkilotlari qayta tashkil etilishi yoki tashkiliy bo'ysunuvi o'zgarishi munosabati bilan teng lavozimga tayinlanganda yoki yuridik xizmatidagi lavozimi o'zgarganda adliya organlari bilan kelishish talab etilmaydi, yuridik xizmat rahbari va uning o'rinnbosari lavozimi bundan mustasno.

Bunda Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmatlarining ma'lumotlari bazasini shakllantirish va yuritish tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 2861, 2017-yil 28-fevral) asosan davlat organlari va tashkilotlari o'n kun muddatda tegishli ma'lumotni adliya organiga yuborishi lozim.

Davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmati xodimlari adliya organlari bilan lavozimiga tayinlanishi kelishilgan kundan boshlab bir yil davomida boshqa davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmatiga ishga o'tganda adliya organlari bilan suhbatdan o'tkazilmasdan kelishilishiga yo'l qo'yiladi, yuridik xizmat rahbari va uning o'rinnbosari lavozimlari bundan mustasno.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalari, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi va Vazirlar Mahkamasining yuridik xizmat xodimlari hamda ular bilan kelishib lavozimga tayinlangan yuridik xizmat xodimlarini adliya organlari bilan kelishish talab etilmaydi.

2-bob. Yuridik xizmat xodimlarini lavozimga tayinlash masalalarini kelishish

4. Davlat organlari va tashkilotlari tomonidan yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlash masalasini kelishish uchun bir yoki undan ortiq nomzodlar tavsiya etilishi mumkin.

5. Davlat organlari va tashkilotlari nomzodni lavozimga tayinlash masalasini kelishish uchun tegishli adliya organiga quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

davlat organi va tashkiloti rahbarining nomzodni lavozimga tavsiya etish to'g'risidagi taqdimnomasi;

nomzodning ushbu Nizomning 1 va 2-ilovalariga muvofiq shakldagi ma'lumotnomasi va yaqin qarindoshlari haqidagi ma'lumot.

Yuridik xizmat xodimi lavozimiga kelishish uchun bir yoki undan ortiq nomzodlar tavsiya etilganda, mazkur hujjatlar har bir nomzod uchun alohida taqdim etiladi.

6. Davlat organlari va tashkilotlari tomonidan taqdim etilgan hujjatlar qaytarib berilmaydi.

7. Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlashni kelishish masalasini ko'rib chiqishda nomzod bilan suhbat o'tkaziladi.

8. Suhbat adliya organlarida tashkil etiladigan komissiyalar tomonidan o'tkaziladi. Komissiyalar tarkibi tegishli adliya organi rahbari tomonidan kamida besh kishidan, ya'ni rais, uning o'rinnbosari va a'zolaridan iborat tarkibda tasdiqlanadi.

9. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligida vazirning soha bo'yicha mas'ul o'rinnbosari, Qoraqalpog'iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalarida esa, tegishlicha Qoraqalpog'iston Respublikasi adliya vaziri va adliya boshqarmasi boshlig'i komissiya raisi hisoblanadi.

10. Komissiyalar faoliyatini tashkil qilish bo'yicha tashkiliy masalalar, shuningdek yuridik xizmati xodimi lavozimiga bиринчи marta tayinlangan shaxslarning stajirovka o'tashi va uning tashkil etilishi ishchi organlar tomonidan amalga oshiriladi.

Adliya vazirligining Notariat, advokatura va huquqiy xizmatlar boshqarmasi va uning hududiy bo'limlari (bundan buyon matnda ishchi organlar deb yuritiladi) ishchi organ hisoblanadi.

11. Kelishish hujjatlar tegishli adliya organiga kelib tushgan sanadan boshlab bir oy ichida amalga oshiriladi.

12. Ishchi organ tomonidan hujjatlarni ko'rib chiqish jarayonida kamchiliklar aniqlanmasa, nomzodni tavsiya etgan davlat organi va tashkilotiga suhbat o'tkazilishidan kamida uch kun oldin suhbat o'tkaziladigan kun, vaqt va joy haqida xabar beriladi.

13. Hujjatlarda kamchiliklar mavjudligi aniqlangan taqdirda, ular tegishli adliya organiga kelib tushgan sanadan boshlab besh ish kuni ichida ishchi organ tomonidan kamchiliklar ko'rsatilgan holda nomzodni tavsiya etgan davlat organi va tashkilotiga xabar yuboriladi.

14. Hujjatlarni ko'rsatilgan kamchiliklarni bartaraf qilgan holda takroran yuborishda ushbu Nizomning 5-bandida nazarda tutilgan hujjatlar takroran taqdim qilinadi.

15. Komissiya ishida a'zolarning kamida yarmi ishtirok etgan taqdirda, vakolatli hisoblanadi. Komissyaning a'zosi ish joyida bo'limgan taqdirda uning o'rniga uning vazifasini bajaruvchi shaxs ishtirok etishiga yo'l qo'yiladi.

16. Nomzod bilan uning kasb faoliyatiga bog'liq bo'lgan qonunchilik sohalari, shu jumladan konstitutsiyaviy huquq, fuqarolik huquqi va mehnat huquqi sohalari, shartnomaviy-huquqiy faoliyat va sud ishlarini yuritish asoslari bo'yicha suhbat o'tkaziladi.

17. Suhbat jarayonidagi nomzodga beriladigan savollar va ularning javoblari, komissiya a'zolari tomonidan nomzodga qo'yilgan ballar hamda suhbatning umumiyl natijalari "Yurist-adliya" elektron tizimida qayd etib boriladi.

18. Komissiya a'zolari nomzodning bilimi, shuningdek ish tajribasini hisobga olib, uni suhbatdan o'tgan yoki o'tmagan deb topish haqida qaror qabul qiladi. Bunda, ushbu qaror komissiya majlisida hozir bo'lgan a'zolarning "Yurist-adliya" elektron tizimi orqali berilgan ballari natijasi bo'yicha qabul qilinadi.

Komissiya a'zolari nomzodni boshqa lavozimga tayinlash haqida tavsiya berishi mumkin.

Suhbatga kela olmaydigan nomzodlar suhbat boshlangunga qadar Komissyaning ishchi organini yozma xabardor qilishlari lozim. Komissyaning ishchi organini suhbatga kela olmasligi to'g'risida yozma xabar bergen nomzodlar Komissyaning navbatdagi yig'ilishida suhbatga qo'yiladilar.

Suhbatga kelmagan va komissiya ishchi organini yozma xabardor qilmagan

nomzodlar suhbatdan o‘tmagan deb topiladi va bu haqda ishchi organ tomonidan nomzodni tavsiya etgan davlat organi va tashkilotiga ma’lum qilinadi.

19. Suhbat natijalariga ko‘ra nomzodning suhbatdan o‘tganligi yoki o‘tmaganligi holati bo‘yicha ishchi organ uch ish kuni ichida nomzodni tavsiya etgan davlat organi va tashkilotini xabardor qiladi.

20. Suhbatdan o‘ta olmagan nomzodlar bir oydan so‘ng, umumiylasoslarda tegishli lavozimiga qayta tavsiya etilishi mumkin.

21. Yuridik xizmat xodimi lavozimiga suhbatdan uch marotaba o‘ta olmagan nomzodlar uch oydan so‘ng umumiylasoslarda tegishli lavozimiga qayta tavsiya etilishi mumkin.

3-bob. Yuridik xizmat xodimlarini lavozimidan ozod etish masalalarini kelishish

22. Yuridik xizmat xodimlarini lavozimidan ozod etishni kelishish uchun davlat organi va tashkiloti tomonidan adliya organlariga quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:

— davlat organi va tashkiloti rahbarining yuridik xizmat xodimini lavozimidan ozod etish haqidagi taqdimnomasi, ushbu taqdimnomada xodimni lavozimidan ozod etish sabablari, motivlari va boshqa ma’lumotlar ko‘rsatiladi;

— yuridik xizmat xodimining arizasi — mehnat shartnomasini xodimning tashabbusi bilan bekor qilishda;

— yuridik xizmat xodimini lavozimidan ozod etish sabablarini tasdiqlovchi boshqa hujjatlar.

Davlat organlari va tashkilotlari tomonidan taqdim etilgan hujjatlar qaytarib berilmaydi.

23. Yuridik xizmat xodimlarini lavozimidan ozod etish masalalarini kelishish mazkur Nizomda belgilangan yuridik xizmat xodimlarini lavozimga tayinlash masalasini kelishish tartibida amalga oshiriladi. Bunda xodim bilan suhbat ishchi organ tomonidan zarur deb topilgan hollardagina o‘tkaziladi.

Xodim tashabbusi bilan mehnat shartnomasi bekor qilinayotgan bo‘lsa, mazkur masalaning komissiya tomonidan ko‘rib chiqilishi talab etilmaydi.

Yuridik xizmat xodimini lavozimidan ozod etishning kelishilganligi yoki kelishilmaganligi (sabablari ko‘rsatilgan holda) haqida tegishli adliya organi tomonidan davlat organi va tashkiloti yozma ravishda xabardor qilinadi.

24. Zarur hollarda, adliya organlari tomonidan yuridik xizmat xodimini lavozimidan ozod etish masalasiga doir qo‘sishmcha hujjatlar talab qilinishi hamda yuridik xizmat xodimi bilan suhbat o‘tkazilishi mumkin.

25. Quyidagilar yuridik xizmat xodimini lavozimidan ozod etishni kelishishni rad etish uchun asos bo‘ladi:

— yuridik xizmat xodimini lavozimidan ozod etish uchun sabablar yetarli emas deb topilganda;

— yuridik xizmat xodimining zimmasiga yuklatilgan vazifalardan kelib chiqmaydigan ishlarni bajarmaganligi yoki uni o‘ziga yuklatilgan majburiyatlarini bajarganligi uchun ta’qib qilinganligi holati aniqlanganda.

26. Mazkur Nizomning 25-bandiga uchinchisi xatboshisida nazarda tutilgan

holatlar mayjud bo‘lgan taqdirda, davlat organi va tashkilotida tegishli adliya organi tomonidan xizmat tekshiruvi o‘tkazilishi mumkin.

27. Xizmat tekshiruvini o‘tkazish uchun asos bo‘lgan holat o‘z isbotini topganda, tegishli adliya organi davlat organi va tashkilotining aybdor mansabdor shaxslarini belgilangan tartibda javobgarlikka tortish choralarini ko‘radi.

28. Davlat organlari va tashkilotlari tugatilganda hamda yuridik xizmat shtat birligi qonunchilik hujjatlariga muvofiq qisqartirilganda yuridik xizmat xodimini lavozimidan ozod etishni adliya organlari bilan kelishish talab etilmaydi.

4- bob. Yuridik xizmati xodimi lavozimiga birinchi marta tayinlangan shaxslarning stajirovka o‘tashi va uning tashkil etilishi

29. Davlat organlari va tashkilotlari rahbari yuridik xizmat xodimi lavozimiga birinchi marta tayinlangan shaxsni stajirovkadan o‘tkazishni so‘rab u lavozimga tayinlangan kundan e’tiboran o‘n kun ichida tegishli adliya organiga murojaat qiladi.

Adliya organi murojaat kelib tushgandan so‘ng, bir oy muddat ichida stajirovkani tashkil qilishi va uni o‘tash bo‘yicha aniq muddatni ko‘rsatgan holda tashkilot rahbarini stajirovka boshlanishidan kamida bir hafta oldin yozma ravishda xabardor qilishi kerak.

30. Stajorni belgilangan muddatda stajirovkadan o‘tish uchun yuborish majburiyati davlat organlari va tashkilotlari rahbari zimmasiga yuklatiladi.

31. Stajirovka ishchi organlar tomonidan tashkil qilinadi.

32. Stajorga metodik yordam ko‘rsatish hamda uning amaliy ko‘nikmalarini shakllantirish uchun adliya organlarining malakali va tajribali mutaxassislari orasidan stajirovka rahbari tayinlanadi.

33. Stajirovka rahbari kamida ikki yillik ish stajiga ega bo‘lishi kerak.

34. Stajirovka rahbari tomonidan har bir stajor uchun u tomonidan bajariladigan ishlar mazmuni va muddati ko‘rsatilgan stajirovkadan o‘tish rejasasi ishlab chiqiladi.

Stajirovkadan o‘tish rejasasi ishchi organlar tomonidan tasdiqlanadi.

35. Stajirovkadan o‘tish rejasida stajor tomonidan yuridik xizmat xodimining funksional vazifalari va ularni bajarishda bilishi lozim bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatlar ro‘yxati, norma ijodkorligi va huquqni qo‘llash amaliyoti, normativ-huquqiy hujjatlarning turkumlashtirilgan hisobini yuritish, shartnomaviy-huquqiy va da’vo ishlarni yuritish, jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlarini ko‘rib chiqish, shuningdek mamlakatda amalga oshirilayotgan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning mazmun-mohiyatini o‘rganish bilan bog‘liq tadbirlar belgilanishi lozim.

36. Stajirovkadan o‘tish muddati ikki haftani tashkil etadi va stajirovkadan o‘tishdan ozod qilishga yo‘l qo‘yilmaydi.

37. Stajirovkadan o‘tishning birinchi kunida stajirovka rahbari stajorni stajirovkadan o‘tish rejasni, muddatlarini, ichki mehnat tartib va kasb etikasi hamda texnika va yong‘in xavfsizligi qoidalari, shuningdek ish rejimining xususiyatlari bilan tanishtiradi hamda stajorga stajirovkadan o‘tishi uchun zarur sharoitlar yaratadi.

38. Stajirovka rahbari stajirovka davomida:

stajorga stajirovkadan o'tish rejasida belgilangan tadbirlarni bajarish bilan bog'liq materiallardan foydalanish imkoniyatini ta'minlaydi;

stajorning kasbiy bilimi va amaliy ko'nikmalarini shakllantirish uchun unga tegishli tavsiyalar beradi;

stajirovkadan o'tish rejasida belgilangan tadbirlarning bajarilishi va sifatini muntazam ravishda nazorat qilib boradi;

stajorning ish vaqtidan samarali foydalanishini ta'minlaydi.

39. Stajor stajirovkadan o'tish davomida:

stajirovka bo'yicha uslubiy va ko'rsatma materiallar bilan tanishishi;

stajirovkani tashkil etish va undan o'tish bilan bog'liq tadbirlarda ishtirok etishi;

stajirovkadan o'tish rejasida nazarda tutilgan barcha tadbirlarni stajirovka uchun belgilangan muddat ichida, to'liq hajmda va sifatlari bajarishi;

amaliy faoliyatda foydalanilishi mumkin bo'lgan hujjatlar namunalari va boshqa muhim materiallar to'plamini yuritishi;

stajirovkadan o'tish yakunlari bo'yicha hisobot tayyorlashi;

tegishli adliya organlarida o'rnatilgan tartib-qoidalarga riosa qilishi shart.

40. Stajor stajirovkadan o'tish vaqtida yuridik xizmat xodimining funksional vazifalari va ularni bajarishda bilishi lozim bo'lgan normativ-huquqiy hujjatlar, norma ijodkorligi va huquqni qo'llash amaliyoti, normativ-huquqiy hujjatlarning turkumlashtirilgan hisobini yuritish, shartnomaviy-huquqiy va da've ishlarni yuritish, jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlarini ko'rib chiqish, shuningdek mamlakatda amalga oshirilayotgan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning mazmun-mohiyatini o'rganishi lozim.

41. Stajor stajirovkadan o'tish rejasida belgilangan tadbirlarni bajarib bo'lgach, u bo'yicha yozma hisobot tayyorlaydi. Hisobot stajor tomonidan imzolanadi hamda stajirovka rahbari tomonidan qabul qilinadi va tasdiqlanadi.

42. Stajirovka rahbari tomonidan hisobotni qabul qilishda stajorning kasbiy bilim va amaliy ko'nikmalarini qanchalik o'zlashtirganligini baholash uchun u bilan ishchi organlar xodimlari ishtirokida suhbat o'tkaziladi va uning hisoboti muhokama qilinadi. Muhokama jarayonida stajorga zimmasiga yuklatilgan uning kasbi bilan bog'liq vazifalarni amaliyotda qo'llashga doir tavsiyalar beriladi.

Muhokama natijasi ishchi organlar tomonidan rasmiylashtiriladigan bayonnomada aks ettiriladi.

43. Stajirovka muddati tugaganidan keyin stajirovka rahbari tomonidan stajorga nisbatan tavsiynomaga tuziladi va unda stajorning stajirovkadan o'tish rejasida nazarda tutilgan tadbirlarni qanchalik o'zlashtirganligi, tartib-intizomi, stajirovka davomida u tomonidan egallangan kasbiy bilim va amaliy ko'nikmalar aks ettirilgan bo'lishi kerak.

Stajorning tegishli adliya organida belgilangan tartib-qoidalarga riosa qilmaganligi, stajirovkadan o'tish rejasida ko'rsatilgan tadbirlarni to'liq bajarmaganligi, stajirovkaga uzrli sabablarsiz kelmaganligi ham tavsiynomada aks ettiriladi.

44. Tavsiynomaga ishchi organlar rahbarlari tomonidan imzolanadi va adliya

organining yo'llanma xati orqali stajorni yuborgan davlat organi yoki tashkilotiga jo'natiladi.

5-bob. Yakuniy qoidalar

45. Davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmatlari xodimlarini lavozimga tayinlash va lavozimdan ozod etish masalalarini kelishish hamda stajirovka o'tash bilan bog'liq barcha hujjatlar tegishli adliya organida saqlanadi.

46. Ishchi organlar xodimlari tomonidan stajorga stajirovkadan o'tish rejasи bilan bog'liq bo'lмаган vazifa va topshiriqlar berilishiga yo'l qo'yilmaydi.

47. Ushbu Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga

1-ILOVA

NAMUNA

MA'LUMOTNOMA			3x4 sm o'chamli fotosurat uchun joy	
Azizov Aziz Azizovich				
2021-yil 14-sentabrдан				
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi bosh yuriskonsulti				
Tug'ilgan yili: 22.10.1982		Tug'ilgan joyi: Surxondaryo viloyati, Termiz shahri		
Millati: o'zbek		Partiyaviyligi: yo'q		
Pasport seriyasi, raqami, uni bergan organ va berilgan vaqtি:		AA 0445566, 27.11.2012 Toshkent shahar, Shayxontohur tumani IIB		
Ma'lumoti: oliy		Tamomlagan: 2015-y. O'zbekiston Milliy universiteti (kunduzgi) 2017-y. Toshkent davlat yuridik universiteti (magistratura)		
Oliy ma'lumot to'g'risida diplom haqidagi ma'lumotlar (diplom seriyasi, raqami, berilgan vaqtি va oliy ta'lim muassasasining nomi:		B № 050898, 11.06.2015, O'zbekiston Milliy universiteti		
Ilmiy darajasi: yo'q		Ilmiy unvoni: yo'q		
Qaysi chet tillarini biladi: rus va ingliz tillari		Harbiy (maxsus) unvoni: 2-darajali yurist		

Davlat mukofotlari bilan taqdirlanganmi (qanaqa): yo‘q

Xalq deputatlari respublika, viloyat, shahar va tuman Kengashi deputatimi yoki boshqa saylanadigan organlarning a’zosimi (to‘liq ko‘rsatilishi lozim): yo‘q
--

MEHNAT FAOLIYATI

2011 — 2015-yy.	—	O‘zbekiston Milliy universitetining talabasi
2015 — 2017-yy. 04.09.2015-y 22.05.2017-y	—	Toshkent davlat yuridik universitetining magistranti Toshkent davlat yuridik universitetining kotib ish yurituvchisi
22.05.2017-y 29.03.2018-y	—	O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Ishlar boshqarmasi bosh mutaxassisi
29.03.2018-y 14.04.2018-y	—	O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Yuridik departamenti katta yuriskonsulti
14.04.2018-y 10.07.2020-y	—	O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi bosh yuriskonsulti
10.07.2020-y 05.10.2021-y	—	O‘zbekiston Respublikasi Din ishlari bo‘yicha qo‘mitasi Yuridik byuro boshlig‘i
05.10.2021 — h.v.	—	O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bosh yuriskonsulti

Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimga tayinlangan shaxslarning adliya organlari stajirovkadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
2-ILOVA

Adliya organlariga kelishish uchun tavsija etilgan nomzodning yaqin qarindoshlari haqida
MA'LUMOT

T/r	F.I.O.	Qarindoshligi	Tug'ilgan yili va joyi	Ish joyi va lavozimi	Yashash joyi

Yaqin qarindoshlarimning ro'yxatini to'liq va to'g'riligini tasdiqlayman:

Nomzod: _____
(F.I.O., imzo)

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2023-yil 4-iyuldag'i
7-mh-son buyrug'iiga
2-ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2017-yil 28-fevraldag'i 40-mh-son "Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmati xodimi lavozimiga birinchi marta tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tishi tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2862, 2017-yil 28-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 9-son, 138-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2017-yil 28-fevraldag'i 42-mh-son "Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2864, 2017-yil 28-fevral).

3. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2018-yil 25-maydag'i 296-mh-son "Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmati xodimi lavozimiga birinchi marta tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o'tishi tartibi to'g'risidagi nizomning 6-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2862-1, 2018-yil 25-may) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 26.05.2018-y., 10/18/2862-1/1275-son).

4. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2018-yil 10-yanvardagi 16-mh-son "Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish tartibi to'g'risidagi nizomning 5-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2864-1, 2018-yil 10-yanvar) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.01.2018-y., 10/18/2864-1/0539-son).

5. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2018-yil 8-sentabrdagi 457-mh-son "Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish tartibi to'g'risidagi nizomga qo'shimchalar va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2864-2, 2018-yil 8-sentabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.09.2018-y., 10/18/2864-2/1860-son).

6. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2019-yil 26-fevraldag'i 77-mh-son "Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish tartibi to'g'risidagi nizomning 3-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2864-3, 2019-yil 26-fevral) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 26.02.2019-y., 10/19/2864-3/2679-son).

7. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 6-apreldagi 9-mh-son "Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish tartibi to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2864-4, 2022-yil 7-aprel) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 07.04.2022-y., 10/22/2864-4/0287-son).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОФЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

278 Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатининг I бўлими 2-бобига ўзгартриш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
6 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 январдаги З-сон буйруғи (рўйхат рақами 3348, 2022 йил 9 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2022 й., 10/22/3348/0126-сон) билан тасдиқланган Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатининг I бўлими 2-боби иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 27 июнь,
22-сон

А. ИНОЯТОВ

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ш. КУДБИЕВ

2023 йил 23 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
27 июнданги 22-сон бўйруғига
ИЛОВА

«

2-боб. Болалар миллий тиббиёт маркази			
T/р	Нозологиялар	XKT-10	Йўлланма (госпитализация) учун асос
1-§. Кардиохирургия ва интервенцион кардиология			
1.	Юрак камералари ва бирикмаларининг туфма аномалиялари	Q20.0	Умумий артериал ствол
		Q20.1	Ўнг қоринчадан чиқиш тешигининг икки баравар кенгайиши
		Q20.2	Чап қоринчадан чиқиш тешигининг икки баравар кенгайиши
		Q20.3	Дискордант қоринча-артериал бирикма (ТМС) (интервенцион кардиология ва кардиожарроҳлик)
		Q20.4	Коринча кириш тешигининг икки баравар кенгайиши
		Q20.5	Дискордант бўлмача-қоринча бирикмаси (коррегТМС)
		Q20.8	Юрак камералари ва бирикмаларининг бошқа туфма аномалиялари
		Q20.9	Аниқланмаган юрак камералари ва бирикмаларининг туфма аномалияси
		Q21.0	Қоринчалараро тўсик дефекти (интервенцион кардиология ва кардиожарроҳлик)
2.	Юрак тўсиғининг туфма аномалиялари	Q21.1	Бўлмачалараро тўсик дефекти (интервенцион кардиология ва кардиожарроҳлик)
		Q21.2	Бўлмача-қоринча оралиқ тўсик дефекти (АВК)
		Q21.3	Фалло тетрадаси
		Q21.4	Аорта ва ўпка артерияси оралиқ тўсик дефекти
		Q21.8	Юрак тўсиқларининг бошқа туфма аномалиялари
		Q21.9	Аниқланмаган юрак тўсиғи туфма аномалияси
		Q22.0	Ўпка артерияси клапани атрезияси (интервенцион кардиология ва кардиожарроҳлик)
3.	Ўпка ва уч тавақали клапанлар туфма аномалиялари [ривожланиш нуқсонлари]	Q22.1	Ўпка артерияси клапани туфма стенози (интервенцион кардиология ва кардиожарроҳлик)
		Q22.2	Ўпка артерияси клапани туфма етишмовчилиги
		Q22.4	Уч тавақали клапан туфма стенози
		Q22.5	Эбштейн аномалияси
		Q22.6	Юрак ўнг томонлама гипоплазияси синдроми
		Q22.8	Уч тавақали клапаннинг бошқа туфма аномалиялари

		Q22.9	Аниқланмаган уч тавақали клапан туғма аномалияси
4.	Аортал ва митрал клапанлар туғма аномалиялари [ривожланиш нұқсонлари]	Q23.0	Аортал клапаннынг туғма стенози (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлық)
		Q23.1	Аортал клапан туғма етишмовчилги
		Q23.2	Туғма митрал стеноз
		Q23.3	Туғма митрал етишмовчилек
		Q23.4	Юракнинг чап томонлама гипоплазияси синдроми
		Q23.8	Аортал ва митрал клапанларнинг бошқа туғма аномалиялари
		Q23.9	Аниқланмаган аортал ва митрал клапанлар туғма аномалияси
5.	Юракнинг бошқа туғма аномалиялари	Q24.2	Уч бұлмақали юрак
		Q24.3	Туғма инфундабулар стеноз
		Q24.4	Туғма субаортал стеноз
		Q24.5	Коронар томирлар ривожланиш аномалияси
		Q24.6	Туғма юрак блокадаси
6.	Йирик артерияларнинг туғма аномалиялари [ривожланиш нұқсонлари]	Q25.0	Очиқ артериал йўл (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлық)
		Q25.1	Аорта коарктацияси (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлық)
		Q25.2	Аорта атрезияси
		Q25.3	Аорта стенози
		Q25.4	Аортанинг бошқа туғма аномалиялари
		Q25.5	Ўпка артерияси атрезияси (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлық)
		Q25.6	Ўпка артерияси стенози (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлық)
		Q25.7	Ўпка артериясининг бошқа туғма аномалиялари
		Q25.8	Йирик артерияларнинг бошқа туғма аномалиялари
		Q25.9	Аниқланмаган йирик артериялар туғма аномалияси
7.	Йирик веналар туғма аномалиялари [ривожланиш нұқсонлари]	Q26.0	Ковак вена туғма стенози (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлық)
		Q26.2	Ўпка веналари бирикмасининг тотал аномалияси
		Q26.3	Ўпка веналари бирикмасининг қисман аномалияси
		Q26.4	Аниқланмаган ўпка веналари бирикмаси аномалияси
		Q26.8	Йирик веналарнинг бошқа туғма аномалиялари
		Q26.9	Аниқланмаган йирик венанинг ривожланиш нұқсони

8.	Ўткир перикардит	I30.0	Ўткир носпецифик идиопатик перикардит (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик)
		I30.1	Инфекцион перикардит (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик)
		I30.8	Ўткир перикардитнинг бошқа турлари
		I30.9	Аниқланмаган ўткир перикардит
9.	Ўткир ва нимўткир эндокардит	I33.0	Ўткир ва нимўткир инфекцион эндокардит (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик)
		I33.9	Аниқланмаган ўткир эндокардит
10.	Митрал клапанинг ревматик бўймаган шикастланишлари	I34.0	Митрал (клапан) етишмовчилиги
		I34.1	Митрал клапан пролапси
		I34.2	Митрал клапан норевматик стенози
		I34.8	Митрал клапанинг бошқа норевматик жароҳатлари
11.	Аортал клапанинг ревматик бўймаган жароҳатлари	I35.0	Аортал (клапан) стенози
		I35.1	Аортал (клапан) етишмовчилиги
		I35.2	Аортал (клапан) стенози етишмовчилик билан
		I38.8	Аортал клапанинг бошқа жароҳатлари
12.	Кардиомиопатия	I42.0	Дилатацион кардиомиопатия (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик)
		I42.1	Обструктив гипертрофик кардиомиопатия (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик)
		I42.8	Бошқа кардиомиопатиялар (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик)
		I42.9	Аниқланмаган кардиомиопатия (интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик)
13.	Бўймача-қоринча (атриовентрикуляр) блокада ва Гис чап оёқча тутамининг блокадаси	I44.2	Бўймача-қоринча тўлиқ блокадаси (интервенцион кардиология)
		I44.3	Бошқа ва аниқланмаган бўймача-қоринча блокадаси
14.	Юрак ритмининг бошқа бузилишлари. Ўтказувчанликнинг бошқа бузилишлари	I44.0-I44.7	Бўймача-коринча (атриовентрикуляр) блокада ва [Гис] чап оёқча тутамининг блокадаси
		I45.3	Уч тутамли блокада
		I49.5	Синус тугуни сусайиш синдроми
		I49.0	Коринчалар фибриляцияси ва хилпиллаши
15.	Вақтидан олдин қўзғалиш синдроми	I45.6	WPW синдроми (ўнг томонлама қўшимча йўл) WPW синдроми (чап томонлама қўшимча йўл)
16.	Юрак ритмининг бошқа бузилишлари. Пароксизмал тахикардия	I47.1	Коринчалар усти тахикардияси (AB тугунли реципрок тахикардия)
		I47.2	Коринчалар тахикардияси
		I47.9	Ноаниқ пароксизмал тахикардия (эктопик)
17.	Бўймачалар фибриляцияси ва хилпиллаши	I48.0-I48.2	Бўймачалар фибрилляцияси
		I48.3-I48.4	Бўймачалар хилпиллаши

18.	Юрак етишмовчилиги	I50.0	Димланишли юрак етишмовчилиги (интервенцион кардиология)
		I50.1	Чап қоринча етишмовчилиги (интервенцион кардиология)
		I50.9	Аниқланмаган юрак етишмовчилиги
19.	Бир неча системаларни қамраб олувчи бошқа аниқланган тұрғыма аномалиялар	Q87.4	Марфан синдромидаги аorta аневризмаси
20.	Юрак, күкс ва плевранинг хавфли ўсмаси	C38.0	Юракнинг хавфли ўсмаси
21.	Бошқа ва аниқланмаган күкрап қафаси органларининг хавфсиз ўсмаси	D15.1	Юракнинг хавфсиз ўсмаси

2-§. Нейрохирургия

22.	Гидроцефалия	G91.0	Туташ гидроцефалия
		G91.1	Обструктив гидроцефалия
		Q03.0	Сильвиев водопроводининг туғма нұқсони
		Q03.8	Бошқа туғма гидроцефалия
		G91.8	Гидроцефалияның бошқа турлари
23.	Мия пардаларининг хавфли ўсмалари	C70.0	Бош мия пардаларининг хавфли ўсмалари
		C70.1	Орқа мия пардаларининг хавфли ўсмалари
24.	Бош миянинг хавфли ўсмалари	C71.0	Катта миянинг бўлмалари ва қоринчаларидан ташқари
		C71.1	Пешона бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.2	Чакка бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.3	Тепа бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.4	Энса бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.5	Мия қоринчасининг хавфли ўсмалари
		C71.6	Миячанинг хавфли ўсмалари
		C71.7	Мия ўзагининг хавфли ўсмалари
25.	Орқа мия, бош мия нервлари ва марказий нерв системасининг бошқа бўлимлари хавфли ўсмалари	C72.0	Орқа миянинг хавфли ўсмалари
		C72.1	От куйруғининг хавфли ўсмалари
		C72.2	Хид сезиш нервининг хавфли ўсмалари
		C72.3	Кўрув нервининг хавфли ўсмалари
		C72.4	Эшитиш нервининг хавфли ўсмалари
		C72.5	Бошқа ва аниқланмаган бош мия нервларининг хавфли ўсмалари
26.	Мия пардалари хавфсиз ўсмалари	D32.0	Бош мия пардаларининг хавфсиз ўсмалари
		D32.1	Орқа мия пардаларининг хавфсиз ўсмалари
27.	Бош мия ва марказий нерв системаси бошқа бўлимларининг хавфсиз ўсмалари	Q01.0	Пешона энцефалоцелеси
		Q01.1	Бурун-пешона энцефалоцелеси
		Q01.2	Энса энцефалоцелеси
		Q04.6	Туғма церебрал кисталар
		D33.0	Бош миянинг мия пўстлоғи устки қисми хавфсиз ўсмалари
		D33.1	Бош миянинг мия пўстлоғи ости қисми хавфсиз ўсмалари
		D33.2	Бош миянинг аниқланмаган хавфсиз ўсмалари
		D33.3	Бош сугяи нервларининг хавфсиз ўсмалари

		D33.4	Орқа миянинг хавфсиз ўсмалари
28.	Суяклар ва бўғим тоғайлари хавфсиз ўсмалари	D16.6	Умуртқа пофонаси хавфсиз ўсмалари
29.	Калла ва юзнинг бошқа туфма аномалиялари [ривожланиш нуқсонлари]	Q07.0	Арнольд-Киари синдроми
		Q75.0	Краниосиностоз
		I67.5	Мойамайя касаллиги
		Q04	Миянинг бошқа туфма аномалиялари [ривожланиш нуқсонлари]
30.	Spina bifida (умуртқа каналининг тўлиқ бўлмаган ёпилиши)	Q05.0	Бўйин соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан
		Q05.1	Кўкрак соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан
		Q05.2	Бел соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан
		Q05.3	Думгаза соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан
		Q05.4	Аниқланмаган Spina bifida гидроцефалия билан
		Q05.5	Бўйин соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз
		Q05.6	Кўкрак соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз
		Q05.7	Бел соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз
		Q05.8	Думгаза соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз
31.	Нерв ва суяк-мушак тизимига тааллуқли симптом ва белгилар	R25.2	Томир тортишиш ва спазм

3-§. Ортопедия

32.	Оёқ ва қўллар орттирилган деформациялари	M20.0	Бармоқлар деформацияси
33.	Қўл ва оёқларнинг бошқа орттирилган деформациялари	M21	Қўл ва оёқларнинг бошқа орттирилган деформациялари
		M21.0	Бошқа руқнларда таснифланмаган, вальгус деформация
		M21.1	Бошқа руқнларда таснифланмаган, варусли деформация
		M21.4	(Орттирилган) оёқ кафти яссилиги [pes planus]
		M 21.7	(Орттирилган) қўл-оёқларнинг ҳар хил узунлиги
34.	Бўғимларнинг бошқа специфик шикастланишлари	M24.5	Бўғим контрактураси
35.	Сколиоз	M41.0	Инфантил сколиоз
		M41.1	Ўсмирлар сколиози
		M41.2	Бошқа идиопатик сколиозлар
36.	Умуртқа остеохондрози	M42.0	Ўсмирлар умуртқа остеохондрози
37.	Бошқа деформацияловчи дорсопатиялар	M43.6	Бўйин қийшиклиги
38.	Остеонекроз	M87.0	Суякнинг идиопатик асептик некрози

39.	Ёшлар чаноқ ва сон сүяклари остеохондрози	M 91.1	Сон саяги бошчаси остеохондропатияси (Легг Кальве Пертес касаллиги)
40.	Бошқа остеохондропатиялар	M93.0	Сон саяги юқори эпифизининг (нотравматик) тойиши
41.	Сон туғма деформациялари	Q65 — Q65.2	Соннинг аниқланмаган туғма чиқиши
		Q65.8	Соннинг бошқа туғма деформациялари
		Q65.9	Аниқланмаган сон туғма деформацияси
42.	Товон туғма деформацияси	Q66.1	Товон-варус маймоқлик
		Q66.5	Туғма текис товон [pes planus]
		Q66.9	Товоннинг аниқланмаган туғма деформацияси
43.	Бошқа туғма сүяк-мускул деформациялар	Q68	Бошқа туғма сүяк-мускул деформациялар
		Q68.2	Тизза туғма деформацияси
44.	Полидактилия	Q69	Полидактилия
45.	Синдактилия	Q70	Синдактилия
46.	Оёқ калталигига олиб келувчи дефектлар	Q72.8	Оёқ(лар)нинг калталигига олиб келувчи бошқа дефектлар
47.	Оёқ-қўл(лар)нинг бошқа туғма аномалия [ривожи нуқсон]лари	Q74.3	Туғма кўп сонли артрогрипоз
		Q74.8	Оёқ-қўл(лар)нинг бошқа аниқланган туғма аномалиялари
48.	Үмуртқа погонаси ва кўкрак сүякларининг туғма аномалиялари	Q76.3	Сүяк ривожланиш нуқсони натижасида келиб чиқсан туғма сколиоз

4-§. Неврология

49.	Марказий нерв системаси яллиғланиш касаллилари	G04	Энцефалит, миелит, энцефаломиелит, менингомиелит, менингоэнцефалит
		G04.0	Ўткир диссеминациялашган энцефалит
		G04.2	Бошқа рукнларда таснифланмаган, бактериал менингоэнцефалит ва менингомиелит
		G04.8	Бошқа энцефалит, миелит ва энцефаломиелит
		G04.9	Аниқланмаган энцефалит, миелит ёки энцефаломиелит
		G09.0	Марказий нерв система яллиғланиш, касаллиларининг оқибатлари
50.	Экстрапирамид ва бошқа харакатлар бузилишлари	G24.8	Бошқа дистониялар
		G25.0	Эссенциал тремор
		G25.2	Бошқа аниқланган тремор турлари
		G25.3	Миоклонус
		G25.8	Бошқа аниқланган экстрапирамид ва харакатланиш бузилиши
51.	Марказий нерв системасининг демиелинизацияловчи касаллилари	G35.0	Тарқоқ склероз
		G36.0	Оптиконевромиелит [Девик касаллиги]
		G36.1	Ўткир ва нимўткир геморрагик лейкоэнцефалит [Харст касаллиги]
		G37.3	Марказий нерв система демиелинизацияловчи касаллигидаги ўткир кўндаланг миелит
		G37.8	Бошқа аниқланган марказий нерв системани демиелинизацияловчи касаллик

52.	Эпизодик ва пароксизмал холатлар	G40.0	Локал (фокал) (парциал) бошланишга эга тутқаноқли идиопатик эпилепсия ва эпилептик синдромлар
		G40.1	Локал (фокал) (парциал) оддий парциал тутқаноқли симптоматик эпилепсия ва эпилептик синдромлар
		G40.2	Локал (фокал) (парциал) мураккаб парциал тутқаноқли симптоматик эпилепсия ва эпилептик синдромлар
		G40.3	Генерализациялашган идиопатик эпилепсия ва эпилептик синдромлар
		G40.4	Генерализациялашган эпилепсия ва эпилептик синдромларнинг бошқа турлари
		G40.5	Ўзига хос эпилептик синдромлар
		G40.8	Эпилепсиянинг бошқа аниқланган формалари
		G43.0	Аурасиз мигрень [оддий мигрен]
		G43.1	Аурали мигрень (классик)
53.	Полиневропатиялар ва периферик нерв системанинг бошқа шикастланишлари	G61.0	Гийен-Барре синдроми (Guillain-Barre)
		G61.8	Бошқа яллигланиш полиневропатиялари
		G62.8	Бошқа аниқланган полиневропатия
54.	Нерв-мушак синапси ва мушаклар касалликлари	G70.0	Myasthenia Gravis [офир миастения]
		G70.8	Бошқа нерв-мушак синапси бузилиши
55.	Церебрал фалаж ва бошқа фалажли синдромлар	G80.0	Спастик церебрал фалаж
		G80.1	Спастик диплегия
		G80.3	Дискинетик церебрал фалаж
		G80.4	Атаксик церебрал фалаж
		G82.1	Спастик параплегия
56.	Нерв системасининг бошқа бузилишлари	G93.8	Бошқа аниқланган бош мия заарланиши
5-§. Урология			
57.	Обструктив уропатия ва рефлюкс уропатия	N13.0	Гидронефроз жом-сийдик йўли бирикмаси обструкцияси билан
		N13.2	Буйрак ва сийдик йўли тош обструкцияли гидронефрози
		N13.4	Гидроуретер
		N13.7	Пуфак-сийдик йўли рефлюкси сабаб бўлган, уропатия
58.	Сийдик тош касаллиги	N20.0	Буйрак тошлари
		N20.1	Сийдик йўли тошлари
		N20.2	Буйрак тошлари сийдик йўли тошлари билан
		N20.9	Аниқланмаган сийдик тошлари
		N21.0	Сийдик пуфагидаги тошлар
		N21.1	Уретрадаги тошлар
59.	Бошқа рукнларда таснифланмаган, сийдик пуфагининг нерв-мушакли дисфункцияси	N31.9	Сийдик пуфагининг нерв-мушакли дисфункцияси (нейроген қовук)
60.	Сийдик қопининг бошқа турдаги жароҳатлари	N32.3	Сийдик пуфаги дивертикули

61.	Уретра структураси ва бошқа касалликлари	N35.0	Уретранинг шикастланишдан кейинги структураси
		N36.0	Уретрал оқма яра
		N36.1	Уретрал дивертикул
62.	Ичакнинг бошқа туғма аномалиялари	Q43.7	Сақланган клоака (Урологенитал синус)
63.	Эркаклар жинсий органларининг туғма аномалиялари	Q54.0	Жинсий олат бошчаси гипоспадияси
		Q54.1	Жинсий олат гипоспадияси
		Q54.2	Олат-ёрғоқ гипоспадияси
		Q54.3	Оралиқ гипоспадияси
		Q54.4	Жинсий олатнинг туғма қийшиклиги
64.	Жинсий аъзоларнинг бошқа туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)	Q55.5	Жинсий олат туғма йўқлиги ва аплазияси
		Q55.6	Дифаллия
		Q56.1	Эркаклар псевдогермафродитизми, бошқа руқнларда таснифланмаган
		Q56.2	Аёллар псевдогермафродитизми, бошқа руқнларда таснифланмаган
		Q56.4	Жинс ноаниклиги
65.	Буйрак жомчаси ва сийдик найлари туғма ўтказувчанлиги бузилишлари	Q62.0	Туғма гидронефроз
		Q62.1	Сийдик найи атрезияси ва стенози
		Q62.2	Сийдик найининг туғма кенгайиши [туғма мегалоуретер]
		Q62.3	Буйрак жоми ва сийдик найи ўтказувчанлигининг бошқа туғма бузилишлари
		Q62.5	Сийдик найи агенезияси
		Q62.6	Сийдик найининг қўшалоқланиши
		Q62.7	Сийдик найининг нотўри жойлашуви
		Q62.8	Туғма сийдик пуфаги-сийдик найи-буйрак рефлюкси
		Q64.0	Эписпадия
66.	Сийдик ажратиш тизимининг бошқа туғма аномалиялари	Q64.1	Сийдик пуфаги экстрофияси
		Q64.2	Туғма орқа уретрал клапанлар
67.	Бошқа эндокрин безларнинг бузилишлари	E25	Адреногенитал бузилишлар
68.	Бошқа руқнларда таснифланмаган жинсий балоғатга етишининг бузилишлари	E30.8	Жинсий балоғатга етишишнинг бошқа бузилишлари
69.	Сийдик йўллари хавфли ўсмалари	C64	Буйрак хавфли ўсмаси, буйрак жомидан ташқари
		C67	Сийдик пуфаги (қопи) хавфли ўсмаси
6-§. Нефрология			
70.	Гломеруляр касалликлар	N00.0	Ўткир нефритик синдром.
		N01.0	Тез ривожланувчи нефритик синдром
		N03.0	Сурункали нефритик синдром
		N04.0	Нефротик синдром
		N08.5	Бириктирувчи тўқума системаси касалликларида гломеруляр шикастланишлар

71.	Буйракларнинг тубулоинтерстициал касалликлари	N10.0	Ўткир тубулоинтерстициал нефрит
		N11	Сурункали тубулоинтерстициал нефрит
		N11.0	Рефлюкс билан бояланган, нообструктив сурункали пиелонефрит
		N16.4	Биритириувчи тўқима системаси касалликларидаги, буйракларнинг тубулоинтерстициал шикастланиши
		N16.5	Трансплантант кўчгандада буйракларнинг тубулоинтерстициал шикастланиши
72.	Буйрак етишмовчилиги	N18.5	Буйраклар шикастланишининг терминал босқичи

7-§. Ихтисослаштирилган болалар хирургияси

73.	Трахея, бронх, ўпка ва нафас аъзоларининг туғма аномалиялари ва бошқа касалликлари	Q18.0	Жабра ёриғи бўшлиғи, фистула ва кистаси
		Q18.2	Жабра ёригининг бошқа ривожланиш нуқсонлари
		Q18.8	Бўйин ва юзнинг бошқа аниқланган ривожланиш нуқсонлари
		Q32.0	Туғма трахеомаляция
		Q32.1	Трахеяниң бошқа ривожланиш нуқсонлари
		Q32.2	Туғма бронхомаляция
		Q32.3	Бронхлар туғма стенози
		Q32.4	Бронхларнинг бошқа туғма аномалиялари
		Q33.0	Ўпка туғма кистаси
		Q33.1	Ўпканинг қўшимча бўлаги
		Q33.2	Ўпка секвестрацияси
		Q33.3	Ўпка агенезияси
		Q33.4	Туғма бронхоэктаz
		Q33.5	Ўпкадаги тўқима эктопияси
		Q33.6	Ўпка дисплазияси ва гипоплазияси
		Q33.8	Ўпканинг бошқа туғма аномалиялари
		Q34.0	Плевра аномалияси
		Q34.1	Кўкс оралиғи туғма кистаси
		Q34.8	Нафас органларининг бошқа аниқланган туғма аномалиялари
		Q34.9	Аниқланмаган нафас органлари туғма аномалияси
		J85.0	Ўпка гангренаси ва некрози
		J85.1	Ўпка абсцесси, пневмония билан
		J85.2	Ўпка абсцесси, пневмониясиз
		J85.3	Умуртқа билан кўкс оралиғи абсцесси
		J93.0	Зўриқиши спонтан пневмоторакси
		J93.1	Бошқа спонтан пневмоторакс
		J93.8	Бошқа пневмоторакс
		J93.9	Аниқланмаган пневмоторакс
		Q67.7	Кильсимон кўкрак қафаси
		Q67.6	Ботик кўкрак
		J86.0	Фистулали пиоторакс
		J86.9	Фистуласиз пиоторакс
		J94.0	Хилусли суюклик

		J94.1	Фиброторакс
		J94.2	Гемоторакс
		J94.8	Бошқа аниқланган плеврал ҳолатлар
		J94.9	Аниқланмаган плеврал шикастланиш
		J95.1	Торакал операциядан кейинги ўткир ўпка етишмовчилиги
		B67.1	Echinococcus granulosus қўзғатган ўпка инвазияси
		P25.0	Перинатал даврда юзага келган интерстициал эмфизема ва унга яқин ҳолатлар
74.	Қизилўнгач туғма аномалиялари ва бошқа касалликлари	Q39.0	Қизилўнгач оқмасиз атрезияси
		Q39.1	Трахеа-қизилўнгач оқмаси билан қизилўнгач атрезияси
		Q39.2	Туғма трахеал-қизилўнгач атрезиясиз оқмаси
		Q39.3	Қизилўнгач туғма стенози ва стриктураси
		Q39.4	Қизилўнгач нофора пардаси
		Q39.5	Қизилўнгач туғма кенгайиши
		Q39.6	Қизилўнгач дивертикули
		Q39.8	Қизилўнгачнинг бошқа туғма аномалиялари
		Q39.9	Аниқланмаган қизилўнгач туғма аномалияси
		S27.8	Қизилўнгач (торакал қисмини)нинг травматик тешилиши
		K92.0	Қон кусиш
		K92.2	Аниқланмаган ошқозон-ичак қон кетиш
		K22.2	Қизилўнгач тутилиши
		K22.3	Қизилўнгач тешилиши
		K22.8	Қизилўнгачнинг бошқа аниқланган касалликлари
		K22.9	Аниқланмаган қизилўнгач касаллиги
75.	Бошқа руқнларда таснифланмаган сүяқ-мускул тизими туғма аномалиялари	Q79.0	Туғма диафрагмал чурра
		Q79.1	Диафрагманинг бошқа ривожи нуқсонлари
		Q79.2	Экзомфалоз
		Q79.3	Гастроиз
		Q79.4	Олхўрисимон киндик синдроми
		Q79.5	Қорин деворининг бошқа туғма аномалиялари
		Q40.1	Диафрагма қизилўнгач тешигининг туғма чурраси
		K40.9	Бир томонлама чов чурра
		N43.1	Халталанган гидроцеле
		Q53.0	Эктопик мояк
		I86.1	Ёргоқ веналари варикоз кенгайиши
		K40.0	Тутилишли гангренасиз икки томонлама чов чурраси
76.	Овқат ҳазм қилиш тракти юқори қисмининг туғма аномалиялари ва бошқа касалликлари	Q40.0	Туғма гипертрофик пилоростеноз
		Q40.2	Ошқозоннинг бошқа аниқланган ривожланиш нуқсонлари

		Q40.3	Аниқланмаган ошқозон ривожланиши нуқсони
		K21.0	Эзофагитли гастроэзофагеал рефлюкс
		K21.9	Эзофагитсиз гастроэзофагеал рефлюкс
		K22.0	Кардиоспазм
		K22.3	Қизилўнгачнинг тешилиши
		K22.1	Қизилўнгач яраси
		S27.8	Қизилўнгач (торакал қисмини)нинг травматик тешилиши
		K86.3	Ошқозон ости бези сохта кистаси
		K91.0	Ошқозон-ичак трактида ўтказилган хирургик операциядан кейинги қусиши
		K91.1	Операция қилинган ошқозон синдромлари
		Z93.1	Гастростоманинг борлиги
		Q41.0	Ўн икки бармоқли ичак туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози
77.	Ингичка ичакнинг туғма аномалиялари ва бошқа касалликлари	Q41.1	Ингичка ичак туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози
		Q41.2	Ёнбош ичак туғма стенози, атрезияси ва йўқлиги
		Q41.8	Ингичка ичакнинг бошқа аниқланган қисмларининг туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози
		Q41.9	Ингичка ичак аниқланмаган қисмининг туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози
		P76.0	Меконийли тиқин (пробка) синдроми
		P76.8	Чақалоқда бошқа аниқланган ичак тутилиши
		P76.9	Аниқланмаган чақалоқда ичак тутилиши
		Q43.0	Меккел дивертикули
		Z93.2	Илеостоманинг борлиги
		P78.0	Перинатал даврда ичак перфорацияси
78.	Йўғон ичакнинг туғма аномалиялари ва бошқа касалликлари	P78.1	Неонатал перитонитнинг бошқа формалари
		Z98.0	Ичак анастомози қўйиш билан боғлиқ ҳолат
		L05.0	Абсцессли пилонидал киста
		L05.9	Абсцессиз пилонидал киста
		P78.3	Она қонини ютиш оқибатидаги гематемезис ва мелена
		Q42.0	Тўғри ичак туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози оқма билан
		Q42.1	Тўғри ичак туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози, оқмасиз
		Q42.2	Орқа тешик туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози оқма билан
		Q42.3	Орқа тешик туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози, оқмасиз
		Q42.9	Йўғон ичак аниқланмаган қисмининг туғма йўқлиги, атрезияси ва стенози
		Q43.1	Гиршпурнг касаллиги
		Q43.2	Чамбар ичакнинг бошқа туғма функционал аномалиялари

		Q43.3	Ичак фиксациясининг туфма аномалиялари
		Q43.4	Ичакнинг қўшалоқланиши (дупликацияланиши)
		Q43.6	Тўғри ичак ва анус туфма оқмаси
		Q43.7	Сақланган клоака (хирургия)
		K62.1	Тўғри ичак полипи
		K62.2	Орқа чиқарув йўли (девори шиллик қаватининг) тушиши
		K62.4	Анус ва тўғри ичак стенози
		K62.5	Анус ва тўғри ичакдан қон кетиш
		K60.1	Ануснинг сурункали ёрифи
		K60.3	Анус оқмаси
		K60.4	Тўғри ичак оқмаси
		K60.5	Аноректал оқма (тўғри ичак ва анус оралиқ оқма)
		N32.1	Қовук-ичак оқма яраси
		N82.0	Қовук-вагинал оқма яра
		K92.1	Мелена
		K62.5	Анус ва тўғри ичакдан қон кетиш
		K91.4	Колостома ёки энтеростома дисфункцияси
		P54.2	Чақалоқда тўғри ичакдан қон кетиш
		K62.6	Анус ва тўғри ичак яраси
		K62.8	Анус ва тўғри ичакнинг бошқа аниқланган касалликлари
		K62.9	Анус ва тўғри ичакнинг аниқланмаган касаллиги
		K60.0	Ануснинг ўткир ёрифи
		K62.5	Анус ва тўғри ичакдан қон кетиш
		K59.4	Анал сфинктери спазми
		K59.3	Бошқа руқнларда таснифланмаган, мегаколон
		K91.4	Колостома ёки энтеростома дисфункцияси
		Z93.3	Колостоманинг борлиги
		N36.0	Уретрал оқма яра
		N50.8	Уретроскротал
		K63.2	Ичак оқмаси
		N82.1	Аёллар сийдик жинсий йўлларининг бошқа оқма яралари
		N82.3	Вагина-йўғон ичак оқма яраси
		N82.5	Аёллардаги генитал-тери оқма яралари
79.	Ўт пуфаги, ўт йўллари ва жигар туфма аномалиялари ва бошқа касалликлари	K83.1	Ўт пуфаги йўлининг беркилиб қолиши
		K83.3	Ўт пуфаги йўли оқмаси
		Q44.0	Ўт пуфаги агенезия, аплазия ва гипоплазиялари
		Q44.1	Ўт пуфагининг бошқа туфма аномалиялари
		Q44.2	Ўт йўллари атрезияси
		Q44.3	Ўт йўллари туфма стенози ва стриктураси
		Q44.4	Ўт йўли кистаси
		Q44.5	Ўт йўлларининг бошқа туфма аномалиялари

		Q44.6	Жигар кистоз касаллиги
		Q44.7	Жигарнинг бошқа туфма аномалиялари
		K80.0	Ўткир холециститли ўт пуфаги тошлари
		K80.1	Бошқа холециститли ўт пуфаги тошлари
		K80.2	Холециститсиз ўт пуфаги тошлари
		K80.3	Холангитли ўт йўли тошлари
		K80.4	Холециститли ўт йўли тошлари
		K80.5	Холециститсиз ёки холангитсиз ўт йўли тошлари
		K80.8	Холелитиазнинг бошқа турлари
		K74.4	Иккиламчи билиар цирроз
		K74.6	Бошқа ва аниқланмаган жигар циррози
		B67.3	Echinococcus granulosus қўзғатган қўп сонли эхонококкоз ва бошқа локализацияли инвазия
		B67.0	Echinococcus granulosus қўзғатган жигар инвазияси
80.	Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг бошқа туфма аномалиялари	Q45.0	Ошқозон ости бези агенезия, аплазия ва гипоплазиялари
		Q45.1	Ҳалқасимон ошқозон ости бези
		Q45.2	Ошқозон ости бези туфма кистаси
		Q45.3	Ошқозон ости бези ва ошқозон ости бези йўлларининг бошқа туфма аномалиялари
		Q45.8	Овқат ҳазм қилиш органларининг бошқа аниқланган туфма аномалиялари
		Q45.9	Аниқланмаган овқат ҳазм қилиш органлари ривожланиш нуқсони
		K86.3	Ошқозон ости бези сохта кистаси
81.	Ёғ тўқима хавфсиз ўсмаси, барча локализацияли гемангиома ва лимфангиома	D17.0	Бош, юз ва бўйин тери ёғ тўқимаси ва тери ости ёғ клечаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.1	Тана тери ёғ тўқимаси ва тери ости клечаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.2	Оёқ-қўллар тери ости ёғ тўқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.3	Бошқа ва ноаниқ локализацияли тери ёғ тўқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.4	Кўкрак қафаси органлари ёғ тўқимаси хавфсиз ўсмаси
		D17.5	Қорин парда ичи органлар ёғ тўқимаси хавфсиз ўсмаси
		D17.6	Уруғ тизимчаси ёғ тўқимасининг хавфсиз ўсмаси
		D17.7	Бошқа локализацияли ёғ тўқима хавфсиз ўсмаси
		D17.9	Аниқланмаган локализацияли ёғ тўқима хавфсиз ўсмаси
		D18.0	Барча локализацияли гемангиома (хирургия)
		D18.1	Барча локализацияли лимфангиома
		D73.1	Гиперспленизм
		D73.4	Талоқ кистаси

		D73.8	Талоқнинг бошқа касалликлари
		D73.9	Аниқланмаган талоқ касаллиги
8-§. Пластик хирургия			
82.	Суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима орттирилган деформациялари	M95.0	Буруннинг орттирилган деформацияси
		M95.1	Травма ва унинг сўнгидаги перихондрит юзага келтирган қулоқ чаноги деформацияси
		M95.2	Бошнинг бошқа орттирилган деформациялари
		M95.3	Бўйиннинг орттирилган деформацияси
		M95.8	Суяк-мушак системасининг бошқа аниқланган орттирилган деформациялари
		M95.9	Аниқланмаган суяк-мушак системаси орттирилган деформациялари
83.	Кўз, қулоқ, юз ва бўйиннинг туфма аномалиялари	Q16.1	(Ташки) эшитиш йўлининг туфма йўклиги, атрезияси ва стриктураси
		Q17.1	Макротия
		Q17.2	Микротия
		Q17.3	Қулоқнинг бошқа аномалияси
		Q17.5	Дўппайиб турувчи қулоқ
		Q17.8	Қулоқнинг бошқа аниқланган ривожланиш нуқсонлари
		Q18.4	Макростомия
		Q18.5	Микростомия
		Q30.1	Бурун агенезияси ва ривож топмаганлиги
		Q30.2	Дарз кетган, эзилган, ёрилган бурун
		Q30.8	Буруннинг бошқа туфма аномалиялари
		Q35.0	Қаттиқ танглай ёриғи икки томонлама
		Q35.1	Қаттиқ танглай ёриғи бир томонлама
		Q35.3	Юмшоқ танглай ёриғи бир томонлама
		Q35.5	Қаттиқ ва юмшоқ танглай ёриғи бир томонлама
		Q35.7	Тилча ёриғи
		Q35.8	Аниқланмаган танглай ёриғи (бўри оғиз) бир томонлама
		Q36.0	Лаб ёриғи икки томонлама
		Q36.1	Лаб ёриғи ўрталик
		Q36.9	Лаб ёриғи бир томонлама
		Q37.0	Қаттиқ танглай ва лаб ёриғи икки томонлама
		Q37.1	Қаттиқ танглай ва лаб ёриғи бир томонлама
		Q37.2	Қаттиқ танглай ва лаб ёриғи икки томонлама
		Q37.3	Қаттиқ танглай ва лаб ёриғи бир томонлама
		Q37.4	Қаттиқ ва юмшоқ танглай ва лаб ёриғи икки томонлама
		Q37.5	Қаттиқ ва юмшоқ танглай ва лаб ёриғи бир томонлама
		Q37.8	Аниқланмаган танглай ва лабнинг икки томонлама ёриғи

		Q37.9	Аниқланмаган танглай ва лабнинг бир томонлама ёриги
		Q67.0	Юз асимметрияси
		Q67.4	Калла, юз ва жағларнинг бошқа туғма деформациялари
84.	Суяк-мускул тизимининг туғма аномалиялари	Q69.0	Құшимча бармоқ (бармоқлар)
		Q69.1	Құл панжа құшимча бош бармоғи (бармоқлари)
		Q69.2	Оёқ панжа құшимча панжаси (панжалари)
		Q69.9	Аниқланмаган полидактилия
		Q70.0	Құл панжа бармоқларининг құшилиб кетиши
		Q70.1	Құл панжаларининг ўрдаксимон бармоқлари
		Q70.2	Оёқ панжаларининг ёпишиши
		Q70.3	Оёқ панжа бармоқларининг (ўрдаксимон) пардалилиги
		Q70.4	Полисиндактилия
		Q75.0	Краниосиностоз
		Q75.2	Гипертелоризм
		Q75.8	Калла ва юзнинг бошқа аниқланган ривожи нұқсонлари
		D10.0	Лабнинг хавфсиз ўсмалари
85.	Хавфсиз ўсмалар	D10.1	Тилнинг хавфсиз ўсмалари
		D10.3	Оғизнинг бошқа ва аниқланмаган қисмларининг хавфсиз ўсмалари
		D16.4	Бош ва юз сүякларининг хавфсиз ўсмалари
		D17.0	Бош, юз ва бүйін тери ёғ түқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.1	Тана тери ёғ түқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.2	Оёқ-құллар тери ёғ түқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.3	Бошқа ва ноанық локализациялы тери ёғ түқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмаси
		D17.7	Бошқа локализациялы ёғ түқима хавфсиз ўсмаси
		D17.9	Аниқланмаган локализациялы ёғ түқима хавфсиз ўсмаси
		D18.0	Барча локализациялы гемангиома
		D18.1	Барча локализациялы лимфангииома
		D21.1	Құл бириктирувчи ва бошқа юмшоқ түқималарининг, елка камари соҳаси билан бирга хавфсиз ўсмалари
		D21.2	Оёқ бириктирувчи ва бошқа юмшоқ түқималарининг, чанок-сон соҳаси билан бирга хавфсиз ўсмалари
		D21.3	Күкрап қафаси бириктирувчи ва бошқа юмшоқ түқималарининг хавфсиз ўсмалари

86.	Аниқланмаган ёки номаълум характердаги ўсмалар	D37.0	Лаблар, оғиз бўшлиғи ва ҳалқумнинг аниқланмаган ва номаълум характердаги ўсмалари
		D48.0	Суяклар ва бўғим тофайлари аниқланмаган ва номаълум характердаги ўсмалари
		D48.1	Биритириувчи ва бошқа юмшоқ тўқималарнинг аниқланмаган ва номаълум характердаги ўсмалари
		D48.2	Периферик нервлар ва вегетатив нерв системасининг аниқланмаган ва номаълум характердаги ўсмалари
		D48.5	Терининг аниқланмаган ва номаълум характердаги ўсмалари
		D48.7	Бошқа аниқланган локализациялар аниқланмаган ва номаълум характердаги ўсмалари
87.	Периферик томирларнинг бошқа касалликлари	I73.0	Рейно синдроми
88.	Бошқа руқнларда таснифланган вена, лимфа томирлари ва лимфа тугунлари касалликлари	I89.0	Бошқа руқнларда таснифланмаган, лимфошиш
		I89.8	Лимфатик томир ва лимфатик тугунларнинг бошқа аниқланган ноинфекцион касалликлари
		I89.9	Аниқланмаган лимфатик томир ва лимфатик тугунлар ноинфекцион касалликлари
89.	Тирсак ва билак-кафт усти жароҳатлари	S54.0	Билак-кафт усти погонасида тирсак нервининг жароҳати
		S54.1	Билак-кафт усти погонасида медиал нервининг жароҳати
		S54.2	Билак-кафт усти погонасида билак-кафт усти нервининг жароҳати
		S54.7	Билак-кафт усти погонасида бир неча нервларнинг жароҳати
		S55.0	Билак-кафт усти погонасида тирсак артерияси жароҳати
		S55.1	Билак-кафт усти погонасида билак-кафт усти артерияси жароҳати
		S56.0	Бош бармокни букувчи мушак ва билак-кафт усти погонасида унинг пайи жароҳати
		S56.1	Бошқа бармок(лар)нинг букувчи мушаги ва билак-кафт усти погонасида унинг пайи жароҳати
		S56.2	Бошқа букувчи мушак ва билак-кафт усти погонасида унинг пайи жароҳати
		S56.3	Бош бармок ёзувчи ёки узоклаштирувчи мушаги ва билак-кафт усти погонасида улар пайларининг жароҳати
		S56.4	Бошқа бармок(лар) ёзувчи мушаги ва билак-кафт усти погонасида унинг пайи жароҳати
		S56.5	Бошқа ёзувчи мушакнинг ва билак-кафт усти погонасида унинг пайи жароҳати

90.	Термик ва кимёвий куйишлар ва совуқ олишлар оқибатлари	T95.0	Бош ва бўйиннинг термик ва кимёвий куйиши ва совуқ олиши оқибати
		T95.1	Гавданинг термик ва кимёвий куйишлар ва совуқ олишлар оқибати
		T95.2	Кўлнинг термик ва кимёвий куйиши ва совуқ олиши оқибати
		T95.3	Оёқнинг термик ва кимёвий куйиши ва совуқ олиши оқибати
		T95.4	Фақат гавданинг шикастланган сатҳига мувоғиқ таснифланган, термик ва кимёвий куйишлар оқибати
		T95.8	Бошқа аниқланган термик ва кимёвий куйишлар ва совуқ олишлар оқибатлари
		T95.9	Аниқланмаган термик ва кимёвий куйишлар ва совуқ олишлар оқибатлари
		9-§. Болалар офтальмологияси	
91.	Қовоқ, кўз ёши аппарати ва кўз косасининг туғма аномалиялари	Q10.0	Туғма птоз
92.	Шох парда хиралашиши ва чандиқлари	H17.0	Ёпишқоқ лейкома
		H17.1	Шох парданинг бошқа марказий хиралашишлари
		H17.8	Шох парданинг бошқа хиралашиши ва чандиқлари
		H17.9	Аниқланмаган шох парда хиралашиши ва чандиқлари
93.	Кўз гавҳари касалликлари	Q12.0	Туғма катаракта
		H26.1	Травматик катаракта
		H26.2	Кўздаги сурункали яллиғланиш ёки дистрофик жараёнларда келиб чиқадиган катаракта
		H26.3	Дори воситалари таъсирида келиб чиқкан катаракта
		H27.1	Кўз гавҳарининг чиқиши
94.	Томирли парда ва тўр парда касалликлари	H33.0	Тўр парданинг ажралиши, йиртилиши билан
		H33.2	Тўр парданинг сероз суюқлик таъсирида ажралиши
		H33.4	Тўр парданинг тракцион ажралиши
		H33.5	Тўр парда ажралишининг бошқа формалари
95.	Глаукома	Q15.0	Туғма глаукома
		H40.3	Травма оқибатида келиб чиқкан иккиламчи глаукома
		H40.4	Кўзнинг яллиғланиш касаллиги оқибатида келиб чиқкан иккиламчи глаукома
		H40.5	Кўзнинг бошқа кўз касалликлари оқибатида келиб чиқкан иккиламчи глаукома
		H40.6	Дори воситаларини қабул қилиш оқибатида келиб чиқкан иккиламчи глаукома

96.	Кўз мускуллари касалликлари, кўзларнинг ҳамкорликдаги харакатлари, аккомодация ва рефракциянинг бузилишлари	H49.0	Кўзнинг (харакатлантирувчи) З-чи нерви фалажи
		H49.1	4-фалтак нерви фалажи
		H49.2	6-(узоклаштирувчи) нерв фалажи
		H49.3	Тўлиқ (ташқи) офтальмоплегия
		H49.8	Бошқа паралитик ғилайликлар
		H49.9	Аниқланмаган паралитик ғилайлик
		H50.0	Кўзларнинг биргаликда ичга (бурун томонга) ғилайланиши
		H50.1	Кўзларнинг биргаликда ташқарига (чакка томонга) ғилайланиши
		H50.2	Вертикал ғилайлик
		H50.6	Механик ғилайлик
		H50.9	Аниқланмаган ғилайлик

10-§. Болалар оториноларингологияси

97.	Қулоқ туфма аномалиялари	Q16.0	Қулоқ чиғаногининг туғма йўклиги
		Q16.1	(Ташқи) эшитиш ўйлининг туғма йўклиги, атрезияси ва стриктураси
		Q17.0	Қулоқнинг қўшимча чиғаноги
		Q17.1	Макротия
		Q17.2	Микротия
		Q17.3	Қулоқнинг бошқа аномалияси
		Q17.4	Аномал жойлашган қулоқ
		Q17.5	Дўппайиб турувчи қулоқ
		Q17.8	Қулоқнинг бошқа аниқланган ривожланиш нуқсонлари
		Q17.9	Аниқланмаган қулоқнинг ривожланиш нуқсони
98.	Кондуктив ва нейросенсор карлик ёки эшитиш қобилиятининг йўқотилиши	H90.0	Икки томонли кондуктив карлик
		H90.1	Бир томонли кондуктив карлик иккинчи қулоқда эшитув қобилиятининг нормаллигига
		H90.2	Аниқланмаган кондуктив карлик
		H90.3	Икки томонлама нейросенсор карлик
		H90.4	Бир томонлама нейросенсор карлик иккинчи қулоқ эшитув қобилиятининг нормаллигига
		H90.6	Икки томонлама аралаш кондуктив ва нейросенсор карлик
		H90.7	Бир томонлама аралаш кондуктив ва нейросенсор карлик иккинчи қулоқ эшитув қобилиятининг нормаллигига
		H90.8	Аниқланмаган кондуктив ва нейросенсор карлик (қулоғи оғирлик)
99.	Ўрта қулоқ сурункали йирингли касалликлари	H 66.1	Сурункали туботимпанал йирингли ўрта отит (мезотимпанит).
		H 66.2	Сурункали эпитетимпано-антрал йирингли ўрта отит (эпитетимпанит).
		H66.3	Бошқа сурункали йирингли ўрта отитлар
		H66.4	Аниқланмаган ўрта йирингли отит
		H66.9	Ўрта қулоқ ва мастоидал бўшлиқнинг ноаник касалликлари

100.	Ўрта қулоқ ва сўрғичсимон ўсиқнинг бошқа касалликлари	H74.0	Тимпаносклероз
		H74.1	Ўрта қулоқ адгезив касаллиги
		H74.2	Эшитув суюкчаларининг узилиши ва жойидан силжиши
		H74.3	Эшитув суюкчаларининг бошқа орттирилган нуқсонлари
		H74.4	Ўрта қулоқ полипи
		H74.8	Ўрта қулоқ ва сўрғичсимон ўсиқнинг бошқа аниқланган касалликлари
		H74.9	Аниқланмаган ўрта қулоқ ва сўрғичсимон ўсиқ касалликлари
101.	Бошқа руқнларда таснифланмаган тиббий муолажалардан кейин келиб чиққан қулоқ ва сўрғичсимон ўсиқ зааррланишлари	H95.0	Мастоидэктомиядан кейин қайталанувчи бўшлиқ холестеатомаси
		H95.1	Мастоидэктомиядан кейин учрайдиган бошқа зааррланишлар
		H95.8	Тиббий муолажадан кейин келиб чиққан қулоқ ва сўрғичсимон ўсиқнинг бошқа зааррланишлари
		H95.9	Аниқланмаган тиббий муолажадан кейин келиб чиққан қулоқ ва сўрғичсимон ўсиқнинг зааррланиши
102.	Эшитув (евфстахий) найи яллигланиши ва беркилиб қолиши	H68.0	Эшитув (евфстахий) найи яллигланиши
		H68.1	Эшитув (евфстахий) найининг беркилиб қолиши
103.	Мастоидит ва унга яқин ҳолатлар	H70.0	Ўткир мастоидит
		H70.1	Сурункали мастоидит
		H70.2	Петрозит
		H70.8	Бошқа мастоидитлар ва уларга яқин ҳолатлар
		H70.9	Аниқланмаган мастоидит
104.	Бошқа руқнларда таснифланмаган, товуш бурмалари ва ҳиқилдоқ касалликлари	J38.0	Товуш бурмалари ва ҳиқилдоқ фалажи
		J38.1	Товуш бурмаси ва ҳиқилдоқ полипи
		J38.2	Товуш бурмалари тугунчалари
		J38.3	Товуш бурмаларининг бошқа касалликлари
		J38.4	Ҳиқилдоқ шишиши
		J38.5	Ҳиқилдоқ спазми
		J38.6	Ҳиқилдоқ стенози
		J38.7	Ҳиқилдоқнинг бошқа касалликлари
105.	Оғиз ва ҳалқум хавфсиз ўスマлари	D10.6	Бурун-ҳалқумнинг хавфсиз ўсмаси
		D10.7	Ҳиқилдоқ-ҳалқумнинг хавфсиз ўсмаси
		D14.6	Бурун бўшлиғи хавфсиз ўсмаси
106.	Сурункали синусит	J32.0	Сурункали юқори жағ синусити
		J32.1	Сурункали фронтал синусит
		J32.2	Сурункали этмоидал синусит
		J32.3	Сурункали сферонидал синусит
		J32.4	Сурункали пансинусит
		J32.8	Бошқа сурункали синуситлар
		H04.5	Кўз ёши йўллари торайиши ва етишмовчилиги

107.	Юқори нафас йўлларининг бошқа касалликлари	J33.0	Бурун бўшлиғи полипи
		J33.1	Синус полипоз дегенерацияси
		J33.8	Синуснинг бошқа полиплари
		J33.9	Аниқланмаган бурун полипи
		J34.2	Жойидан силжиган бурун тўсиғи
		J34.3	Бурун супраси чифаноқлари гипертрофияси
		J34.8	Бурун ва бурун синусларининг бошқа аниқланган касалликлари
		J35.0	Сурункали тонзиллит
		J35.2	Бурун халқум безининг гипертрофияси
		J35.3	Танглай муртаклари гипертрофияси
		Q30.0	Хоаналар атрезияси
		11-§. Гематология ва онкология	
108.	Бош мия ва марказий нерв системаси хавфли ва хавфсиз ўсмалари	C69.0	Конъюнктиванинг хавфли ўсмалари
		C69.6	Кўз косасининг хавфли ўсмалари
		C69.8	Кўз ва унинг қўшимча аппаратининг юкорида кўрсатилган, битта ёки ундан кўп локализациялари чегарасидан чиқувчи, заарланиши
		C70.0	Бош мия пардаларининг хавфли ўсмалари
		C70.1	Орқа мия пардаларининг хавфли ўсмалари
		C70.9	Аниқланмаган мия пардаларининг хавфли ўсмалари
		C71.0	Катта миянинг, бўлмалари ва қоринчаларидан ташқари хавфли ўсмалари
		C71.1	Пешона бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.2	Чакка бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.3	Тепа бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.4	Энса бўлмасининг хавфли ўсмалари
		C71.5	Мия қоринчасининг
		C71.6	Миячанинг
		C71.9	Бош миянинг аниқланмаган локализацияли хавфли ўсмаси
		C76.0	Бош, юз ва бўйиннинг ноаниқ локализацияли хавфли ўсмалари
		D32.0	Бош мия пардаларининг хавфсиз ўсмалари
		D33.0	Орқа мия пардаларининг хавфсиз ўсмалари
109.	Лимфоид, қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ва хавфсиз ўсмалари	C81.0	Лимфоид устунлик, Ходжкин касаллиги
		C81.7	Ходжкин касаллигининг бошқа кўринишлари
		C81.9	Аниқланмаган Ходжкин касаллиги
		C82.0	Майда ҳужайрали парчаланган ядролар билан, фолликуляр тугунли хавфли ўсмалари
		C83.0	Аралаш, майда ҳужайрали парчаланган ядролар билан, йирик ҳужайрали, фолликуляр тугунли хавфли ўсмалари
		C83.7	Фолликуляр ноходжкин лимфомасининг бошқа типлари
		C85.0	Лимфосаркома (ноходжкин)
		C85.1	В-ҳужайрали ноходжкин лимфомаси
		C85.9	Ноходжкин лимфомасининг бошқа турлари

	C86.0	Т ва НК хужайрали ноходжкин лимфомасининг аниқланган турлари
	C77.0	Бош, юз ва бўйин лимфа тугунларининг хавфли ўсмаси
	C77.1	Кўкрак ичи лимфа тугунларининг хавфли ўсмаси
	C77.2	Корин ичи лимфа тугунларининг хавфли ўсмаси
	C77.3	Кўлтиқ ости соҳаси ва қўл лимфа тугунларининг хавфли ўсмаси
	C77.8	Кўп сонли локализацияли лимфа тугунларининг хавфли ўсмаси
	C78.0	Ўпка иккиласми хавфли ўсмалари
	C01.0	Тил илдизининг хавфли ўсмаси
	C07.0	Қулоқ олди сўлак бези хавфли ўсмаси
	C10.0	Оғиз-ҳалқум хавфли ўсмаси
	C11.0	Бурун-ҳалқум юқори деворининг хавфли ўсмаси
	C14.0	Аниқланмаган ҳалқумнинг хавфли ўсмаси
	C43.0	Лаб хавфли меланомаси
	C44.0	Лаб терисининг хавфли ўсмаси
	C45.0	Плевра мезотелиомаси
	C46.0	Тери Капоши саркомаси
	C74.0	Буйрак усти бези пўстлоғининг хавфли ўсмаси
	D10.0	Лабнинг хавфсиз ўсмалари
	D11.0	Қулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари
	D11.7	Бошқа сўлак безларининг хавфсиз ўсмалари
	D17.0	Бош, юз ва бўйин тери ёғ тўқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмалари
	D18.0	Барча локализацияли гемангиома
	D18.1	Барча локализацияли лимфангиома
	D19.0	Плевра мезотелиал тўқимасининг хавфсиз ўсмалари
	D21.0	Бош, юз ва бўйиннинг бириттирувчи ва бошқа юмшоқ тўқималарининг хавфсиз ўсмалари
	D23.0	Лаб терисининг хавфсиз ўсмалари
	D36.0	Лимфатик тугунларининг хавфсиз ўсмалари
110.	C18.0	Кўричакнинг хавфли ўсмалари
	C18.2	Кўтарилиувчи чамбар ичакнинг хавфли ўсмалари
	C19.0	Ректосигмоид бирикма хавфли ўсмаси
	C22.0	Жигар хужайрали рак
	C22.2	Гепатобластома
	C22.4	Жигарнинг бошқа саркомалари
	C22.9	Жигарнинг аниқланмаган хавфли ўсмаси
	C25.0	Ошқозон ости бези бошчасининг хавфли ўсмалари

C25.1	Ошқозон ости бези танасининг хавфли ўсмалари
C25.2	Ошқозон ости бези думининг хавфли ўсмалари
C25.4	Ошқозон ости бези Ланггерганс оролчалари хужайраларининг хавфли ўсмалари
C47.0	Бош, юз ва бўйин периферик нервларининг хавфли ўсмалари
C47.8	Периферик нервлар ва вегетатив нерв системасининг юқорида кўрсатилган, битта ёки ундан кўп локализациялари чегарасидан чиқувчи, заарланиши
C47.9	Периферик нервлар ва вегетатив нерв системасининг, аниқланмаган локализацияли хавфли ва хавфсиз ўсмалари
C48.0	Қорин парда орти соҳасининг хавфли ўсмалари
C48.8	Қорин парда орти соҳаси ва қорин парданинг юқорида кўрсатилган, битта ёки ундан кўп локализациялари чегарасидан чиқувчи, заарланиши
C49.0	Бош, юз ва бўйин бириктирувчи ва юмшоқ тўқималарининг хавфли ўсмалари
C49.1	Кўллар юмшоқ ва бириктирувчи тўқималарининг, елка камари билан биргаликда хавфли ўсмалари
C49.2	Оёқлар юмшоқ ва бириктирувчи тўқималарининг, чаноқ-сон соҳаси билан биргаликда хавфли ўсмалари
C49.3	Кўкрак қафаси бириктирувчи ва юмшоқ тўқималарининг хавфли ўсмалари
C49.4	Қорин юмшоқ ва бириктирувчи тўқималарининг хавфли ўсмалари
C49.6	Ноаниқ локализацияли тана бириктирувчи ва юмшоқ тўқималарининг хавфли ўсмалари
C49.9	Юмшоқ ва бириктирувчи тўқималарининг аниқланмаган локализацияли хавфли ва хавфсиз ўсмалари
Д12.0	Кўричакнинг хавфсиз ўсмалари
Д12.2	Кўтарилиувчи чамбар ичакнинг хавфсиз ўсмалари
Д12.5	Сигмасимон ичакнинг хавфсиз ўсмалари
Д12.8	Йўғон ичакнинг хавфсиз ўсмалари
Д13.0	Қизилўнгачнинг хавфсиз ўсмалари
Д13.3	Ингичка ичакнинг бошқа ва ноаниқ қисмларининг хавфсиз ўсмалари
Д14.0	Ўрта қулоқ, бурун бўшлифи ва қўшимча бўшликларининг хавфсиз ўсмалари
Д14.2	Трахеянинг хавфсиз ўсмалари
Д14.3	Бронх ва ўпканинг хавфсиз ўсмалари
Д20.0	Қорин парда орти соҳасининг хавфсиз ўсмалари

111.	Суяк ва бўғим тоғайларининг хавфли ва хавфсиз ўсмалари	C40.0	Курак ва елка-билак суюкларининг хавфли ўсмалари
		C40.1	Қўл калта суюкларининг хавфли ўсмалари
		C40.2	Оёқ узун суюкларининг хавфли ўсмалари
		C40.8	Оёқ-қўл суяк ва бўғим-тоғайларининг битта ёки ундан кўп локализациялари чегарасидан чиқувчи хавфли ва хавфсиз ўсмалари
		C40.9	Оёқ-қўл суяк ва бўғим-тоғайларининг, аниқланмаган локализацияли хавфли ўсмалари
		C41.0	Бош ва юз суюкларининг хавфли ўсмалари
		C41.1	Пастки жағнинг хавфли ўсмалари
		C41.2	Умуртқа поғонасининг хавфли ўсмалари
		C41.3	Қовурғалар, тўш ва ўмров суюкларининг хавфли ўсмалари
		C41.4	Чаноқ, думғаза ва дум суюкларининг хавфли ўсмалари
		C41.9	Суяк ва бўғим-тоғайларининг аниқланмаган хавфли ўсмалари
		D16.0	Курак ва қўл узун суюкларининг хавфсиз ўсмалари
		D16.1	Қўл калта суюкларининг хавфсиз ўсмалари
		D16.2	Оёқ узун суюкларининг хавфсиз ўсмалари
		D16.4	Бош ва юз суюкларининг хавфсиз ўсмалари
		D16.7	Қовурғалар, тўш ва ўмров суюкларининг хавфсиз ўсмалари
		D16.8	Думғаза, дум ва чаноқ суюкларининг хавфсиз ўсмалари
		D17.3	Бошқа ва ноаниқ локализацияли тери ёғ тўқимаси ва тери ости клетчаткаси хавфсиз ўсмаси
112.	Аёллар ва эркаклар жинсий органлари хавфли ва хавфсиз ўсмалари	C51.0	Катта уятли лабининг хавфли ўсмаси
		C52.0	Қиннинг хавфли ўсмаси
		C53.0	Ички қисмининг хавфли ўсмаси
		C54.0	Бачадон бўйнинг хавфли ўсмаси
		C55.0	Бачадон хавфли ўсмаси ноаниқ локализацияли хавфли ўсмаси
		C56.0	Тухумдон хавфли ўсмаси
		C57.0	Фаллопиев найининг хавфли ўсмаси
		C58.0	Плацента хавфли ўсмаси
		C61.0	Простата бези хавфли ўсмаси
		C62.0	Ёрғоққа тушмаган моякнинг хавфли ўсмаси
		C62.1	Ёрғоққа тушган моякнинг хавфли ўсмаси
		C63.0	Мояк ортигининг хавфли ўсмаси
		C63.7	Бошқа аниқланган эркаклар жинсий органларининг хавфли ўсмаси
		C64.0	Буйрак хавфли ўсмаси, буйрак жомидан ташқари хавфли ўсмаси
		C68.0	Уретранинг хавфли ўсмаси

		C79.0	Бүйрак ва бүйрак жомлари иккиламчи хавфли ўсмаси
		C80.0	Ноаниқ локализацияли хавфли ўсма
		D27.0	Тухумдоннинг хавфсиз ўсмалари
		D28.0	Вульванинг хавфсиз ўсмалари
		D29.0	Жинсий олатнинг хавфсиз ўсмалари
113.	Нафас органлари ва кўкрак қафаси хавфли ва хавфсиз ўсмалари	C30.0	Бурун бўшлигининг хавфли ўсмалари
		C31.0	Юкори жаф (Гаймор) бўшлигининг хавфли ўсмалари
		C32.0	Бевосита овоз аппаратининг хавфли ўсмалари
		C33.0	Трахея хавфли ўсмаси
		C34.0	Асосий бронхлар хавфли ўсмалари
		C37.0	Айрисимон без (тимуснинг) хавфли ўсмаси
		C38.0	Юракнинг хавфли ўсмалари
		C39.0	Нафас органлари ва кўкрак ичи органларининг бошқа ва аниқ кўрсатилмаган хавфли ўсмаси
		C91.0	Ўткир лимфобластли лейкоз
114.	Қон яратувчи ва унга алоқадор тўқималар хавфли ўсмалари ва бошқа касалликлари	C91.9	Аниқланмаган лимфоид лейкоз
		C92.0	Ўткир миелоид лейкоз
		C92.1	Сурункали миелоид лейкоз
		C92.4	Ўткир промиелоцитар лейкоз
		C92.7	Бошқа миелоид лейкоз
		C93.3	Ювенил миеломоцитар лейкоз
		C93.7	Бошқа моноцитар лейкоз
		C96.0	Лангерганс ҳужайрали гистиоцитоз
		D46.0	Миелодиспластик синдром
		D47.9	Лимфоид, қон яратувчи тўқималарнинг ноаниқ ёки номаълум ўсмалари
		D55.0	Фермент алмашинувининг бузилиши камқонлиги-глюкоза 6 фосфат дегидрогеназа етишмовчилиги
		D56.1	В Талассемия
		D57.0	Ўроқсимон ҳужайрали камқонлик криз билан
		D61.0	Конституционал апластик камқонлик
		D61.3	Идиопатик апластик камқонлик
		D64.0	Наслий сидеробласт камқонлик
		D68.0	Виллербранд касаллиги
		D68.2	Қон ивиш факторларининг наслий камчилиги
		D69.1	Тромбоцитларнинг сифатли нуксонлари
		D69.3	Идиопатик тромбоцитопеник пурпурা
		D69.4	Елка суягисиз тромбоцитопения
		D69.8	Аниқланмаган геморрагик ҳолатлар
		D70.0	Агранулоцитоз
		D82.0	Вискотт-Олдрич синдроми
		D89.9	Иммун тизимнинг аниқлаштирилмаган бузилишлари

12-§. Гастроэнтерология

115.	Ноинфекцион энтерит ва колитлар	K50.1	Крон касаллиги
		K51.0	Ярали (сурункали) энтероколит
		K52.2	Аллергик гастроэнтерит ва аллергик колит
		K56.0	Паралитик илеус
		K56.1	Ичак инвагинацияси
		K59.0	Сурункали ич қотиши билан кечувчи касалликлар: долихосигма, долихоколон
116.	Қизилўнгачнинг бошқа касалликлари	K21.0	Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги
		K22.0	Қизилўнгач ахалазияси (кардиал қисм стенози)
		K22.2	Қизилўнгач тутилиши
		Q39.3	Қизилўнгач туғма стенози ва структураси
117.	Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак касалликлари	K25.7	Ошқозон яра касаллиги (асоратли ва асоратсиз)
		K26.7	Ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги (асоратли ва асоратсиз)
		K29.6	Сурункали гастрит ва дуоденит
118.	Жигар ва ўт йўллари касалликлари	B18.1	Дельта-агентсиз сурункали вирусли гепатит В
		B18.2	Сурункали вирусли гепатит С
		K91.5	Постхолецистэктомик синдром
		K74.0	Жигар фибрози ва циррози
		K75.4	Автоиммун гепатит
		Q44.0	Ўт пуфаги агенезия, аплазия ва гипоплазияси

13-§. Ихтисослаштирилган педиатрия ва генетика

119.	Бошқа руқнларда таснифланмаган, жинсий балоғатга етишнинг бузилишлари	E30.0	Жинсий балоғатга етишнинг кечикиши
		E30.1	Барвақт жинсий балоғатга етиш
		E31.0	Автоиммун полигландуляр етишмовчиликлар
		E31.9	Аниқланмаган полигландуляр дисфункция
		Q50.3	Тухумдоннинг бошқа туғма аномалиялари
		Q55.0	Мояк ўйқлиги ва аплазияси
120.	Модда алмашинувининг бузилишлари	E03.1	Буқоқсиз туғма гипотиреоз
		E16.2	Аниқланмаган гипогликемия
		E20.0	Идиопатик гипопаратиреоз
		E20.1	Псевдогипопаратиреоз
		E23.0	Гипопитуитаризм
		E21.3	Аниқланмаган гиперпаратиреоз
		E24.0	Гипофизар генезли Иценко-Күшинг касаллиги
		E24.8	Күшингойд синдром билан таърифланадиган бошқа ҳолатлар
		E25.0	Ферментлар танқислиги билан боғлик бўлган туғма андрогенитал бузилишлар
		E25.8	Бошқа андроганитал бузилишлар
		E26.9	Аниқланмаган гиперальдостеронизм

E27.2 Аддисон кризи

E27.9 Буйрак усти безларининг аниқланмаган касаллиги

		E34.5	Андроген резистентлик синдроми
		E34.8	Бошқа аниқланган эндокрин бузилишлар
		E44.0	Мұйтадил оқсил-энергетик етишмовчилик
		E70.0	Классик фенилкетонурия
		E70.1	Бошқа гиперфенилаланинемиялар
		E71.1	Тармоқланган занжирли аминокислоталар алмашинуви бузилишининг бошқа турлари
		E71.3	Ёғ кислоталар алмашинуви бузилишлари
		E72.8	Бошқа аниқланган аминокислоталар алмашинувининг бузилишлари
		E83.0	Мис алмашинуви бузилишлари
		E83.3	Фосфор алмашинуви бузилишлари
		M81.5	Идиопатик остеопороз
		Q78.0	Нихоясига етмаган остеогенез
		Q78.1	Полиостоз фиброз дисплазия
121.	Бир неча системаларни қамраб олувчи бошқа аниқланган туғма аномалиялар ва синдромлар	Q87.0	Күпрөк юзнинг ташқи күренишига таъсир қылувчи туғма аномалиялар синдромлари
		Q87.1	Асосан карлик күренишида намоён бўладиган туғма аномалиялар синдромлари
		Q87.2	Асосан оёқ-қўлларни қамраб олувчи туғма аномалиялар синдромлари
		Q87.3	Ривожланишнинг эрта боскичларидага ортиқча ўсиш [гигантизм] ҳолида намоён бўладиган туғма аномалиялар синдромлар
		Q87.4	Марfan синдроми
		Q87.8	Бошқа рукнларда таснифланмаган, бошқа аниқланган туғма аномалиялар синдромлари
122.	Бошқа рукнларда таснифланмаган хромосом аномалиялар	Q92.0	Тўлиқ хромосом трисомияси, мейотик ажралишмаслик
		Q92.1	Тўлиқ хромосом трисомия, мозаицизм (Митотик ажралишмаслик)
		Q92.2	Катта қисман трисомия
		Q92.3	Кичик қисман трисомия
		Q92.4	Факат прометафазада кузатиладиган икки ҳисса кўпайиш
		Q92.5	Бошқа қайта қуриш комплекс билан икки ҳисса кўпайиш
		Q92.6	Махсус белгиланган хромосомалар
		Q92.7	Триплоидия ва полиплоидия
		Q93.0	Тўлиқ хромосом моносомия, мейотик ажралмаслик
		Q93.1	Тўлиқ хромосом моносомия, мозаицизм. митотик ажралмаслик
		Q93.5	Хромосома бир қисмининг бошқа делециялари
		Q93.7	Бошқа қайта қуриш комплекс билан делециялар
		Q93.8	Аутосомалардан келиб чиқкан бошқа делециялар
		Q95.2	Анормал индивиддаги баланслашган аутосом қайта қуришлар

		Q96.0	45,X кариотип,
		Q96.1	46,X iso (Xq) кариотип
		Q96.2	46,X аномал жинсий хромосомали, iso (Xq)дан ташқари кариотип
		Q96.3	45,X / 46,XX ёки XY мозаицизми
		Q96.8	Тернер синдромининг бошқа варианatlари
		Q97.0	47,XXX кариотип
		Q97.1	Учтадан кўп X-хромосомага эга аёл
		Q97.2	X-хромосомага эга турли сонли занжир мозаицизми
		Q97.3	46,XY-кариотипли аёл
		Q98.1	Кляйнфелтер синдроми, иккитадан кўп бўлган X хромосомали эркак
		Q98.2	Кляйнфелтер синдроми, 46,XX-кариотипли эркак
		Q98.3	46,XX-кариотипли бошқа эркак
		Q98.5	Кариотип 47,XYY
		Q98.6	Жинсий хромосомалари таркибий ўзгаришли эркак
		Q98.7	Мозаик жинсий хромосомали эркак
		Q98.8	Жинсий хромосомаларнинг бошқа аниқланган, аномалиялари, эркак фенотипи
		Q99.0	Мозаик (химера) 46,XX / 46,XY
		Q99.1	46,XX чин гермафродит
		Q99.2	Мўрт X-хромосома
		Q99.8	Бошқа аниқланган хромосом аномалиялар
123.	Орқа мия мушакларининг атрофияси ва улар билан боғлик синдромлар	G12.1	Бошқа ирсий умуртқа мушакларининг атрофияси 2-3 тип

».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

279 «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпик ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгаришилар киритиш ҳақида^{*}

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
6 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1869-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдағи ПҚ-694-сон «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиликарини ўй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, 2019 йил 26 февралдаги 170-сон «Давлат ўй-жой фондидаги тураг жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида беришни тартибга солишга қаратилган норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон «Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2008 йил 14 октябрдаги 658-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпик ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1869, 2008 йил 11 ноябрь) иловага мувофиқ ўзгаришилар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 июнь,
486-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 июлон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2023 йил 6 июндаги
486-сон бўйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги
ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банддаги «мудофаа вазирининг фронт орти ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари» деган сўзлар «мудофаа вазирининг моддий-техник таъминот бўйича ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) 1-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошилари, 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 24 ва 34-бандларнинг давлат тилидаги матнидаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 9-банднинг давлат тилидаги матнидаги «Шартнома» ва «қонун» деган сўзлар тегишли равишда «Контракт» ва «қонунчилик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 11-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларда турар жой билан таъминланадиган ҳарбий хизматчилар, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ишчи ва хизматчилари (бундан бўён матнда ишчи ва хизматчилар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон «Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида беришни тартибга солишга картилган норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги номидан худудий уй-жойдан фойдаланиш қисми (бундан бўён матнда худудий УФҚ деб юритилади) бошлиғи билан хизмат турар жойини ижарага олиш шартномасини (бундан бўён матнда шартнома деб юритилади) тузадилар.»;

г) 12-бандда:

биринчи хатбошининг давлат тилидаги матнидаги «Шартнома» ва «қонун» деган сўзлар тегишли равишда «Контракт» ва «қонунчилик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ишчи ва хизматчиларига» деган сўзлар «ишчи ва хизматчиларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларга аҳоли пункти ва аҳоли пунктидан ташқаридаги рухсатнома тизимига эга бўлган ёпиқ ҳарбий шаҳарчалардан хизмат турар жойлари тегишли ҳарбий қисм ва гарнизонлар уй-жой комиссиялари қарорига мувофиқ тақдим этилади.

Хизмат турар жойлари тақдим этилган ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларга ҳарбий хизматни ўташ (мехнат фаолиятини амалга ошириш)

даври учун мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ хизмат ордерлари расмийлаштириб берилади.

Ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларга хизмат ордерларини расмийлаштириб бериш ва хизмат турар жойларининг ҳисобини юритиш ҳудудий УФҚ томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хизмат ордерларида ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ҳамда улар билан бирга истиқомат қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиди.

Ёпик ҳарбий шаҳарчаларда хизмат ордерлари асосида истиқомат қилувчи шахсларни доимий ва вактинча рўйхатга олиш ҳамда рўйхатдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вактинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда рўйхатдан чиқаришни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хизмат ордерлари уларни расмийлаштириб берган ҳудудий УФҚга ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар томонидан, улар белгиланган тартибда рўйхатга олинганларидан сўнг, қайтариб топширилади.»;

е) 15-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қўйидаги мазмундаги иккинчи — бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ёпик ҳарбий шаҳарчалар умумий ётоқхонасининг яшаш учун мўлжалланган хонасига кўчиб кириш мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги талон асосида амалга оширилади.

Ёпик ҳарбий шаҳарчаларнинг умумий ётоқхонасига кўчиб кираётган ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон «Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида беришни тартибга солишига қаратилган норматив-хуқукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, хизмат турар жойини ижарага олиш шартномаси тузилади.

Ёпик ҳарбий шаҳарчаларнинг умумий ётоқхоналарида талон асосида истиқомат қилувчи шахсларни вактинча рўйхатга олиш ҳамда рўйхатдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вактинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда рўйхатдан чиқаришни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Умумий ётоқхоналарда истиқомат қилувчи шахсларни яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга олиш тақиқланади.»;

ж) 17-банднинг давлат тилидаги матнидаги «кейинги ўринларда матнда» деган сўзлар «бундан бўён матнда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ШНҚ 3.01.04-04» қисқартмаси «ШНҚ 3.01.04-19» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

и) 29-банддаги «Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси» деган сўзлар «Мудофаа вазирлиги марказий аппарати Таъминот департamenti Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 1-илова ушбу ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпик
ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпик
ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
тасарруфидаги ёпик ҳарбий шаҳарчалар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Аҳоли пункти	Ҳарбий шаҳарча рақами	Уйлар/хонадонлар сони
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппаратининг УФҚ			
1.	Тошкент шаҳри	51	3/13 (133а, 133б, 133к)
Тошкент ҳудудий УФҚ			
2.	Малек аҳоли пункти	2	3/66
3.	Қуёшли аҳоли пункти	176	2/64
4.	Чиноз аҳоли пункти	97	4/16
5.	Келес аҳоли пункти	102	2/8
6.	Бинокор аҳоли пункти	118	1/12
Чирчиқ ҳудудий УФҚ			
7.	Қизил шалола аҳоли пункти	93	2/48
8.	Чифириқ аҳоли пункти	113	2/16
9.	Ширин аҳоли пункти	11 «а»	11/222
10.	Ангрен шаҳри	1	1/64
Самарқанд ҳудудий УФҚ			
11.	Кимёгарлар шаҳарчаси (Супер)	37	2/24
12.	Қурқозон аҳоли пункти	60	4/16
Каттақўргон ҳудудий УФҚ			
13.	Каттақўргон шаҳри	2	1/36
14.	Оқтош шаҳри	30	6/19
Жиззах ҳудудий УФҚ			
15.	Олмачи аҳоли пункти	5	5/100
16.	Бахмал аҳоли пункти	36	9/192
Бухоро ҳудудий УФҚ			
17.	Мехнатобод аҳоли пункти	34	1/4
18.	Қорақўл тумани	36	3/144

Карши ҳудудий УФҚ			
19.	Хонобод аҳоли пункти	4	15/352
20.	Қарши шаҳри	13	10/214
21.	Муборак шаҳри	38	4/128
22.	Нуристон аҳоли пункти	18	5/248
23.	Пачкамар аҳоли пункти	39	9/176
Термиз ҳудудий УФҚ			
24.	Какайди аҳоли пункти	1 «к»	18/290
25.	Хайробод аҳоли пункти	52	8/142
26.	Майдон аҳоли пункти	67	11/208
27.	Сариосиё аҳоли пункти	17	1/8
28.	Сариосиё аҳоли пункти	18	2/40
29.	Термиз шаҳри	1	2/64
Нукус ҳудудий УФҚ			
30.	Нукус шаҳри	1	11/188
31.	Орнек аҳоли пункти	2	2/52
32.	Урганч шаҳри	24	6/6
33.	Қиёт аҳоли пункти	26	1/16
Наманган ҳудудий УФҚ			
34.	Фурумсарой аҳоли пункти	13 «а»	5/72
35.	Фурумсарой аҳоли пункти	13 «б»	4/128
36.	Чуст шаҳри	15 «а»	2/96
37.	Ҳасанобод аҳоли пункти	69	19/300
Фарғона ҳудудий УФҚ			
38.	Жанубий Оламушук аҳоли пункти	20	8/128
39.	Толмазор аҳоли пункти	70	5/96
40.	Фарғона шаҳри	10	1/48
41.	Фарғона шаҳри	69	1/55
42.	Андижон шаҳри	1 «а»	1/32
43.	Сўҳ тумани	62	4/96

».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

280 **Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг З-иловасига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-3*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-122-сон «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 8 февралдаги 01-02/8-4-сон қарори (рўйхат рақами 2868, 2017 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 176-модда) билан тасдиқланган Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг З-иловасига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 8 июнь,
29-сон

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
химоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2023 йил 19 май

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 15 май

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
8 июндаги 29-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқноманинг З-иловасига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими томонидан шакллантирилган ташқи савдо контракти (шартнома, келишув) ёки инвойснинг идентификация рақами;».

2. 3-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Божхона қиймати 4-усул бўйича аниқланганда декларацияловчи шахс томонидан қўйидаги хужжатлар тақдим этилади****:»;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«**** Агар декларацияловчи шахс томонидан мазкур банднинг «а» — «д» кичик бандларида назарда тутилган хужжатларни тўлиқ ёки қисман тақдим этиш имконияти бўлмаганда, божхона органи ўзининг ахборот тизимларига интеграция қилинган солик органлари ахборот тизимларида мавжуд бўлган электрон ҳисобварак-фактурадаги айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг нархлари тўғрисидаги ахборотни декларацияловчи шахсга тақдим этади.

Бунда, декларацияловчи шахс божхона органи томонидан тақдим этилган нархлар бўйича товарнинг божхона қийматини Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги 160-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига мувофиқ иқтисодий-математика усулларини қўллаган ҳолда ҳисоблаш ҳамда товарнинг божхона қийматини божхона органига тақдим этиш хуқуқига эга.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

281 **Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3343-1

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6310-сон «Божхона тартибатоимилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 01-02/8-51-сон қарори (рўйхат рақами 3343, 2021 йил 27 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.12.2021 й., 10/21/3343/1205-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 2 июнь,
25-сон

Келишилди:

Рақамли технологиялар вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2023 йил 4 май

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 11 май

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
2 июндангы 25-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга
тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш
бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларнинг божхона расмий-лаштирувидан олдин ушбу товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлашда божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартибини белгилайди.».

2. 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«божхона органи — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитасининг (бундан буён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;».

3. 3-банддаги «божхона юк декларацияси тақдим этилишидан олдин» сўзлари «эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилмаган товарлар юзасидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 6-бандда:

«ДБҚнинг» деган сўз «Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Манфаатдор шахс аризани товарнинг божхона қийматини кўрсатмаган, шунингдек ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган хужжатлар ва маълумотларни илова қилмаган ҳолда тақдим этиши мумкин. Бунда, манфаатдор шахс ариза шаклининг 3.12-позициясига тегишли белги қўяди.»

5. Қўйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Манфаатдор шахс томонидан ариза ушбу Низомнинг 6-банди иккинчи хатбошисида белгиланган тартибда тақдим этилганда, дастлабки қарорни қабул қилиш учун божхона қийматини аниқлашнинг захира усулидан фойдаланган ҳолда ўртacha божхона қиймати аниқланади ва божхона тўловлари ҳисоблаб чиқарилади.

Масалан, манфаатдор шахс томонидан Бирлашган Араб Амирликларидан «BMW X7» русумли автотранспорт воситасини олиб келиши мўлжалланган, бироқ манфаатдор шахсада товарнинг божхона қиймати тўғрисидаги маълумотлар ҳамда зарур хужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам дастлабки қарор олиш юзасидан божхона органларига мурожаат қилиши мумкин. Божхона органи эса, ўртacha божхона қийматларидан фойдаланган ҳолда божхона тўловларини ҳисоблаб чиқаради ва дастлабки қарорни қабул қиласди.

Ушбу талаблар асосида қабул қилинган дастлабки қарор божхона расмийлаштируви учун асос сифатида қабул қилинмайди ва божхона органлари учун мажбурий ҳисобланмайди.».

6. 12, 14-бандлар, 22-банднинг биринчи хатбошиси, 34, 36-бандлар, 37-банднинг биринчи хатбошиси, 40, 45-бандлар, 48-банднинг биринчи хатбошисидаги «ДБҚнинг» ва «ДБҚ» деган сўзлар тегишли равища «Божхона қўмитасининг» ва «Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 16-банднинг «б» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) аризага ушбу Низомнинг 8-банди «а» кичик бандида назарда тутилган хужжатлар илова қилинмаган бўлса, бундан ушбу Низомнинг 6-банди иккинчи хатбошисида белгиланган тартибда тақдим этилган аризалар мустасно;».

8. 20-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Божхона органининг масъул ходими аризада кўрсатилган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усули уни тасдиқлаш учун тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларга мос эмаслигини аниқласа, бу ҳақида шу куннинг ўзида манфаатдор шахсга ёзма ёки электрон тарзда хабарнома юборади. Хабарномада божхона қийматини аниқлаш усулининг уни тасдиқлаш учун тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларга мос эмаслиги, мос эмаслиги сабаблари ҳамда божхона органи томонидан мустақил равища божхона қийматини ва уни аниқлаш усулини кетма-кетликда белгилаш орқали аризани кўриб чиқиш таклифи кўрсатилади.

Манфаатдор шахс божхона органининг таклифига розилик билдирган тақдирда, дастлабки қарорни қабул қилиш рад этилмайди ҳамда товарнинг божхона қийматини аниқлаш божхона органи томонидан мустақил тарзда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги 160-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона худудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувоғиқ олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш усувларини кетма-кетликда қўллаш орқали амалга оширилади.».

9. 28-бандда:

куйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«в) дастлабки қарорни олиш юзасидан тақдим этилган аризада кўрсатилган товарлар эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилган бўлса.

Мазкур банднинг «б» кичик бандида назарда тутилган ҳолларда дастлабки қарорни қабул қилишни рад этиш манфаатдор шахс томонидан божхона органининг мустақил тарзда божхона қийматини ва уни аниқлаш усулини кетма-кетликда белгилаш орқали аризани кўриб чиқиш таклифига розилик билдиримаган ёки уни рад этган ҳолларда амалга оширилади.».

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

10. 46-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бунда, дастлабки қарорда келтирилган божхона тўловларининг миқдори қўйидаги ҳолларда ўзгариши мумкинлиги инобатга олинади:

а) валюта курсининг ўзгариши натижасида божхона қиймати миқдорининг мос тарзда ўзгариши;

б) божхона тўловлари ставкаларининг ўзгариши;

в) божхона тўловларидан берилган имтиёзларнинг муддати тугаши ёки бекор қилиниши, божхона тўловлари бўйича имтиёз назарда тутилган қонунчилик ҳужжатига ўзгартириш киритилиши ёхуд божхона тўловларидан имтиёз назарда тутилган қонунчилик ҳужжати қабул қилиниши.».

11. 1-илова қўйидаги мазмундаги изоҳ қисми билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: Божхона тўловлари, шу жумладан қўлланилган имтиёзлар ва божхона тўловлари ставкалари дастлабки қарор қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюталар курси ҳамда қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳисоблаб чиқарилади. Валюта курси ва (ёки) қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши ҳисобига божхона тўловлари миқдори ўзгариши мумкин.».

12. 2-иловада:

қўйидаги мазмундаги 3.12-позиция билан тўлдирилсин:

«	3.12 Товарнинг божхона қийматини кўрсатмаган, шунингдек тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилмаган ҳолда тақдим этиладиган ариза***	»;
---	--	----

изоҳлар қисми қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«*** Агар ариза манфаатдор шахс томонидан товарнинг божхона қийматини кўрсатмаган, шунингдек тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилмаган ҳолда тақдим этилса, «» белгиси қўйилади. Бунда, мазкур ариза асосида тақдим этилган дастлабки қарор божхона расмийлаштируви учун асос сифатида қабул қилинмайди ва божхона органлари учун мажбурий ҳисобланмайди.».

13. 3-иловада:

а) 1-позицияда:

1.3.-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	1.3. Агар маълум қилинган божхона қиймати охирги тўқсон календарь кун ичida олиб кирилиб, 1-усулда қабул қилинган товарнинг божхона қийматидан паст бўлса:	»;
---	--	----

қўйидаги мазмундаги 1.3.1 ва 1.3.2-позициялар билан тўлдирилсин:

«	1.3.1 Жўнатувчи мамлакат божхона декларацияси**	»;
	1.3.2 Товарни етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар ва улар учун тўлов ҳисоблари***	

1.4. — 1.7-позициялар чиқариб ташлансин;
 1.8-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

1.8.	Битим тарафларининг ўзаро боғлиқлиги олиб кириладиган товарлар билан тузилган битим қийматига таъсир қилмаганигини тасдиқлаш мақсадида ихтиёрий равишда:
------	--

»;

1.8.2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

1.8.2	Божхона қиймати 4 ёки 5-усуллар билан аниқланган айнан бир хил ёки ўҳшаш товарларнинг божхона қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар
-------	---

»;

б) 2-позицияда:

2.1 ва 2.2-позициялар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

2.1	Божхона органи томонидан қабул қилинган ва божхона қиймати Божхона кодексининг 303-моддаси бўйича аниқланган ҳолда чиқарилган айнан бир хил ва ўҳшаш товарларга тегишли бўлган божхона декларацияси рўйхат рақами ва унга тегишли товар тартиб рақами
2.2	Қийматга тузатишлар киритиш амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган жойга етказиб берилгунга қадар қилинадиган харажатларни тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотлар****

»;

2.2.1 ва 2.2.3-позициялар чиқариб ташлансин;

в) 5.2.4-позиция чиқариб ташлансин;

г) изоҳлар қисми қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«****Агар бундай ҳужжатларни тақдим этишининг имконияти мавжуд бўлmasa, сотувчи ёки сотиб олувчининг ёзма тушунтиришлари, шу жумладан бундай ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар қабул қилиниши мумкин.

**** Мазкур ҳужжатлар товарнинг етказиб бериш шарти, транспорт тури ёки географик манзилларда фарқ бўлганда, тақдим қилиниши мумкин.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 16 июндаги 07/05-05/01-сон ва Баш прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2023 йил 13 июндаги 25-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-7.

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 4-iyuldagagi 9-mh-son “Yuridik xizmat xodimini lavozimga tayinlash va ozod qilish masalalarini adliya organlari bilan kelishish hamda birinchi marta yuridik xizmat xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning adliya organlarida stajirovkadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2023-yil 5-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3444.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 27 июндаги 22-сон «Имтиёзли тоифага киравчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизими-га ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатининг I бўлими 2-бобига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 6 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348-2.

4. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2023 йил 6 июндаги 486-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 6 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1869-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 8 июндаги 29-сон «Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг З-иловасига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-3.

6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 2 июндаги 25-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги буйруғи.

2023 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3343-1.